

Бу сонда:

Уқитувчи саҳифаси

Мақтаб ҳаёти:  
қайта қуриш кимларга боғлиқ?  
(Баҳ с)

Қатортолга мактублар

Мансуралар

Ўрта Осиё ва Қозоғистон  
мусулмонлари диний  
Бошқармасининг муфтийси  
Муҳаммад Содик  
ибн Муҳаммад Юсуф  
билан суҳбат

Халқ севган ҳофиз:  
Муҳаммаджон Каримов!

Ихтиролар сандиги

Аниқ фанлар академияси



8 1989

# ЁШ КУЧ

ISSN 0235—1277




«Тошкент маликаси» конкурси-  
дан лавҳалар.

А. КУДРЯШОВ фотоси.

Мусаввир Исфандиёр Ҳайдаров

Пейзаж

Рустам ШАГАЕВ фотоси.



# Оқарса бир ўқувчи олам

Иккита муаллимнинг боши бир ерга қовушдими бас, хоҳлайсизми, йўқми гап тарбия ҳақида кетади:

— Қачон қараманг кўчадан бери келмайди. Саёқ бўлиб қолди.

— Оғзида сигарет, ҳидидан ёнига бориб бўлмайди.

...Иброҳим ҳақида гапираётганларнинг бири синф раҳбари, бири оддий ўқитувчи эди. Ҳа, биз кўпинча муҳокамадан нарига ўтмаймиз. Иброҳим ҳақида мен тамом бошқача ўйда эдим. Наҳотки, жуда ошириб юборишмаяптими?

Ҳозироқ Иброҳимни топиб гаплашсамикин? Йўқ, кузат! Сен қулоғинг билан эшитдинг. Кўзинг билан кўрганг йўқ, деган ўй кўнглимдан кечди.

Уша куни анчагина кеч кириб қолганди. Ариқ бўйидаги тутлар панасида кимлардир чекиб ўтирарди. Сездим, Иброҳим ҳам ораларида бор. Кўриб кўрмасликка олдим. Биринчи соатга кеч келди. Биров билан мушталашганиниям гувоҳи бўлдим. Хуллас, у билан суҳбатлашишга фурсат етган эди.

Дардан сўнг шкафни суриш баҳонасида хонамга бошладим. Иш битгач, у билан энг яқин кишидек гаплашишга ҳаракат қилдим. Гап орасида ўзингдан қониқасанми деб сўрадим.

— Кўпроқ кўчада юраман, ўқишим ҳам унчалик яхши эмас, — деди у тан олиб. — Уйдагиларга ҳам ёқмай қолдим. Бир куни кечаси, ҳа, ярим кечада отам ухлаб ётган ўрнимдан турғазиб, «нега уйга кеч келсан, дайди» — деб камар билан урдилар. Тўйда олган бўлсалар керак, арақни ҳиди

келиб турарди. Хўрлигим келди. — Иброҳим гапиришдан тўхтади. У калтак азобини ҳис қилгандек жунжикиб ерга қаради. Бироздан сўнг бошини кўтариб давом этди: — Шу-шу отам билан гаплашмай қўйдим. Гаплашмаслик жуда оғир.

— Кел, отангни сенга нисбатан тутган ишини чамалаб кўрайлик. Нима учун у киши шу даражага борган? Илгари урмаганлар деяпсан. Биринчидан, сен сурункасига кечқурунлари ўйда бўлмагансан. Бу ҳолни отанг кузатиб юрган. Кейин кўшнингни эслаб кўр. Ёшлигида чекди, ичди, умрини барбод қилди. Сенам ўша йўлдан кетаётгандек кўрингансан отангга. Отангни яхши биламан, ҳалол одам. Ишга эрта бориб кеч қайтади. Ароқ ичганини кўрмаганман. Балки, ўша кечаси тўйдан ичиб келишига ҳам сен «ҳисса» қўшгандирсан.

— Эҳтимол... — ўй суриб қолди Иброҳим.

— Менинг кичик дўстим, ана шунақа гаплар. Дўппини олиб қўйиб, роса ўйлайдиган гаплар. Ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатидан дарак берувчи гаплар...

Эртасига охири дардан Иброҳим кетиб қолибди. Ажабландим. Кечаги узоқ суҳбатнинг кучи беш соатга аранг етибдида. Балки бирор иш чиқиб қолгандир. Шундай деб ўзимга таскин бериб тургандим Иброҳимнинг синф раҳбари кириб келди.

— Сиз унга бўлишаверманг, келгуси ҳафтада тарбиявий соат ўтказиб Иброҳимни бошлаб муҳокама қилдираман.

Тарбиявий соат... Сизга ғалати туюлмаптими? Узингизни ўнинчи синф ўқувчиси ўрнига бир пас қўйиб кўринг. Ҳар ҳолда

ғашингиз келаётгандир?! Ҳа, бу кимга қандай таъсир кўрсатишига ҳам боғлиқ. Шу жиҳатдан қараганда тарбиявий соатлар дейилганидан кўра синф раҳбари соатлари, мунозара ва баҳс соатлари, ўзлигини таниш соатлари дейилгани маъқулмикин? Бунда темаларни олдиндан режалаштириб эмас, балки ҳар бир синф ўқувчиларининг ўз қизиқишлари ва имкониятларидан келиб чиқадиган, улар эҳтиёж сезадиган темаларни ўзлари танлаганларида ўз-ўзларини юриш-туришларини бошқаришларида фойдали бўлармиди. Балки шунда синфдаги бепарво, лоқайдлар сони, «тарбияси оғир»лар сони камайган бўлармиди? Шу куниеқ Иброҳимни қидириб топдим.

— Олтинчи соатга кирмабсан?

— Шундай бўлиб қолди. Меҳридин билан дўстмиз. Лекин бир масалада ҳеч келиша олмапмиз. Ўтган ҳафта ҳам четдан келган болалар билан жанжал чиқарди. Бугун ҳам... Жанжалнику олдини олди, лекин нима учунлигини ҳозир айтишим қийин.

— Меҳридин қандай бола? У билан тил топса бўладими? — деб сўрадим.

— Кўнгли тоза бола. Фақат айрим ҳолларда ўзини идора қилолмай қолади.

Энди Меҳридин билан ҳам тил топишим керак эди. Фақат яна ҳаммасини қайтадан бошлаш керак. У ҳам Иброҳимдек ўзига хос бир олам ахир!..

Усмон ТУРМУҲАМЕДОВ,  
Бухоро область, Гиждувон районидаги  
В. И. Ленин номи ўрта мактабининг  
синфдан ва мактабдан ташқари  
тарбиявий ишлар ташкилотчиси.

## Оқарса

Ниятни оқ қилиб  
Экин ташлар минг-минг эгатга.  
Ўзгаси кўкарар, пайкали оқарар.  
Қарийди. Қаригач салласи каби  
Соқоли оқарар.  
Барибир,  
Қозони қораймас,  
Косаси оқармас  
Ранги оқаради, оқарса...

Уролбек УРОЗОВ,

Нурота район, 41-мактаб ўқитувчиси.

## Тонг

Тун бўйи тентираб чиқди кумуш Ой  
Юлдузлар зулматда йитди — адашди.  
Булутлар ўзига тополмай мос жой  
Ҳар ёнга бош ура кетди қалашиб.  
Чидолмади само, тўлғонди оғир  
Ахир, туйғулари сарсон ўтарди.  
Кўксини Данкодай ёрдию охир  
Юраги — Қуёшни баланд кўтарди.

Фозил НЕЪМАТОВ,  
ўқитувчи.

\* \* \*

Бир гаразга дуч келдим ноҳос,  
Тухмат отиб қолди тошини.  
Бошим гир-гир айланди бироз,  
Гап қулағар ахир кишини!

Ҳаммасини ичимга олдим  
Нафратим ҳам жуфтакни уриб...  
Уша куни мен тирик қолдим,  
Ўзимга ҳақ бўлиб кўриниб.

Дўстмурод ҲАҚНАЗАРОВ,

Қашқадарё область

Ульянов райони

7-ўрта мактаб ўқитувчиси.

## Излар

«Чолгинамнинг панжа изи бор  
Шу деворда, мана қарагин.  
Менга боқиб турган кўзи бор  
Бу хонада... Дардим сўрагин!»..

Елборади тинмасдан кампир  
Ижроқўмнинг вакилига зор.

«— Тушунингда, холажон, ахир  
Мана, бузгин деган буйруқ бор!»

Талашади кампир бўш келмай,  
Йиғлар, дўқлар аммо йўл бермас.  
Аралашар кимлардир билмай  
Аммо кампир сира қўл бермас...

Нима бўлди сўнгида бу ҳол  
Билолмадим, тургандим шошиб.  
Аммо мени чулғади хаёл:  
Қани энди кампирдек тошиб

Ҳаммамиз ҳам куйсак, куйинсак —  
Боболарнинг панжа изига.  
Шу кампирдек эслаб сизинсак  
Боболарнинг йўлдан кўзига —

Омон қолган бўларди Жомеъ —  
Мақбаралар — ёрқин тарихлар.  
Учмас эди гузарлар номи  
Турар эди тарихни шарҳлаб!..

Дилмурод САИДОВ,  
Тошкентдаги 127-мактаб ўқитувчиси.

# МАКТАБ ХАЁТИ

## Қайта қуриш кимларга боғлиқ?

АВВАЛО УҚУВЧИЛАРДАН ЭШИТАЙЛИК:

— Таъмагир ўқитувчиси бор мактабда болалар орасида дўстлик бўлмайди. Бундайлар ота-онаси ёғлиқ жойда ишлайдиганларга нуқул пахта қўйиб юришади. Бу бошқа болаларга ёқадими? Ёқмайди! Уқувчилар иккига бўлиниб қолади: ҳаққа ва ноҳаққа.

— Мактаблардаги «актив»ларга бир қаранг. Бари «маъқулвой», «кўндивой»лар. Ўз сўзли, дадил болалар четда. Яна иккига бўлиниш: «хўп бўлади»лар ва ўз сўзли «қайсарлар».

— Комсомолга ўтаётганимизда «нимага ўтпасан» деб сўрашди. «Уртоқларимни уйқудан уйғотмоқчиман» дедим.

— Қойиллатиб дарс ўтмайдиган ўқитувчиларни қачонгача кечирами? Уларнинг билимини ўлчайдиган тарози борми?

— Ўтган йили саккизда ўқийдиганлар шунақа тарозини топган бўлишиб, «бунақа ўқитувчи керакмас» деб райкомга ёзишди. Охири нима бўлди? «Кашфиётчи»ларнинг чанги чиқиб кетди. Йигирма иккитасини училишега жўнатишди.

— Нимага училишега бор деб зўрлашади? Шунақа мажбурий қонун борми?

— Ўзимдан-ўзим сўрайман. Мактаб ким учун — ўқувчилар учунми? Йўқ, ўқитувчи учун бўлса керак. Бунақа дейишимга сабаб ўқитувчилар ўқувчиларни сираям менсизмайди. Нуқул осмонда, ўзлари хон, кўланкалари майдон юришади.

— 8, 9, 10-синф ўқувчилари 8 март, 23 февраль кунлари дастурхон атрофида тўпланишни хоҳлайдилар. «Йўқ» деб таъқиқлашади. Уқитувчиларнинг ўзлари ўтказишади-ку. Биз шунақа ўтиришларда ўтиришни қачон ўрганамиз?

**ЭНДИ БИРГАЛАШИШ ШАРҲЛАЙЛИК:**

Аввало «таъмагир», «ўқитувчи» деган сўзларни ёнма-ён қўйиб кўрайлик. Бир-бировига ёпишадими? Ҳеч қачон! Бири оқликни, иккинчиси қораликни даъво қилиб турибди. Бири орзули келажак бўлса, иккинчиси умидсиз охира. Синфдаги, мактабдаги болаларнинг икки тоифага ажраб кетишларининг ҳам боиси шундан. Икки хил қиёфага эга бўлган ўқитувчи ўз шогирдлариниям иккига ажратмай иложи йўқ. Ё нотўғрими? Энг даҳшатлиси шундаки, ўша Сиз айтаётган таъмагирни ҳалол ўқитувчилар ҳам, ота-оналар ҳам билишади. «Ҳа энди уни қайта тарбиялаб бўлмайди, яшаса яшаб юрибди-да, чўнтақдан беряпмизми, олса давлатнинг маоши» деб қўл силташади. Гўё унга меҳр-шафқат қилган бўладилар. Уқувчилар бўлса, у ўқитувчи нега унақа-ю, буниси нега бунақа деб ҳайрон-у, лол юраверишади. Яна-ям даҳшатлиси бу фожияни таъмагирнинг ўзини билади. Қаддини ғоз тутиб, ҳалол ўқитувчиларнинг устидан кулади: «келкангга кун тегмай, дўппинг яримталигича ўтиб кетасан». Ҳа, ишини дўндириб берган ота-онанинг боласига бир томчи сиёҳни аямайди. Очиқдан-очиқ баҳони ошириб қўяверади. Узини жазоламаганларни шу йўл билан бошлаб жазолайди.

Жазонинг энг ёвуз заҳри Сиз ўқувчиларни абгор қилишини тасаввур қилиб кўрсангиз эди. Тенгдошингиз айтгандек уйқудан уйғониб кетган бўлардингиз. Бир донишманд деган экан: «Табиат ҳар бир одам қонига бугдой ёйинки ёввойи ўт уруғини ташлайди; шунинг учун ўз вақтида биринчисини парваришлаш, иккинчи-

сини қийратмоқ лозим». Таъмагир ўқитувчи бор жойда, аксинча иккинчиси хакалак отади. Таъмага мойил бўлган болалардаги таъма куртаги «устози» паноҳида ўса бошлади. Бошқа болаларнинг юрагида эса қора доғ пайдо бўлади. Бу доғ ишончсизлик ёрлиғидек энг ҳал қилувчи дамларда ҳам уни иккилантираверади, ирода ва жасорат тигини ўтмаслаштираверади. Кўрдингизми, Сиз билиб билмасликка олаётган, ёки шунчаки ҳайратга тушаётган таъмагир одам инсоният дарахтига қанчалик зарба бераркан.

Балки биз «турғунлик йиллари» деб қоралаётган ўтмишимизнинг сабабчилари ҳам таъмагир боғча опалари-ю, таъмагир ўқитувчилардир. Бегона «ўт»ларни қутиртирганлар ҳам шулардир.

### Боларилар қонунияти

Энди икки оғиз «маъқулвой», «кўндивой»лар ҳақида. Биз ҳозир: нимага пахта монокультура-сига шунчалик муккадан кетдик, қараб туриб Оролни қуритдик, еру сувни заҳарладик? деб ўзимизни-ўзимиз суд қиялпимиз, кимнинг ёқасидан олишни билмаяпмиз. Суҳбатдошимизнинг «актив»ларга берган сифати кўзимизни очгандек, фожиа ўчоқларидан бирини — яна энг касал жойини фош қилгандек бўлди.

Одамзоднинг табиати қизиқ эканда, иморатга ёғочнинг қаттигини-ю, кийимликка матонинг пишигини танларкан. Югур-етимга одамнинг юмшоғини ахтарар экан. Аммо мактабда, тарбия ўчоғида, инсонлар шаклланаётган жойда шундай бўлиши керакми? Жамоат ишлари «маъқулвой»ларга қолиши керакми? Уларнинг «хўп бўлади»лигини мана шунақа йўл билан тақдирлашимиз керакми? Керак, ҳа мактабда болалар жамоат ишларига тортилганми — тортилган, иш кетяптими — кетяпти дейдиганлар учун керак. Лекин ҳаётга, бизнинг жамиятимизга «хўп бўлади»лар, манқуртлар керак эмас. Шуларнинг куйитига қолиб ўтирибмиз, нима дедингиз?

Ана энди синф раҳбарлари, ташкилотчилар, бош пионервожатийлар ўз бағриларидаги активларини хаёлан бўлсаям бир тафтишдан ўтказишсин: нечтаси «хўп бўлади»лару, нечтаси «бу топширигингиз нотўғри, фалончи ўқувчини бекорга жазоладингиз, писмадон иш ноҳақ бўлди» деб дадил айтадиганлар.

Тарбияда бир томонламалик, тарафкашлик пайдо бўлдимми, тамом, мувозанат бузилади. Сув қаттиқ жойда тўхтайти дейди халқимиз. Бизга сал ўжарроқ, қайсарроқ бўлсаям қатъий фикрлайдиган, оқни оқ, қорани қора дейдиган келажак керак. Келажак эса бу — ёшлар! Бу гапларни таъмагиру, дипломим борми, демак ўқитувчиман дейдиганларга бир тушунтириб кўрингчи, ақлингиз тескари бўлиб кетмаса мен кафил.

Бол ариларда шундай бир қонуният бор — билмасангиз билиб олинг. Ишчи ари уяга ёмон ҳид олиб кирдимми, тамом, тарбиячи арилар уни жонидан жудо қилади. Токи ҳали кўз очмаган ғумбаклар думоғига бу ҳид ўтириб қолмасин. Шу қонуният миллион йиллардан бери асалнинг асиллигини сақлаб келяпти.

Хўш, билим ўчоқларини таъмагир кишилардан тозалашдек олижаноб ишни ким ўз ўстига олади? Катталарми? Дарвоқе, катталарга ишонсак бўладими ўзи?! Майли улар отамиздир, онамиздир, акамиздир, биз яхши кўрадиган, чин дилдан ҳурматлайдиган устозларимиздир. Қадимда «Бола — подшо!» дейишган. «Пайғамбаримиз боланинг кўнглига қараб туя бўлган эканлар» деб катталарни бундоқ инсофга чақириб турганлар. Ҳа, келажакни унутиб, қотиб қолган бўйинларни болалар томон буришган. Бир болага етти маҳалла ота-оналик қилган. Ҳеч қачон оила тарбияси, кўча-кўй, атроф-муҳит тарбияси бугунги аҳволга тушиб қолмаган бўлса керак. Ахир қаёққа қарасанг ўқитувчи, олий маълумотли зиёлилар. Яна қаёққа қарасанг жиноятчи болалар, тарбияси оғирлар, ота-онасиз, ҳатто, ота-оналик тирик етимлар. Болалар ахлоқини тузатиш меҳнат колониялари... Шуниси ажабланарлики, 20-йилларда пайдо бўлган болалар меҳнат колониялари издан чиққан болаларни изга соларди, у ерга тушган болалар меҳнатга қайишимли, инсофли, диёнатли, жамиятнинг фаол кишилари бўлиб, ҳа, ҳаётга, одамларга муҳаббатли бўлиб чиқарди. Дзержинский, Макаренколарнинг номи билан бу колониялар машҳур бўлган эди. Колонияларга хунар ўрганиш учун, одам бўлиш учун болаларнинг ўзлари боришарди. Энди-чи, колония номи билан болалар кўрқитилади. У ерга тушиб чиққан боладан ҳамма ўзини олиб қочади. У сув юзидаги хасдек ҳаёт оқимига қўшилмай тентираб юраверади. Тўғрисиам, у ерга тушган боладан кўрқиб керак. Чўнтакесарлик билан тушган бола, том тешарликни, майда безори эса каллакесарликни ўрганиб чиқяпти. Булардан катталар даҳшатга тушмай қўйдилар, ҳа оддий гап бўлиб қолди улар учун.

Бас шундай экан, Сиз кўзингизни очинг, тенгдошингиз уйғотмоқчи бўляптими, уйғонинг. Ўз оламингизни ўзингиз поклашга киришинг. Шоир Евтушенко «Навбатларда туриб улғайдик, навбатларда туриб қарияпмиз» дегандек дунёга ухлаб келиб, ухлаб кетманг. Исёнсиз юрак ўз қонини поклай олмайди.

### Мактабни ўқувчига қайтарайлик

Қайта қуриш қилиб, ерни ўз эгаси — деҳқонга қайтардик. Энди мактабниям ўз эгаси — ўқувчига қайтариш вақти келди. Ахир ўқувчиниям кимдан дарс тинглаш, кимдан тинглашни хоҳламаслик ҳақ ва ҳуқуқи бўлиши керакми? Уқувчилардан ҳам ҳеч бўлмаса йилига бир марта «кимлар яхши дарс ўтади-ю, кимлар сохта дарс беради» деб сўралсин. Ўқитувчи учун энг одил аттестация ўқувчининг, ота-онанинг баҳоси эмасми?! Йўқ, бундан буён ўқитувчиларни ўз талабалари томонидан сайлаб олиш тартибига ўтиш зарур. Дипломларга ортик ишониб бўлмай қолди. Диплом бу — ўқитувчининг савияси, тилининг заҳарлиги, қўлининг югурдаклиги ва ҳоказолардан қатъий назар мактабга боқимандалик гувоҳномасига ўхшаб қолди.

Уқувчиларнинг юқоридаги соф ва самимий

В. И. Ленин номи Республика пионер ва ўқувчилар Саройида «Истиқбол» клуби ишлаб келмоқда. Унга методист Муҳаббат Шербўтаева раҳбарлик қилади. Клуб мактаб комсомол активларини қайта қуриш ишларига рағбатлантиришда яхши ишларни амалга оширяпти. Журнал саҳифасида кўтарилаётган бугунги муаммоларнинг сабабчилари ҳам шу клуб аъзоларидир. Унда асосан Тошкентдаги 82, 24, 106, 95, 40 мактаблари ва 111-мактаб-интернат ўқувчилари қатнашишди.



Муҳаббат Шербўтаева  
клуб раҳбари

гаплари ва бизнинг хулосаларимиз айрим мураббийларнинг иззат-нафсларига тегаётганлигини сезиб турибмиз. Келинг, шу ўринда бир Сухомлинскийни эслайлик. Ҳозиргача у ўқитувчилик қилган Павлуша қишлоғида ёнғоқзорлар, олмазорлар гуркираб турибди. Ҳар бир оилада асалари уяси бор. Ахир бу ишларнинг ташаббускори Сухомлинский эди-да. Ёнғоқ бола учун миянинг ёғи, иликни тўқ қилади, олма қонни тозалайди, бир қошиқ асал қуёшнинг бир парчасидек шифобахш деб ташвиқот олиб борди ота-оналар ва совхоз раҳбарлари орасида. Хўш, ким шундай қиляпти? Сарикдан болаларнинг жигари ситилиб оқяпти. Туз бўронлари-ю, химикатлардан ошқозонлари тешиляпти. Болалар ўлими ошиб боряпти. Зиёли қатлам бўлган ўқитувчиларимиз жим. Ҳали мутлақо шарт-шароит яратмай туриб олти ёш-лиларни ўқитишни бошлаб юбордик. Бунинг азобини яна болалар тортяпти. Ўқитувчиларимиз яна жим.

Саккизинчи синфда «сен мактабга ўт, сен билим юртига» деб мажбуран саралаш-чи? Бу саралашнинг дағдағаси еттинчи синфдан бошланади. Саккизинчи синфда эса синф раҳбари, ўқувчи, ота-она ўртасида ҳақиқий жанг кетади. Синф раҳбари сал бўшашдими уни директор чақиб олади. Директорниям юқоридан чақиб олишади. Юқоридагиларга юқоридагилар найза ўқталишади. Ўзи ўқувчилар мактабда қолсини, ўқувчилар билим юртига дейилишининг ўзи мантиқсизлик эмасми? Қаерда, қандай ўқиш боланинг, ота-онанинг хоҳиши эмасми? Мактаб бу муаммода ҳолис бўлиб, холис йўлни кўрсатиши керак-ку. Мажбуран билим юртига юборилсин деган қонун борми, деб сўрасангиз яна ўқитувчиларимиз жим қоладилар.

Агарда болалар орасида «мен саккизинчи синфниям тугатгим келмаяпти, дурадгорга, кулолга, сартарошга, ишқилиб бирон бир ҳунар эгасига шогирд тушмоқчиман» десин, ҳай, ҳайлаб оёққа туришади-ю, милиция билан мактабга олиб келишади. Чунки ҳар бир ўқувчи ҳеч бўлмаганда тўлиқсиз ўрта маълумотли бўлсин деган қонун бор-да. Энди ўша ўқувчининг саккизинчи синфга борганда ҳалиги касбга бўлган қизиқиши сўнади. Унинг ўрнига шовқинли музикалару, кўнгилочар ўйинлар кириб олган бўлади. Бу ўринда қонун бузилмади, мактаб гап эшитмади, бола мажбуран ўқитилди, аммо унинг юраги бўм-бўш бўлиб қолди. Охир-оқибат ким зарар кўрди — жамият! Бунақа болалар юзтадан битта бўлсаям, ўша темир қонуннинг бир чеккасидан дарча очиб, уларга ихтиёрийлик бериш масаласини ким кўтариши керак? Ўқитувчимиз!?

Нима учун ўқитувчилар район, шаҳар, халқ маорифи деса титраб туришади? У ердан келган буйруқларни бамисоли арши аълодан келаётган ваҳийдек қарши олишади. У ердагилар ҳам беваҳима ишлашса, буйруқлар ёнига дағдағали қистирма гаплар қилишмаса нима қилади. Тарбия олами босиқлик олами-ку. У тўс-тўпалонни ёқтирмайди-ку. Қолаверса у ёки бу буйруқни бор ва йўқ қилишда мактаб ўқитувчилари ҳаётга бир қадам яқин эмасмилар? Назаримизда ўқитувчилар буни эсдан чиқариб, кўзлари юқорига битиб, бўйинлари қотиб қолганга ўхшайдилар. Болаларга қайрилиб қаролмаяптилар. Ҳаракатлари чеклангандек. Таълим ва тарбия ҳаётнинг ўзидек кенгликни, чексизликни ёқтиради-ку. Нима учун биз уни жиловлашимиз керак. Агарда шундай бўлмаганда Тошкент политехника институтининг ректори, профессор А. Т. Жалилов «Ўқитувчилар газе-



Раъно Умарова,  
Набиа Ҳусанова,  
Доно УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Нодир Ғойибназарова,  
Саида Раҳматова.  
А. КУДРЯШОВ фотолари.



таси» муҳбирининг саволларига жавоб бера туриб: «Агарда республика халқ таълими министрилиги рухсат берса ўқувчилар билимини (абитуриентлар дейилмоқчи — ред.) тожик, қozoқ, туркман, қирғиз тилларида синаб кўриш имкониятига эгамиз» демаган бўларди. («Ўқитувчилар газетаси», 22 апрель, 1989 й.). Ахир миллий масала чирсиллаб турган бугунги кунда малҳамдек бир имконият бўлса-ю, яна кимдан рухсат сўраш керак. Ҳаёт талабларининг ўзи ҳар қандай рухсатлардан устувор эмасми? Балки мактабдорлик билан боғлиқ қанчадан-қанча муаммолар у ёки бу министрлик ва ташкилотларнинг «Ҳа» ва «Йўқ» таъкидини кутиб ётгандир. Кўрдингизми, бюрократия занжири бизни шунчалар кишанлаб ташлаганки, ундан бўшасан ҳам қўлимиз ишга бормаяпти. Ўзбекистон Компартиясининг XVI пленумида айтилган «гипноз»лик ҳолати тарқамаяпти.

### Ёлғончиликка ким ўргатяпти?

Сўхбатимиз қатнашчиларининг охири эътирозларига келсак. Хўш, юқори синф ўқувчилари шунақа дастурхон атрофида ўтирсалар нима қипти? Ахир буям маданият-ку. Улар меҳмон кутишни, бир-бировларига иззат-икром кўрсатишни мактаб ёшида ўрганмасалар қачон ўрганишади. Ўғил-қизларимиз ўрта мактабни битиришади-ю, қайси қўлларида санчиғу, қайси қўлларида пичоқ ушлашни билмайдилар. Уйларига фавқулудда тўртта меҳмон келса довдираб қолишади. Бу довдираш кейин-

чалик оила қурганда ҳам давом этади. Ўқитувчиларнинг бундай уюшмалардан ҳадиғи битта — у ҳам бўлса ичкилик! Ичкиликнинг таноби тортилган бугунги кунда ёшларнинг самимий, беғараз хоҳишларини чеклаш ўринлимикан? Балки ичкилик урф бўлган ўша даврларда ҳам унга шу давралар орқали қарши курашиш лозим бўлгандиру, биз бу имкониятдан фойдалана олмагандирмиз. Нимага энди биз болаларни ўқитганда, уларга ўз фикримизни ўтказмоқчи бўлганимизда бир жойга мажбуран жам қиламиз, улар ўз ихтиёрлари, хоҳишлари билан жам бўлган жойдан ўзимизни олиб қочамиз. Ўз тарбиявий ишимизда фойдаланмаймиз. «Йўқ» деймиз, таъқиқлаймиз. Ёшларчи, ўқитувчилик обрўйимизни ўрнига қўйиб ижозат сўрашни бас қилишади. Чекка-чеккада бекитиқча ўтказаверадилар. Яқка ёлғончиликдан коллектив ёлғончиликни кашф этишади. Ҳа, ёлғон ишлатишнинг тури биттага кўпаяди. Бу турғунлик йилларининг алдам-қалдамлари, кўпчилик бўлиб халқни, давлатни лақиллатишдек тубан ишларнинг бошланмасига ўхшаб кетмайдими?!

Ҳа, бугун биз нимага эришган бўлсак унинг бир учи мактабга бориб тақалади. Нимаики бой берган бўлсак унинг битта чириш илдизи мактабда. Буни танамизга ўйлаб, ҳис қилмагунимизча жамият дардига малҳам бўлолмаймиз.

Эркин МАЛИКОВ,  
Ўзбекистон ССР халқ  
маорифи аълочиси.

Узини санъат тарихини ўрганишга бағишлашга сал қолган бу хушрўй, хушбичим қиз — университетда шу соҳа бўйича ўқиган — столга мук тушиб бир дафтардан иккинчи дафтарга алланималарни кўчирарди. Биринчи дафтар «танқидий фикр ва таклифларни бажариш карточкаси» деб аталади. Иккинчи ҳужжат «область комсомол комитетининг тадбирлар рўйхати» экан. Бу тадбирлар область комсомолларининг ХХ конференциясида айtilган танқидий фикрлар ва таклифларни бажаришга, яъни сезиб турганингиздек, бартараф этишга, яхшилашга, соғломлаштиришга ва ҳоказоларга қаратилган. Қизнинг вазифаси бир дафтардаги ёзувларнинг мазмунини, сўзларини иккинчи дафтарга бобини бобига тўғри-лаб кўчириш. Санъатшунос бўлишига бир баҳа қолган қиз, эндиликда идеология бўлимининг инструктори менга шундай деди:— Область партия раҳбарларидан бири конференцияда сўзга чиқиб, комсомоллар прогнотчиларга ва ичкиликбозларга панжа ортидан қарамасликлари керак, деган эди. Бу гап дарҳол «назорат карточкаси»дан жой олди, сўнг «рўйхат»га бир пункт бўлиб кирди. Энди у область комсомол комитетининг эртага бўладиган пленумида сўзга чиқадиган идеология секретарининг нутқига асос бўладиган справкдан жой олади. Справкани эса энди тайёрлашимиз. Дафтарнинг тегишли қисмига «яратиш», «мунтазам ўтказиб бориш», «назорат қилиш» деган маҳобатли сўзларни ёзар экан хушрўй сўхбатдошим хўрсинди. «Шу билан иш тамом дейсизми?» Йўқ! Уша маҳобатли сўзлар, ялтироқ ифодалардан яна битта ҳужжат — область комсомол комитетининг бюроси мажлиси протоколи тузилиб республика комсомоли Марказий Комитетига юборилади. У жойларда ком-

бўйича пленум бошланди. Биринчи даъвогар етарли овоз ололмади. Сайланиши нақ бўлиб қолган иккинчи даъвогар ўзининг программасини ўринлатиб баён қилди. Иш овозга қўйиш ва умумий бўлимдаги қизлар эса протокол тузишига қараб қолган эди, холос. Лекин зал бўйлаб «фикрлар плюрализми» деган сеҳрли сўз чарх уриб айланар эди. Даъвогарнинг сайлов олди ваъдалари кўпчиликти ишонтирмаганлиги одатдаги бир овоздан қувватланишнинг илдизига болта урди. Бир қадар гангилардан сўнг залда «Қурбоннинг номзодини қувватлаймиз!» деган дадил овозлар янгради.

Собир ўша воқеаларни эслаб бош чайқаб қўяди. — Гапиришга бошладиму, лекин ҳар гапимнинг орасида «ҳалиги, нима», деган сўзлар ҳалақит берарди. Махсус тайёргарлик кўрмаган эдим-да. Аммо менга ишонинди. Демак, мен, бу ишончи оқлашим керак. Ҳаммага маълум гапларни айтаётганим учун кеңирасиз. Шунинг учун ҳам комсомол ходимларига ҳарқанча маломат тошларини отмасин, мен осонликча таслим бўлмайман. Жуда кўп нарсаларни ҳал қилиб улгурганимиз йўқ.

Чиндан ҳам ҳали қилинадиган ишлар кўп. ВЛКСМ шайнига қаттиқ-қаттиқ гаплар айтаётганлар ҳам талайгина, лекин ёш «кузатувчилар»нинг кўпи — Қурбонов уларни фикрлан шундай деб атайди, аччиқтирсиз сўзлардан тўқилган ниқобини ташлаб юборишга қодир эмас, жилла қурса шубҳа-гумонларнинг бир қисмини улуктириб зиммаларига аниқ ишларнинг бир қисмини олишга тайёр эмаслар. Сабаб дейсизми? Сабаби шуки, воқелик уларни бекорчиликка ўргатиб қўймоқда. Масалан, трикотаж маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича кооператив ташкил қилинди дейлик. Ишлар юришиб кетди,

санг — уят. Лекин одамлар билан сўхбатлашар экансан сўзларингга ҳеч ким қулоқ солмаётганини кўриш ундан ҳам оғир. Афсуски, бундай ҳоллар тез-тез юз бериб турибди. Эртадан кечгача далада тер тўкиб меҳнат қилаётган, ойлаб кино кўрмаётган, уйлари газлаштирилишини, водопровод ўрнатилишини кута-кута умидини ўзган, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун шаҳарга — у ерда ҳам озиқ-овқат тўлиб-тошиб тургани йўқ — чопадиган, устига устак амалдорлардан кетма-кет кўрсатма олиб турган пахтакорларга эртага бугунгидан кўра шароитингиз яхши бўлади, деб ишонтириш мушкул муаммо.

Одамлар бу ҳақда очиқ-ошкор гапирса-ю, дуруст. Лекин кўпларнинг қонига мутелик, хоксорлик сингиб кетган. Хўш, шундай экан, нима қилиш керак? Ким билан гаплашмайлик юз бераётган ўзгаришларда унинг ҳам шахсий ҳиссаси борлигига ишонтириш керак. Ҳа, ҳар бир кишини шахсан ишонтириш лозим.

Қолоқ кишини тарбиялаш оғир иш. Қайта қуришнинг мақсад ва вазифаларини силлик ифодалай биладиган, уларни бажаришда ўзининг иштирокитини таъкидлайдиган, аммо турли ваз-кўрсатма рўқач қилиб амалий ишдан ўзини олиб қочадиган кишиларнинг вакилларига таъсир қилиш эса ундан ҳам оғир.

— Бўлимда икки-учта бўш ўрин бор. Бу ўринларни эгаллайман деганлар ҳам бир талай,— деди кулиб Қурбонов,— лекин ишга олишга шошилмаяпмиз. Биринчи сўзиданоқ, у «партилет»ли бўлиб олиш учун ишга келаётганлиги равшан бўлиб қолмоқда. Бунинг сира ажабланидиган жойи йўқ: кадрлар резервини шакллантиришда анкета принципига амал қилиш ҳамон давом этмоқда.

## «ҚОҒОЗБОЗЛИКНИ ЙЎҚ КЎРГАЛИ КЎЗИМ»

(ёки айрим комсомол ходимлари қоғозбозликка ўралашиб қолгани ҳақида)

сомол бошлиқлари қўл қовуштириб ўтирмагани, ёшлар довон кетидан довон забт этаётгани, ичкиликбозлар ароқни ташлаб, зудлик билан қатиқ ичишга ўтганлиги ҳақида тўла тушунча бериши лозим. «Хайриятки, протоколни мен ёзмайман. Шуниси ҳам шукур» — хўрсинди қиз ва яна ишга боши билан шўнғиди.

Ундан икки девор нарида қизнинг бошлиғи, Қашқадарё область комсомол комитетининг идеология бўйича секретари Собир Қурбонов шаҳарлараро телефон трубкасига томоғи қирилгудай бўлиб бақирди:

— Яккабоғ! Яккабоғ, энди қалай эшитяпсиз? Сизлар депутатликка номзод бўлган киши билан учрашув ўтказишингиз керак... Эсингиздан чиқмадимми?

— Қамаши!— бир неча минутлардан сўнг телефон симлари орқали шу сўзлар учди.— Мени эшитяпсизми? Нима, мутлақо эшитмаяпсизми?

У ниҳоят трубкани жойига қўйиб, инсон даҳоси туфайли яратилган, инсон томонидан бюрократиянинг муқаддас тимсолига айлантилган телефонга паршион боқди. Комсомол ходими ВЛКСМ ҳаётида юз берган қатор ижобий ўзгаришларга қарамай ўзини кабинетга ипсиз боғлаб қўяётган чиройли, чет элда ишланган дискетиз бу аппаратдан кўз узмасди, кўз узмасди-ю, лекин уни кўрмасди. Юрагида ардоқлаб юрган орзуси — бошланғич комсомол ташкилотига яна бир марта чиқиб келиш, одамлар билан юзма-юз сўхбатлашиш, баҳслашиш орзуси бу гал ҳам ушалмай қолди. Уша, биз сўхбатлашган кунни унга юқоридан келган кўрсатмалар битилган тўртта қоғоз беришди. Лекин бу келадиган қоғозларнинг охиригиси эмас экан. («Хўжжатларнинг миқдорини камайтириш деб мана шуни айтади», деди киноа билан Собир.) Шундай қилиб, қоғоз келди, демак унинг мазмуни билан шаҳар ва район комитетларини таништириш, етказиш лозим. Мана мен айна шу иш билан шуғулланиб ўтирибман.

Кимда ким Собир Қурбонов бу лавозимга юқори мартабали қариндошларининг мадади билан кўтарилган деб айтса — ноҳақ. Идеология бўйича секретарликка икки номзод даъвогарлик қилган. Комсомол ташкилотлари бўлимининг камтар инструктори Қурбонов шу даъвогарлар сафида йўқ эди. Чунки Комсомол Марказий Комитети унинг номзодини рад қилган эди-да. Шундай қилиб ташкилий масала

маҳсулотга талаб катта. Бироқ хом-ашёни тупканинг тагига бориб олиб келиш кераклиги ёмон. Ахир шундоққина ёнгинамизда жуни талабга жавоб берадиган қўйлар боқилади-ку! Шартнома тузиб хом ашёни олавер! Қаёқда дейсиз. Гап шундаки, хўжалик раҳбарлари буни исташмайди. «Э, комсомолми, бошимни қотирма, ана, довонларни забт этавер!» дейишади-қўяди. Бунақа гапларни афсуски, кўп эшитишга тўғри келади. Бироқ керакли ва фойдали иш учун кураша билиш керак. Ҳа, қонуний ҳуқуқингни ва зарур ишни ҳимоя қила билиш ҳам керак. Ҳар кунни, ҳар доим. Калава ва... идеология. Улар орасидаги алоқа сунъий эмас, табиий.

... Болалар вақтларини қандай ўтказишларини билмай бекорчиликдан кўнгли нимани тусаса шуни қилиб юришибди. Агар кимдир кураш тушишни, тирда ўқ отишни, сузишни ва шу кабиларни ўргана-сизлар деб таклиф қилишга қувончдан бошларни осмонга етарди. Область пионерлар саройи базисада ҳарбий-ватанпарварлик бирлашмаси — биз айна шу бирлашма ҳақида фикр юритяпмиз — тузилмоқда. Кўп сонли оталиқ ташкилотлар раҳбарлари бу ишга озми-кўпми кўмаклашяпти. Лекин бирлашма ҳали расман тан олингани йўқ. Уни расман тан олиши керак бўлган шаҳар ижроқўми сусткашлик қиляпти. У ерда Қурбоновга бундай дейишди: «Барча оталиқ ташкилотларнинг раҳбарлари тегишли ҳужжатни имзолаб беришмасан бирлашма қуруқ гап бўлиб қолавериши мумкин». Бугунги кунда ҳали тузилиб бўлмаган бирлашманинг директори, пионерлар саройининг ходими Ринат Харисов «Илтимос, мана бу қоғозга қўл қўйиб беринг, ёшлар ўртасида жиноятчилик кучайпти, ижроқўм эса бирлашманинг очилишини четга сураяпти» деб оталиқ ташкилотлар раҳбарлари кабинетларининг остонасига бош уриб юрибди.

Яна битта муҳим муаммо — атеистик ишларни йўлга қўйиш. Идеология бўйича секретарнинг мақсади ҳар бир тақводорни худосизга айлантириш эмас. Диний маросимларни ҳам таъқиқлаб қўйиш нияти йўқ. Диннинг илдизларини ўрганиш, таҳлил қилишга эҳтиёж бор. Усмирлар ва ёш қизларда дин ёки атеизм — бирини онгли равншда танлаб олишга имкон берадиган қатъий ишончни шакллантиришга эҳтиёж кучли.

Ҳозир энг қийин иш кўпчилики олдида сўзга чиқиб бўлиб қолди. Қоғоздан кўз узмай ўқиб берай де-

Мана биров комсомол комитетини ишлапти дейлик. У аппарат ходими сифатида дарҳол назарга тушади. Унинг фаолияти — агар фаолият дейиш жоиз бўлса — самара бераётгани йўқми — бу билан ҳеч кимнинг иши йўқ.

Сўхбатимиз узилиб қолди. Инсон яратган ажойиб ихтиро — телефон кўнғироғи жириглаган эди. Собир гаплашиб бўлгач, трубкани жойига қўяр экан уқтирди:

— Раёно Хуррамова, тикувчилик фабрикаси комсомол комитети секретари, Шаҳрисабздаги «Хўжум» фабрикаси командаси билан зукколар беллашувини ўтказишмоқчи. Сценарий тайёрлашибди, маслаҳатлашгани кирмоқчи.

Телефон кўнғироғи яна жириглади. Собир узр сўрагандек қўлларины икки томонга ёзди-да, телефон орқали ким биландир гаплаша бошлади. Айна вақтда ҳозиргина олиб кирган муҳим қоғозларга кўз югуртирарди. Елкани тоғдек эзиб турган бу қоғозлар залворидан халос бўладиган кун қачон келаркин... У, Қурбонов, қоғозлар ҳужумини қайтаришга кўп куч сарфляпти, аммо ҳозирча бюрократик машинанинг қўли устун. Уйлардаги чироқлар ёниб, одамлар телевизорларида «Канизак Изаура» фильмининг давомини ҳаяжон, ачиниш билан кўраётганда обкомнинг идеология бўйича секретари навбатдаги ҳужжатни тўлдиряётган эди. Мухлисларга санъатдаги оқимлар ҳақида қойилмақом гапириб бериш мумкин бўлган қиз — бўлимнинг ёш ходими ҳам ҳужжат тўлдирди билан банд эди...

Ана энди комсомол ходимларига савол бермоқчидан: «Канизак Изаура»ни қайси бирингиз кўра олдингиз?

Комсомол ходимларининг бу аҳволга тушиб қолишига ким айбдор ва бу вазиятдан чиқиб кетиш учун нима қилиш керак?

**Б. ГЕРШГОРИН,**  
Қарши шаҳри.

# МАСЛАҲАТЧИ КОМПЬЮТЕРЛАР

Совет-болгар ҳамкорлигидаги «Вариант» корхонаси вакиллари яқинда Тошкент шаҳри мактабларини компьютерлаштириб бердилар.

Корхона ўрта умумтаълим мактабларининг ўқувчилари учун мўлжалланган «Правец—8М» ва «Правец—16» компьютерлари ишлаб чиқаради. Бундай машиналар ҳар бир синфга 11 тадан 10 ўқувчи ва битта ўқитувчи учун, шунингдек ўзбек ва рус тилларида ишловчи айланма бошқарув системаси ҳам ўрнатилади. Тайёрловчилар шу йилнинг охирига қадар республика мактабларининг барча синф хоналарини компьютерлаштиришга ваъда беришган.

Компьютер техника воситасида таълим беришнинг қулайликлари нималардан иборат? Аввало таълим жараёнининг зарурий қоидаларини белгилашда намоён бўлади: дарс мақсадини тўғри белгилаб олишда; ўқув материал мазмунининг изчиллигини ва аниқлигини ташкил этишда, савол-жавоб жараёнида ўқувчиларнинг фаол ва шак-шубҳасиз иштирокини таъминлашда, берилган жавобларнинг тўғрилиги ҳақида тезлик билан хабар беришда.

Бизнинг аънавий таълим бериш йўналишларимиз ўртамаёна ўқувчи имкониятларига кўра белгиланган (одатда шундай ўқувчилар кўп-лаб учрайди), оқибатда улар кучли, зехни ўткир болалар йўлига тўғаноқ бўлишади. Аини пайтда ўртамаёна ўқувчи икки баҳо қўйиш ва турфа жазолар бериш орқали ўқишга мажбур этилади. Бироқ бу усуллардан яхши натижа чиқиши ниҳоятда қийин.

ЭХМ воситасидаги таълим ҳар бир ўқувчига алоҳида муносабатни талаб этади, дарс жараёнида унинг ишини тўхтовсиз кузатиб боради. Ўртамаёна ва ўзлаштириши қийин ўқувчилар ҳам мустақил ва ўзларига мос равишда таълим олаверади. Мамлакатимиз ва хорижий давлатларда ўтказилган тажрибалар таълимни программалаштиришни имкон қадар эрта, ҳатто биринчи синфдан бошлашни кўрсатиб турибди. Бошланғич синфларда дарсни программалаштириш ўқувчиларга ўқув материални одатдан тезроқ ўзлаштиришларига, мустақилликларининг шаклланишига, қобилиятларининг ўсишига ёрдам беради. Компьютер техникасидан мактабдаги касбга йўналтириш ишининг барча бўғинларида фойдаланиш мумкин: касбий маорифда, касбий танлашда, социал касбий мослашувда, касб тарбиясида.

Шундай манзарани кўз олдингизга келтиринг. Яқин келажакда ўрта мактаб битирувчиси касбга йўналтириш кабинетига киради-да, ЭХМ дисплейига ўтиради ва шундай хулоса билан танишади: «Ақлий ва ахлоқий сифатларига кўра педагогик касбига мос—Кимёга қизиқиш ва уқуви кучлилигини назарда тутиб, кимё факультетида ўқишга тавсия этилади». Ёки «Шахснинг маълум фазилатларини ҳисобга олиб чеварликка тавсия қилинади».

ЭХМ ҳар бир кишига қайси касб мақбул эканлигини аниқ белгилаши учун шахснинг тўрт асосий томонини намоён этувчи программа тузиш лозим. Бу топшириқни таниқли совет психологи К. К. Плеханов шундай белгилайди. Биринчидан, шахснинг шартли биологик хусусиятлари: темпераменти, феъл-атвори, оддий биологик эҳтиёжлари, иккинчидан, шахснинг шартли социал хусусиятлари: эътиқоди ва ахлоқий сифатлари; учинчидан, шахснинг индивидуал-психологик жараёнларнинг ўзига хосликлари: қабул қилиш жиҳатлари, хотира тури, фикрлашининг, иродасининг, ҳиссий доирасининг ўзига хосликлари; тўртинчидан, шахснинг тажрибаси ва тайёргарлиги: эгаллаган билимларининг малакаларининг, кўникма ва одатларининг меъёри ва сифати». Мазкур тўрт томон боғлиқликда шахсни тўлақонли ёритади.

Программаларни бошқариб ЭХМдан қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш ҳам мумкин: ўқувчиларнинг турли касблар ва уларнинг турла-

нишлари билан таништиришда, ўқувчиларнинг атроф-муҳит ҳақидаги билимларини бир тартибга келтиришда, «УПК»ларда ўқиш учун ажратишда касбий танлашда, шунингдек, таълим жараёнида раҳбарликни яхшироқ бажариши учун ўқитувчи ўз ўқувчиларининг шахсий ўзига хосликлари билан танишуви мумкин.

Ҳозирги пайтда Тошкентнинг Собир Раҳимов райони «УПКларинида ўқувчилов алоҳида касбий маслаҳатларнинг диагностика бўлимини компьютерлар воситасида олмақдалар.

...Компьютерлаштирилган синфда консультация ўтказилмоқда. Мен шаҳардаги 249-сонли мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси Гулчеҳра Валиевага яқин бордим. Дисплей экранда чиройли яшил белгилар ёрдамда савол намоён бўлди. Бунга жавоб олиш учун меҳнатнинг беш туридан бирига қизиқишни билдириши лозим: инсон — табиат, инсон—техника, инсон — инсон, инсон — белгилар системаси, инсон — бадийий образ. Гулчеҳра программадаги ўзига яқин меҳнат турини танлаб, кнопкани босди. Орадан дақиқа ўтмай экранда машинанинг белгилари жавоби намоён бўлди.

Кейинги босқич берилган белгилари жавобларнинг сўзга айлантирилган тушунчаларини олиш. Буни консультант Н. М. Новак бажаради. У қизга «инсон — белгилар системаси» бўлимига оид мутахассисликни танлашни маслаҳат беради. Маълум бўлишича, Гулчеҳра Политехника институтининг «АСУ» факультетида киришни кўпдан буён орзу қилар экан. «Мен учун автоматлаштирилган ҳисоблаш техникаси билан ишлаш қизиқарлидир», — дея ўз фикрини билдирди у.

Н. М. Новакнинг айтишича, ҳар қандай ЭХМ диагностика вазифани удаллаши мумкин. Асосийси — ўқувчининг ҳар бир жавобини ва уларга бўлган муайян реакциясини олдиндан илға оладиган сертармоқ программани яратишдир.

ЭХМни қўллаш ва одатдаги (анкеталар методи билан ишлаш) усуллардаги иш тажрибаларини қиёслаш натижасида компьютер-консультантларнинг вақтини қарийб икки баравар иқтисод этиши, ўқувчиларнинг предметга қизиқиши ортиши ва тавсиялар янада объектироқ бўлиши билан қулай эканлиги тасдиқланди.

Худди шундай ишлар пойтахт область Сергели районининг медицина ўқувчилар ишлаб чиқариш комбинатидаги компьютерли синфларда йўлга қўйила бошланди. Истардикки, мана шу ҳозирча эндигина атак-чечак қилаётган хайрли иш ўқувчилар орасида имкони борича кўпроқ ҳайрихоҳларини топса. Бу йўналишдаги энг кичкина муваффақият ҳам кўп-лаб мактаб битирувчиларига ижодий меҳнат қувончини бахш эта олур эди.

Ўқитувчилар-чи? Улар ЭХМ билан ҳамкорликда ишлашга тайёрмикин? Мен республикамиз областларида хизмат юзасидан кўп бўлганман. Шахсий хулосаларимга таяниб айтишим мумкинки, Ўзбекистон мактаблари жиддий ва дадил қадам ташлашга ҳали тайёр эмаслар. Гарчи ҳамма жойда «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» курси ўқитилсада, кўпчилик юқори синф ўқувчилари (ўқитувчилар ҳам) компьютерларни фақат телевизордагина кўришган.

Биз иш ва сўз орасида ниҳоятда катта масофа сақлашга ўрганиб қолганмиз, бу масофа йўқотилиши учун баъзан йиллар керак бўлади. Шунданми областлар мактабларини компьютерлаштириш масаласига ҳеч ким жиддий қарамаяпти. Аммо шу орада, масалан, Фарғона водийси мактаблари автоматлаштирилган ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланса, зудлик билан педагогларни электрон «мия» билан суҳбатларга юбориш керак. Шунда техникага бўлган ишончсизлик барҳам топади ва унинг қудратига, имкониятларига иқрор бўлинади.

Ҳозирги мактаблардаги ўртача даражани ошириш ва яхши натижаларга эришув учун янги ўқув технологияси талабларини компьютерлаштириш ва асосийси, мазкур техника билан ишлай билувчи педагоглар тайёрлаш керак.

Ҳозир «Вариант» корхонасида физика ва математика ўқитувчиларини ЭХМда ишлаш учун тайёрловчи икки ҳафталик курслар ташкил этилган. Худди шундай курслар областлардан ўқитувчилар малакасини ошириш институтларида ҳам иш олиб бормоқда. Аммо мазкур курсларда эҳтиёждагидан анча кам (ойинга — биринчилари 50, иккинчилари 20-30 кишидан) ва юқорида эслатилган фанлар бўйича ўқитувчилар битириб чиқишади.

Барча ўқитувчиларнинг ЭХМда ишлашни ўзлаштиришлари учун ўқишлари муаммосини ҳал этадиган пайт келди. Тўғри, бундай ўқишни ташкил этиш ва амалга ошириш мураккаб, аммо мазкур таълим тезлик билан иқтисодий жиҳатдан ҳам, ахлоқий психологик жиҳатдан ҳам ўзини-ўзи қоплайди.

Ўқувчиларни касбга йўналтириш таълим-тарбия ишининг муҳим қисмидир. Уни ижобий амалга ошириш учун барча синф раҳбарлари ва ўқитувчилар фаол иштирок этишлари лозим. Ҳар бир ўқувчининг ёши ва фазилатларини ҳисобга олмай туриб улар шахсини ривожлантиришни ташкил этиш мумкин эмас. Демак, ўқитувчига ҳар бир киши ёрдам бериши керак. Айниқса, таълим кибернетикага интилаётган бир пайтда фақатгина ўқитувчилар бизга кибернетиклар керак, дея ёлвориб қолавермасдан, балки кибернетикларнинг ўзи ҳам: «Менда мана шундай бир таклиф бор, келинглари уни амалга оширамин», дейишлари керак.

М. ХАЙБУЛЛИНА,  
Ешларнинг касб танлаш  
республика давлат  
социал меҳнат комитети  
ва касбга йўллаш Кабинети Координация бўлимининг  
бош мутахассиси.



Дўппи тикдим...  
А. Мирзажонов фототўюди.

## Ҳақиқат борми?..

Қўлимга қалам олиб, сизга мактуб йўллашга мени бир воқеа мажбур қилди. Мен Бухоро область Свердлов районидаги «Коммунизм» номли 12-сон ўрта мактабда ўқийман.

Отам район марказида слесарь бўлиб ишлайдилар. Онам эса районимиздаги 12-ўрта мактабда географиядан дарс берадилар. Мана уч ойдан ошдики, мен руҳий азобдам. Чунки саккиз йиллик маълумот олганлигим ҳақидаги гувоҳномани синф раҳбарим, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Шамсия Эгамова томонидан махсус бузилганлигини 4 октябрь куни билиб қолдим. Мактабни тугатишдан олдин ўқувчилар орасида икки киши — мен ва Саидова Диловар имтиёзли гувоҳномага тавсия қилинганлигимиз айтилди. Лекин кейин синф раҳбарим Эгамова менинг номимга ёзилган керак бўлган гувоҳномани Рўзиева Замирага «ҳадя» қилганлар. Рўзиева Замира номига тўғри ёзилган оддий гувоҳномани эса қириб, ўчириб, устидан менинг исм ва фамилиямни ёзиб қўйганлар. Шу иккита имтиёзли гувоҳнома номерлари ҳам алмаштириб ёзилган. Мен юқорида гувоҳнома махсус бузилган, дедим, бунинг боиси ва тарихи бор албатта.

Эгамова менга 7—8-синфларда синф раҳбарлик қилдилар. Шу икки йил давомида менинг ёшлик гуруримни эздилар, ШАХС СИФАТИДА КАМСИТДИЛАР ва охири мана шундай тубанликка қўл урдилар.

...6-синф охирида биз биология ўқитувчимиз топшириғи билан гултуваклар ташкил қилган эдик. Лекин Эгамованинг қизлари Шахло бу гулларни юлиб ташлаганди. Биология ўқитувчимиз айбдорни суриштириларида мен гулларни Шахло юлиб ташлаганлигини айтдим. Ҳаммаси шундан бошланганди. Ушанда Эгамова мени қизларини фош қилганлигим учун гултувак билан роса урдилар ва «Шошмай турган ҳали, сенинг кунингни кўрсатаман» — деб бақирдилар. Мен қанча яхши ўқисам, жамоат ишларида фаол қатнашсам ҳам, барибир Эгамовага ёқмасдим. Агар бирор ўқувчи дарсга келмаса ҳам, уйи яқинми, узоқми доимо мени дардан чиқариб юборар, мен бориб ўша ўқувчини олиб келардим. Бир синфдошимиз бор эди. Робия исмли қиз. Отаси йўқ, онаси кўп болали, касалманд аёл эди. Робия баъзан дарсларга келолмасди. Бир куни у дардан қолганлиги учун указка (у кишининг таъбирлари билан айтганда «адаб чўпи») билан роса урдилар. Кейин эса ўзлари Робиянинг юзига туфлаб, бизни ҳам юзига туфлашга мажбур қилдилар. Мен ўша воқеани эслаб ҳали-ҳануз эзиламан.

Дружина советининг раиси бўлганлигим учун барча ташкилий ишларга қатнашар эдим. Мени дардан қолдириб турли ёзишма ишлари, педагогик ўқишлардаги нутқлари, институтда ўқийдиган ўғилларининг рефератини ёздирар эдилар. Бир сафар ота-оналар ўқишига отам ишдан кеч қайтиб, боролмай қолдилар. Эрталаб мактабга боришим билан, биринчи соатда ўқувчилар ичида менга «отанг 15 сўм пул ишлаш учун мажлисга келмаган» дедилар. Бир фараз қилинганда, мен шу пайтда синфдошларим орасида қандай аҳволга тушганимни. Кун бўйи руҳимни ўнглаб ололмадим. Уйга келиб йўқладим. Утилажак бир соат дарс ўрнига менинг шаънимга шу қадар паст гаплар айтилган ўша кунда мен биринчи марта ҳаётдан тўйиб кетдим. Лекин ҳалиям меҳрибон ота-онам бор экан, улар менга тўғри йўлни кўрсатиб туришди. Бир куни ўқитувчимиз дарсга асабийлашиб кириб, кўп ўқувчиларни бесабаб уриб, жеркидилар. Ҳаммамиз ҳайрон! Яна нима бўлдикин? Танаффусга чиққанимиз-

да қизлари келиб Саидова Диловарга «Кеча онамнинг туғилган кунлари эди, билар экансизлар, ўқувчиларим туғилган кунимни билиб табриклашмади» деб кечадан бери аламзада юрибдилар» деган. Қўрққанимиздан синф ўқувчиларидан пул йиғиб, етмаганини мактаб буфетчисидан қарз олиб, туғилган кунлари ўтган бўлса ҳам 7 сўмга совға олиб бериб, «тинчтидик».

Ўтган йили мактабни тугатган ўғилларига онам географиядан дарс берганлар. «Онанг ўғлимга паст баҳо қўйган» деб менга неча мартагаб гапирдилар, жеркидилар. «Ахир билмаган ўқувчига қандай қилиб аъло баҳо қўйиш мумкин?» деб онам ҳайрон бўлган эдилар.

Мен районда ўтказилган олимпиадада она тили ва адабиёти фанидан қатнашдим. Лекин ўша куни Эгамова йўқ эдилар. Мен район олимпиадасидан яхши натижага эришиб, область олимпиадасига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдим. Ушанда Эгамова менга айтдиларки, «Область олимпиадасига отанг олиб борсин». Отам ишда бўлганликлари учун олиб боролмадилар. Отам олиб бормаганлари учун «Отанг сени бир тийинга олмайди», — деб яна камситдилар.

Уйлари мактабга яқин бўлганлиги учун у киши кўпинча болаларни уйларида ишлатардилар. Айниқса Диловар исмли қизни кўп юборар эдилар.

Бир куни аълочилар доскасига расмга тушириш учун мактабимизга расмчи келди. Аълочи ўқувчилар қаторида бошқа ўқитувчилар мени ҳам олиб келган эдилар. Лекин Эгамова қаршилиқ қилиб, мени у ердан ҳайдаб юбордилар. Менинг вужудим тамом бўлди. Ахир у ерда мендан ёмон ўқийдиганлар ҳам бор эди-ку. Фақатгина мени эмас, 4-синфда ўқийдиган укам ҳам суратга тушишига қаршилиқ қилиб, ўрнига бошқа ўқувчини туширдилар. Мени олиб келган ўқитувчилар нега қаршилиқ кўрсатолмадилар? Нега дейсизми? Мактабда ҳеч қайси ўқитувчи у кишининг ишларига қарши чиқолмайди ҳам, гапиролмайди ҳам. Сабаби мактабга у кишининг турмуш ўртоқлари директор. (Аслида мактабда директор Эгамованинг ўзи эди. Ҳамма иш унинг раъйи билан бўларди.)

Эҳ-ҳе, ёзаверсам бундай воқеаларнинг чеки йўқ. Мени қийнаётган нарса шуки, мен бу масала юзасидан биринчи марта район халқ маорифи бўлимнинг муdiri Рустамова мурожаат қилдим. У киши «Текширамиз, чора кўрамиз» — деб мени ишонтирдилар. Мен бу орада район газетаси «Коммунизм тонги» редакциясига ҳам ёздим. Эртаси куни РайОНОдан Исмоилов, редакциядан Толиповлар келиб, мен ва бир-иккита дўгоналарим гувоҳлигида бу ишни текшира бошладилар. Шулар олдида ҳам Эгамова мени ҳақоратлаб «падарингга лаънат, онанг ўлсин сени тугмай», — дедилар.

Район миқёсидаги текшириш натижасиз қолди.

Шу масала юзасидан хатимни область халқ маорифи бўлимнинг муdiri Музаффаровга отам орқали бериб юбордим. Лекин бирор-бир киши келиб ҳеч қанақа текшириш ўтказмади.

Ҳеч қандай натижа чиқмагач, хатимни район прокуратурасига топширдим. Сабрим тобора тугаб бораётган эди. Шундан кейин мен райком ходими Ашуровга мурожаат қилдим. Минг афсуски, бу ерда ҳам менинг хатим юзасидан ҳеч қанақа текшириш ўтказилмади.

Менга имтиёзли гувоҳномани «сатқач сар» деб ёзиб бердилар. Мен гувоҳнома учун курашаётганим йўқ! Мен шундай замонда Эгамовага ўхшаган педагоглар борлигидан ачинаман. Бундан кейинги ўқувчилар: укаларим менга ўхшаган камситишлар ва таъйиқларга учрашадан, шулар оқибатида

тарбияси, дунёқарашини кемтик бўлиб қолишдан қўрқаман.

Яқинда районимиздан бир ўқувчи ўзига ўт қўйди. Биз мактабда қизлар мажлиси қилиб, уни иродасизликда айблаган бўлдик. Баъзида ўйга толаман. Ҳақиқат учун курашасизу, лекин «катталар» нима учун ҳақиқатни очишни хоҳламайдилар, тушунолмайсиз. Ҳақлигини ўз жонига қасд қилиб иботлагани эса иродасиз деб айблаймиз.

Менинг бирдан-бир умидим «Еш куч» редакцияси ходимларидан. Сизлардан илтимос, ҳақиқатни очишга, мени бундай руҳий азобдан қутқаришга ёрдам берсангизлар. Келиб ўзларингиз тирик гувоҳлар асосида, яъни синфдошларим билан суҳбатлашиб ҳақиқатни ойдинлаштиринглар. Лекин ҳақиқатни қарор топтириши учун зинҳор-зинҳор мен юқорида номларини келтирган ташкилотлару, раҳбарлар ва раҳбарчалар кўрсатмаси асосида иш олиб борманглар. Чунки улар бу масала юзасидан бир қанча сохта ҳужжатлар расмийлаштириб қўйишган. Билмадим, агар сизлар ҳам бу ишга бефарқ қарасангизлар, иродам чидай олармикан!..

Ҳурмат билан Сизлардан умидвор  
Озода ШОДИЕВА,  
Бухоро область, Свердлов районидаги  
«Коммунизм» номли 12-ўрта мактаб ўқувчиси.

**РЕДАКЦИЯДАН:** Биз ушбу мактубни журнал саҳифасида эълон қилишдан олдин кўп ўйландик. Озода қайси масалада ҳақноҳлигини республикамизнинг кекса мураббийлари изоҳлаб беришар, қолаверса, редакция матбуотда одат бўла бошлаган фикрлар хилма-хиллигига риоя қилиб ўқувчиси ҳақида ўқитувчи Эгамовага сўз навбатини беришга ҳам тайёр...

\* \* \*

Агарда дўппи кийган йигитни кўрсак ажабланиб қоламиз. Ҳатто, «қишлоқи» дейдиганлар топилади. Аммо иккинчи тарафда дўппи кийган қизлар суврати билан журнал саҳифаларини безатамиз. Шунингдек, хориждан келган меҳмонларга дўппи ҳадя этамиз. Наҳотки, энди дўппига совға ёки безак сифатида муносабатда бўлсак.

Феруза ХАЛИЛОВА,  
Сирдарё область, Ильич районидаги  
14-ўрта мактаб ўқувчиси.

Жамиятимиз тарихи ҳақида қайта-қайта танқидий мақолалар эълон қилинаверади. Аммо бузғунги кун муаммолари ҳусусида ўтмиш тўғрисида ёзгандек чуқур ва кенг таҳлил, танқидлар кам учрайди. Ахир кечмишдаги хатолар такрорланмаслиги учун ҳозирги ҳаётимизни иллатлардан тозалаш керак-ку!

Улжамол ХОННАЕВА,  
Сурхондарё область, Гагарин район  
«Партия XXIV съезди» совхози.

\* \* \*

Мен Бухоро районидаги С. Раҳимов номли ўрта мактабнинг X синфида ўқийман. Тўққиз йил шу илм даргоҳида таълим олиб, бирон йил синф ўқувчиларининг тўлиқ китоб олганликларини кўрмадим. Нега шундай?..

Турдугул ЖУРАЕВА,  
Бухоро.

«Еш куч»да тарих саҳифаси очилса ва унда Ўзбекистон шаҳарларининг кўпминг-йиллик ўтмишидан мароқли ҳикоялар босилса. Бу ўз юртининг тарихини билмайдиган ўқувчилар учун катта мукофот бўлар эди.

Фарход ҚУЧҚОРОВ,  
Н-қисм.



Биз шу 1989—90-ўқув йили бошланишидан Самарқанд область Советобод районидан жойлашган бизнинг С. Абдулла номли 25-ўрта мактабимизда турли фанлардан тўғарақлар очилишини кўндан буён орзу қилардик.

Дилбар ҚУРБОНОВА, Саодат ГАГАРОВА,  
VIII синф ўқувчилари

Қишлоғимизга табиий газ келтирилмаганлиги сабабли ҳадемай хонадонларда «кўмир печка»ларга ўт қаланади. Мактабимизда ҳам, унинг ёнидаги болалар боғчасида ҳам. Қишда ўқувчилар ўқишни эмас, иссиқ ўйда ўтиришни ўйлашади. Ахир қишлоққа табиий газ келтириш режалари 70-йилларнинг охирида тузилган эди. Мана 1989 йилнинг охири ойлари бошлангачи, аммо табиий газдан дарак йўқ.

Бахтияёр ХОЛИҚОВ,  
Андижон область, Вўз район,  
Бешгул қишлоғи.

Бизнинг колхозда Қорасанкўл номи билан машҳур табиий сув ҳавзаси бор. Бу кўл ўзидаги балчиқнинг киши организмига шифобахш таъсири туфайли республикамизнинг барча областларига яхши маълум. Аммо шифобахш Қорасанкўл медицина муассасаларининг мутасадди раҳбарлари томонидан безъғибор саналиб келинмоқда. Оқибатда табобат илмида чуқур ўрганилган балчиқ билан даволаш муолажаси маҳаллий динпарастлар томонидан илоҳийлаштирилмоқда. Наҳотки, бунга чек қўйиб, ушбу нодир республика шифо масканини санаторийга айлантириш мумкин бўлмасми?..

Раббим ҒАФҒОРОВ,  
Самарқанд область, Пойарик район,  
Карл Маркс колхоз.

Бизнинг мактабда футбол ва волейбол сингари оммавий спорт турлари билан шугулланиш учун оддий копток ҳам йўқ. Уч йилдан буён ўқувчилар пул йиғиб, тўп сотиб оламиз. Балки бу йил пул йиғмасмиз?..

С. ТИЛОВОВ, З. ПАРДАЕВ,  
Самарқанд область, Советобод районидан  
26-ўрта мактаб ўқувчилари

Ҳозирги пайтда видеобарларнинг тарбияга салбий таъсири ҳақида кўп гапириляпти. Видеомагнитофонлардан билим юртларида ўқув фильмларини кўрсатишда фойдаланилса, талабалар чуқур ва етарлича билим олишарди.

Шоира ЭМИНОВА,  
Марғилон медицина билим юртининг  
III курс талабаси.

Орзуим — Тошкент Маданият институтига кириб ўқиш, халқим учун маъноли кўшиқлар ижро этиш. Аммо... мактабимизда музыка дарси яхши ўқитилмайди, ашула ва рақс тўғараги эса йўқ.

Савад АЛИЕВА,  
Қашқадарё область, Яқкабоғ районидан  
«Гулхан» номли мактаб ўқувчиси.

Газета-журналлар саҳифаларида қизларнинг сочларини қирқмасликлари ҳақида жон кўйдириб ёзилади-ю, зангори экраннинг диктор қизлари кесилган сочларини ҳар хил «причёска» қилиб чиқишади. Айтилган, ёзилган гапларнинг қанчалик таъсири қоларкин?..

Марҳабо АХМЕДОВА,  
Қашқадарё область, Косон шаҳар,  
Яқкабоғ кўчаси, 18-уй.

«Еш куч» журналининг шу йил 2-сонидан чиққан «Хиёбондаги қизлар» сарлавҳали мақолани ҳаяжон билан ўқиб чиқдим. Унда қизларнинг айтишича, яхши иш жойлари йўқмиш, уларга тўқимачилик комбинатидаги дастгоҳларнинг шовқини ёқмас эмиш.

Бизнинг қишлоқ хотин-қизлари учун тўқимачилик комбинатларида ишлаш орзу-ҳавас-ку. Қизларимиз баҳорда кетмон чопиб, ёз-куз пахта етиштириб, териб-топ-ширгунга қадар не қийинчиликларни бошдан кечиршади.

Азиза МАМАТОВА,  
Қашқадарё область, Чироқчи районидан  
Ворошилов совхозини ишчиси.

## Алам қилади!

Мен олий маълумотли инженерман. Турмуш ўртоғим ҳам 6 йил не-не машаққатлар билан медицина институтини тугаллаган. Иккаламизнинг ойлигимиз 300 сўмга ҳам етмайди. Бизни бир муаммо кўп ўйлантиради. Икки фарзандимиз бор — улар боғчага қатнайди. Биз уларга ҳар ойда 20—25 сўм пул тўлаймиз. Войвачча қўшиларимиз бор — бири магазинда ишлайди, иккинчиси ресторанда. Биз болаларимизни иккилаб-синқиллаб тиқилинч автобусда боғчага элтсак, улар яп-янги машиналарда олиб боришади. Ҳасад қиляпти, деб ўйламанг. Гап бошқа ёқда. Давлат табелига 120—130 сўмга қўл қўйиб, жарақ-жарақ даромадни бошқа ёқдан ундирадиган бу азаматлар «ойлиги кам бўлганлиги учун» боғчага бир тийин ҳам тўлашмайди. Қачонлардир боғчанинг нархи 5 сўмдан ошмаган дейишади. Бундан чиқди, кейинги ўзгаришлар туфайли кимнингдир боласига мен пул тўлаётган эканман-да?! Давлат «ойлиги кам оилаларга» хотамтойликни менинг чўнтагим ҳисобидан қилиши адолатдан эмас. Ҳамма болалар бир хил. Шунинг учун боғчага ҳамма бирдай пул тўласин!

Д. ҚҲЛДОШЕВ,  
Янгийўл шаҳри.

## Ким айбдор?..

Бундан уч-тўрт йил олдин шаҳримиз «хушёрлик зонаси» деб эълон қилинган эди. Мамлакат миқёсида ичкиликбозликка қарши ялпи кураш бошланганида кўчаларимизда маст ҳолда юрганлар сони камайиб, шулар туфайли содир бўлаётган турли хил нохушликлар тугатилаётган эди.

Лекин бу хурсандчиликларимиз узоққа чўзилмади. Яна «эски ҳаммом, эски тос» деганларидек, ичкилик кўпайди.

Кўча-кўйда ёшларнинг маст ҳолда судралиб юриб, би ровлар жонига қасд қилишлари, маст ҳолда техника воситаларини бошқариб авария содир қилишлари тагин кучайди. «Хушёрлик зонаси» деб эълон қилинган Нуротада ҳаттоки ҳозирги кунда спиртли ичимликлар магазин, ошхона пештахталарини «гуллатиб» турибди.

Ахир биз ичкиликбозликка қарши курашмоқчи эдик-ку?! Қайта қуриш даврида спиртли ичимликларни янада кўпайтириш туфайли оилалардаги жанжаллар яна кўпайяпти. Бунга ким айбдор?!

Роҳила НОРМАТОВА,  
Самарқанд область,  
Нурота районидан 27-мактаб ўқувчиси.

## Бонг урамиз!

Сизларга бу мактубни Тошкент область Ангрен шаҳридаги бир группа ота-оналар номидан йўллаяпмиз. Биз бу мактуб орқали республикамизда соат милини ёзги вақт муносабати билан бир соат олдинга сурилишига ўз қаршилигимизни ифода этмоқчимиз. Оқшомлари ҳали қуёш ботиб улгурмасдан болаларимизни уйқуга ётишга ўргатолмаяпмиз, улар барибир кеч ётишади. Бунисику

майли-я, эрталаб-чи?! Болаларни эрталаб уйқудан уйғотиш бундан ҳам мушкул муаммо.

Наҳотки, электр энергиясини иқтисод қилиш учун ўз келажагимиз бўлган болажонларимизни унутиб қўйсак. Ахир ҳозирги фан-техника тараққиёти, турли илмий тадқиқотларни амалда қўлланилиши, экологиянинг бузилиши, химиянинг таъсири, шовқин-суронлар уларнинг соғлиғига салбий таъсир қилаётгани етмасмиди? Булар камлик қилгандай, наҳотки, энди биз навни-ҳолдек ўсиб ўлгаётган болаларимиздан уларнинг уйқусини ҳам гортиб олсак?..

Электр энергиясини тежашнинг турли хил йўллари бор. Бироқ бу нарса ҳеч қачон болаларимиз соғлиғи ҳисобига бўлмаслиги керак.

Н. СОКОЛОВА, Р. КИМ  
М. ЮНУСОВА ва бошқалар  
(жаъми 155 имзо).



## БИЗГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Журналимизнинг шу йилги 3-сонидан «Қачонгача кутамиз» мақоласида Ўзбекистон енгил саноат Министрлигига қарашли Тошкентдаги 2-пайфазал ишлаб чиқариш бирлашмасидаги қийинчиликлар ҳақи равишда танқид қилинган эди. Яқинда бирлашмадан бу хусусда кўрилган чоратadbirlar тўғрисида жавоб хати олдик.


«Мақола бирлашманинг техник комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Унда цех ва бўлим бошлякдари, техник ҳамда модельерлар иштирок этди. Йиғилишда ўтган йили ва бу йилги бадий-техник кенгаш томонидан тасдиқдан ўтган моделлар бўйича тайёрланган 150 жуфт пайфазалнинг камчиликлари кўрсатилди, тузатишга тавсия қилинди, бундай камчиликларга йўл қўймаслик тadbirlari белгиланди.

Харидорлар талабини тўла қондириш учун фабрика цехи бошлякдари ва бошқарув раҳбарлари, модельерлар «Ўзбекистон» савдо бошқармаси фирмасининг ҳамда «Ташобуьторг»нинг ГУМ, ЦУМ ва етакчи магазинларида ўтказилган савдо кўргазмаларида иштирок этишадиган бўлди. Шунингдек, ҳар кварталда бир марта савдо ходимларини бирлашмага таклиф этиб, улар иштирокида аҳолидан тушган талаблар бўйича оёқ кийимларининг қай жиҳатларига кўпроқ ўзгартришлар киритиш хусусида қўшма йиғин ўтказиш ҳам йўлга қўйилди.

Иш жараёнини тезлаштириш, ишни самарали ташкил қилиш, иш унуми ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш учун цехлар марказлаштирилган система асосида қайта жиҳозланади. Бу мақсадда Австрияда ишлаб чиқарилган 2 донна «ЛИМ» тикув агрегати ўрнатилди ва яна 63 донна мамлакатимиз ва чет элларда тайёрланган тикув агрегатлари ишга туширилди.

Аҳолининг ўсиб бораётган талабини ҳисобга олган ҳолда бу талабларни тўла-тўқис қондириш учун бирлашма маъмурияти, партия, касаба союз ташкилоти бу ердаги сиёсий идеологик тарбиявий ишларини янада жонлантираверади.

Л. А. ЧИТАЛИН,  
Тошкентдаги 2-пайфазал ишлаб  
чиқариш бирлашмаси бош директори.





Хурматли «Еш куч» редакцияси!

Дарслигимизда феромонлар ҳақида деярли ҳеч гап йўқ. Илтимос, шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсаларинг!

Баҳодир ҲАМДАМОВ,  
Фаргона область, Бағдод районидagi  
30-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

Хурматли «Еш куч» редакцияси ходимлари!

«Дарслигингизга қўшимча» рубрикаси билан фан ҳақидаги мақолаларни кўпроқ ёритсангиз.

Мавлуда ҲАКИМОВА,  
Тошкент шаҳридаги 75-мактабнинг  
9-синф ўқувчиси.

**РЕДАКЦИЈАДАН:** Журналхонлардан фан ҳақида қизиқарли суҳбатлар, мақолалар эълон қилишимизни сўраб кўплаб мактублар олмақдамиз. Шунга кўра бугунги феромонлар хусусидаги суҳбатимизга Узбекистон ССР Фанлар академиясининг академик Обид Содиков номидаги Биоорганик химия институти директори, химия фанлари доктори, профессор Абдували Абдусаматович Абдувахобовни таклиф этдик.

— Абдували Абдусаматович, институтда феромонлар соҳасида анчадан буён тадқиқотлар олиб боряпсизлар, ҳамма нарсанинг ўз тарихи бўлади. Шунинг учун аввало фанда феромонлар соҳасининг пайдо бўлишига тўхтаб ўтсангиз!

— Феромонлар фанда нисбатан янги соҳа. Била-сизми, фан тарихи ҳам қизиқ-қизиқ воқеаларга, ҳодисаларга бой. Гоҳида улар фандаги янги соҳанинг ривожига туртки бўлади. Феромонлар ҳақидаги

2-3 кун кейинроқ рўй беради. Улар аввалига ўсимлик гулларида нектар сўриб озиқлангач, кейин феромон чиқаради. Бундай ҳашаротлар ҳар хил ўсимликлар гуллари ҳидини яхши ажрата олишади.

Кўп ҳолларда ўсимликлар ургочи ва эркак ҳашаротлар учун бир-бири билан учрашадиган «манзил» бўлиб хизмат қилади. Бу ҳодиса сабабини аниқлаш учун энтомолог, биофизик ва биохимик олимлар кунт билан ҳашаротларнинг ҳид сезиш аъзоси ҳисобланган мўйловларидаги биотокларни ўлчанганлар. Ҳажиратан тажрибалар шуни кўрсатадики, бу мўйловлар дастлаб ўсимликлардан келувчи моддаларнинг, кейин нектар сўрган ургочи капалаклардан келувчи феромонларнинг ҳидига жуда таъсирчан бўлар экан.

— Феромонларнинг таркиби ҳақида, уларни ўрганиш хусусида нима дейсиз?

— Феромон ургочи капалакларнинг махсус безлари ишлаб чиқарадиган мураккаб кимёвий таркибли моддадир. У диффузия қонунига кўра атрофга тарқалади ва ҳашаротларнинг ўзаро боғланишида «кимёвий тил» бўлиб хизмат қилади. Айни бир турга хос ҳашарот феромонига бошқа турдаги ҳашарот учиб келмайди. Ургочи капалаклар ўз жуфтини мана шу феромонлар орқали қақиради.

Ҳашаротлар феромони гоҳда актив бирикма бўлиб, унинг оз миқдори, ҳатто, бир неча молекуласи ҳам эркак ҳашаротни «мафтун» қила олади.

Шундай қилиб, феромонлар кимёвий экологиянинг хилма-хил биологик сигналлар бера оладиган мураккаб кўринишларидан биридир. Ҳозир феромонларнинг жинсий, из қолдириш, огоҳлантириш, майдон белгилаш ва тухум қўйиш сингари турлари кенг ўрганилмоқда.

Кимёгарлар ҳашаротлар феромонини ажратиб олиб, уларнинг кимёвий таркибини аниқлашяпти. Масалан, ургочи ипак қурти капалаги танасидан

қа кўпгина жиҳатларни билишимизга жуда катта ёрдам беради. Сунъий феромонлар эса ҳашаротлар яшаш тарзини ўрганишдан ташқари ўсимликларни ҳимоя қилишда жуда қўл келиб қолди.

— Ватанимизнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг аҳамияти катта. Бу масалани ижобий ҳал қилмай туриб, аҳолини зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мумкин эмас. Ўсимликларни ҳимоя қилишда феромонлар самара бераётган экан, бу ҳақда батафсилроқ гапириб берсангиз!

— Маълумки, дунёдаги етиштирилаётган ҳосилнинг учдан биригача турли зараркунанда ҳашаротлар, касалликлар ва бегона ўтлар таъсиридан ноубуд бўлади. Тўғри, ўсимликларни ҳимоя қилишда кимёвий препаратлардан фойдаланилади. Улар самарали, лекин ўсимликлар оламига, одам ва ҳайвон организмга, атроф-муҳитга катта зарар етказилади.

Шунинг учун сўнгги пайтларда республикамизда ўсимликларни, айниқса, ғўзани зараркунандалардан ҳимоя қилишда уларнинг табиий қушандалари — трихограмма ва гибробраконлардан унумли фойдаланилса. Бундай биологик усул ҳисобиغا химиявий усул камаймоқда. Бу борада айниқса зарарсиз ҳисоблаган синтетик феромонлардан фойдаланиш самарали чиқиб қолди.

Феромон моддаси шимдирилган найчалар пахтазордаги махсус тутқичлар ичида осиб қўйилади. Қоронғи тушиши билан бу тутқичдан атрофга тарқалаётган ҳидга эркак капалаклар интилиб учиб келади ва тутқичдаги елимга ёпишиб қолади.

Капалакларнинг тутқичга тушган сонига қараб зарарли ҳашарот ривожланишининг ҳар авлоди бошланиши ва тугашини билиб олинади. Натижада далаларда қай пайтда биологик, кимёвий ёки микро-биологик кураш воситалари лозимлигини аниқланади.

# ФЕРОМОНЛАР НИМА?

(«Ҳашаротлар «карашмаси» ёки сеҳрли «тузоқ» ҳақида)

суҳбатимиз дебодасида ҳам шундай бир воқеани айтиб берай...

Машҳур француз табиатшуноси Жан-Анри Фабр узоқ йиллар ҳашаротлар ҳаётини кузатган энтомолог олим эди. 1904 йилнинг ёз оқшомларидан бирида у ўз кабинетда капалакларни кузатиб ўтириб ғумбақдан чиққан бир неча ургочи капалакни махсус идишга солиб қўяди. Хонага очиқ даразадан кечки пайт бир неча эркак капалак учиб киради. «Меҳмон» капалаклар «мезбон»лар атрофида парвона бўла бошлади. Бу ҳол эртасига яна такрорланади. Бу ҳодисанинг «сири» уни қизиқтириб қўяди. У ҳовли атрофини кузатиб яқин атрофда бирорта ҳам капалак ини йўқлигини аниқлайди. Демак, эркак капалаклар узоқдан учиб келган экан. Ҳўш, бунга сабаб нима? Ургочи капалаклар эркакларини олишдан қандай пайқайди? Фан олдида ҳам, Фабр олдида ҳам бу ҳодисалар ҳали жумбоқ эди. Хона эшиги зичлаб ёпиб қўйса ҳам эркак капалаклар ургочиларига талпинаверади. Шунда олим ургочи капалаклар эркакларини ўзлари чиқарадиган аллақандай ҳид билан жалб қилса керак, деган хулосага келди.

Фан тараққиёти Фабр хулосасининг тўғрилигини илмий жиҳатдан асослаб берди. Маълум бўлишича, ургочи капалаклар, кўнгиз ва бошқа баъзи ҳашаротлар феромон деб аталувчи махсус ҳидли модда ишлаб чиқариб, атрофга тарқатар экан. Бу ҳидга ўта сезгир бўлган капалак ва бошқа ҳашаротлар, ҳатто бир неча қақиримдан (200 метрдан 9 километргача) ҳам уни пайқашаркан.

— Демак, феромон номи ҳам шундан келиб чиққан экан-да!

— Ҳа, шундай. «Феромон» сўзи асли юнонча бўлиб, «ферон» — узоқдан, «моне» — жалб қиламан, деган маънони билдиради.

— Ҳашаротлар асосан қай вақтларда феромон чиқара бошлайди?

— Кўплари ғумбақдан чиқиши билан жуфтлашиш тараддудига ташаббус. Айримларида эса бу ҳодиса

ажратиб олган феромон тўйинган спирт бўлиб, ўз молекуласида 16 углерод атоми тутар экан. Ҳозир Ватанимизда учрайдиган 160 дан ошиқ капалак турларининг феромони ва уларнинг таркибига кирувчи органик моддалар маълум.

Табиий феромонларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий тузилишини аниқлаш феромонларни суъний равишда синтез қилиш имкониятини яратди. Ҳозир дунё бўйича 200 дан ортиқ ҳашаротларнинг феромонлари синтез қилинган. Уларни амалда қўллаш устида изланишлар олиб борилмоқда.

— Ҳашаротларнинг табиий феромонлари қандай йўл билан ажратиб олинади?

— Бу ишларни дастлаб немис олимлари бошлашган. Улар 1970 йилда ипак қурти капалаги танасидан тоза феромон ажратиб олишди. Бунинг учун улар капалакнинг қорин қисмидаги жинсий аъзосини ажратиб, сўнгга майдалаб, эфир билан экстракция қилишиб тозалашди. Бу усулда 313 минг ургочи капалакдан 4 миллиграмм феромон олинган. Кўриниб турибдики, бу усул жуда мураккаб, машаққатли.

Америкалик Якобсон эса бу ишнинг осонроқ йўлини топди. У бир неча сут флагасига ўн минггача оталанмаган ургочи суваракни жойлаштирди. Тўққиз ойлик тажриба давомида вақти-вақти билан ҳашаротларни янгиллаб турди. Флягадаги феромонли ҳаво махсус мослама орқади мунтазам сўриб олинди, кимёвий усулда тозаланди.

Сўнгги йилларда ҳашаротлардан феромон олиш кенг тус олди. Чунотчи, 1971 йилда олма қуртининг, 1977 йилда пахта тунлами каби зараркунандаларнинг жинсий феромонлари ажратиб олинди.

— Табиий феромонларни ўрганиш, уларга ўхшаш феромонларни кимёвий йўл билан синтез қилишдан асосий мақсад нима?

— Феромонларни ўрганиш ҳашаротлар биологиясини, физиологиясини, умуман ҳаёт тарзини ва бош-

Феромон тутқичларни ишлатиш усули оддий, ортиқча маблағ талаб қилмайди, ўсимликларни зарарли ҳашаротлардан ҳимоя қилишда унумли катта. Пахтазорларда ўз вақтида кураш олиб боришнинг аниқ мuddатлари белгиланиши оқибатида кимёвий ишлов ҳажми икки ҳиссага қисқарди. Бунда ҳам ҳашарот камайди, ҳам маблағ тежаллади, ҳам экологик мувозанатга ортиқча путур етмайди.

Зараркунандаларни қиришда синтетик феромонларни ишлатишнинг қатор афзалликлари бор. Биринчидан феромонлар ҳашаротларга танлаб таъсир этиб фойдалиларини сақлаб қолади, ҳашаротлар феромонлар таъсирига кўникиб қолмайди, ғўза майдонларига жуда оз миқдорда — 100 гектар ерга 1 грамм феромон ишлатилади, атроф-муҳит ҳам, ўсимлик ҳам зарарланмайди. Буларнинг эса ҳам социал, ҳам иқтисодий самараси катта.

— Феромонларнинг истиқболи ҳақида нима дея оласиз?

— Келажакда феромонлар ва феромонли тутқичлардан фойдаланиб, эркак капалакларни жалғитиш усули кириб қириб ташлаб, зараркунандалардан ҳоли экин майдонларини барпо қилиш мумкин. Натижада иқтисодий фойда ҳам, ҳосилдорлик ҳам ошади, кейинчалик кимёвий кураш усулидан батамом воз кечилса бўлади.

Яқин келажакда феромонлар деҳқонларни энг яқин ёрдамчисига айланади, ғўзани зараркунандалардан тўла-тўқис ҳимоя қилади, деб ишонамиз.

Институтимиз олимлари шу кунларда ҳам Урта Осиё ўсимликларнинг ҳимоя қилиш илмий-тектириш институти олимлари билан ҳамкорликда бу соҳадаги тадқиқотларни давом эттирмоқдалар.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат!

Суҳбатни Адҳам ДАМИНОВ  
ёзиб олди.

# Ислом инсонийликка даъват

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари Диний Бошқармасининг муфтийси  
МУҲАММАД СОДИҚ ибн МУҲАММАД ЮСУФ  
«Еш куч» мухбири Хуршид ДЎСТМУҲАММАД саволларига жавоб беради

## 1. ОИЛА ОТА-ОНАНИ ТАНЛАШ- ДАН БОШЛАНАДИ. КЕЛИН ТАН- ЛАШНИНГ ТЎРТ ФАРЗИ. ФАР- ЗАНД — БУЮК НЕЪМАТ. БОЛА ПУЛ- ПАРАСТ БЎЛМАСИН.

— Мухтарам муфтий ҳазратлари! Турғунлик йилларининг жамиятимизга етказган иқтисодий ва маънавий зарарлари тобора кўпроқ ойдинлашмоқда. Бу зарарларнинг сабаблари ҳам аниқлашмоқда. Лекин бутун бир жамиятнинг таназзулга юз тутиши энг аввало Шахс тарбиясидаги нуқсонларга бориб тақалади. Бинобарин, суҳбатимизни умуман тарбия, хусусан Шахс тарбияси мавзусига бағишласак деган ниятда эдим.

— Бисмиллохиррохманирроҳим. Жуда яхши мавзуда суҳбат бошладингиз. Бу муҳим масала ҳозирда бутун жамиятимизни, хусусан жумҳуриятимиздаги кишиларни чуқур ҳаяжонга солиб турибди. Агар шу суҳбатдан халқимиз учун бир фойдали фикрлар чиқса биз ўзимизни бахтиёр деб ҳис қилар эдик.

— Саволи оиладан бошласак. Ота-она ўғил ё қизли бўлди дейлик. Чақалоқ ҳадемай йўрқадан чиқади, эмаклайди, қадам босади. Хўш, тарбия қачон бошланмоғи керак? Ота-она ўз қармоғидаги бўлажак Инсон қалбига даставвал қанақанги фазилат уруғларини қадамоғи лозим?

— Оила ўғил ё қизлик бўлганидан кейин эмас, балки ўғил-қиз кўришга тайёргарлик кўрилади, яъники, оила қуриш вақтидан бошланади. Бизнинг ислом динимизда ўғилнинг ё қизнинг ташвиши она танлаш вақтидан бошланади. Ёки ота танлаш вақтидан бошланади. Чунки отанинг ахлоқи, отанинг одоби, унинг ўзини тутиши ва инсонийлиги, шунингдек, онадаги фазилатлар болага ўтиши бу — исбот бўлган ҳақиқат. Шунинг учун оила қурмоқчи бўлган ҳар бир йигит-қиз ўзига умр йўлдошини танлашда бўлажак фарзандларининг отаси ё онасининг шахсий фазилатларига катта эътибор бериши керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўйламай-нетмай қандоқдир бир камчиликлари бўлган ё ахлоқи бузуқ киши билан турмуш қурган инсон ўзидан туғилган фарзандни тарбиялаш қандай оғир кечади. Шунинг учун суннатда Пайгамбар соллоллоху алайҳи вассалом келин ёки кўёв танлаш вақтида уларнинг ахлоқига, динига, одобига катта эътибор беришни насиҳат қилиб ўтганлар. Уларнинг пулига, молига ёки ҳасабу масабига эмас, балки шахсий фазилатларига, уларнинг ҳалиги айтганимиздек ахлоқ-одобию, динига катта эътибор бериш, шундан рози бўлса ана шунда оила қуришга уринишни буюрганлар. Пайгамбар соллоллоху алайҳи вассаломнинг «Сизлар ўз уруғлигинизни қўядиган жойни танланглар, чунки ирқ биридан бирига ўтадиган бўлади» мазмунидаги ҳадислари бор. Ёки бошқа бир ҳадиси шарифни кетирайлик: «Келин танлаш вақтида тўртта нарсага албатта қизиқилади: молига, жамолига, ҳасабию масабига, тўртинчиси — динига. Шу, диндорини танлаш» дейилади ҳадисда. Чунки мол, жамол вақтинчалик нарса, ҳасаб-насаб эса келин билан бирга келмайди, отасининг уйда қолади, лекин дин, ахлоқ, одоб кишига умрбод ҳамроҳ. Ана шундоқ онадан туғилган фарзандни тарбиялаш нақадар осон.

— Демак, ўғил-қиз тарбиялайдиган одам аввало ўзи тарбияланган бўлмоғи керак.

— Ҳа, тарбияланган бўлиши керак ва ўғил-қизнинг, онасининг, отасининг жуда бир ажойибни танлаган бўлиши керак. Ундан кейин, маса-

лан, ҳомиладорлик вақтида ҳам шундоқ. Ҳомилага кирган аёлнинг руҳий кечмишлари, унда кечадиган ҳолатлар ҳомилага ўтиши исбот бўлган. Бу ҳам бизнинг динимизда эътиборга олинган, шунинг учун ҳомиладор аёлга нисбатан муомала жуда эҳтиётлик билан — у кишини авайлаш, ўйлаш билан бўлади.

Ана энди бола туғилгач, биринчи кундан тарбияга киришилади. Аввало унинг соғлиғи, жисмонан етук бўлиши ва бошқа талаблар эътиборга олинади. Фарзанд ўғил бўлсин-қиз бўлсин ота-она учун Оллоҳ таоло томонидан берилган улкан бир неъмат. Бу неъматни авайлаб-асраб вояга етказиш ота-онанинг бурчи. Унинг тарбиясини нотўғри йўлга бошлаган ота-она Худонинг олдида ҳам, банданинг олдида ҳам, жамиятнинг олдида ҳам жавобгардир.

Маънавий тарбия, яъники, бола ўзини ўнглаб олиб бир нарсаларни талқин қила бошлашдан аввал бир нарсани айтмоқ керак. Ота-онанинг фарзанд олдидаги яна бир бурчи — у фарзандни ҳалол таом билан таомлантirmoғи керак. Яъни, ҳалол йўл билан топган нарсадан, ҳалол нарсани едирсин. Бу — ота-онанинг энг катта бурчларидан бири. Чунки ҳаром еб ўсган боладан яхшилик куттиш қийин.

Бизнинг исломий китобларимизда айтилишича, бола ўнг қўли билан чап қўлини ажратадиган бўлганда уни жиддий тарбиялаш бошланади. Унинг кўнглини қолдирмасдан, кўполлик қилмасдан, болалигини эътиборга олиб, руҳлантириб тарбияланаверади. Биз диндорларда аввало диний тарбиядан бошланади. Бола тушунадими-тушунмайдими, бундан қатъий назар Оллоҳ ҳамда Пайгамбар соллоллоху алайҳи вассалом шаходатлари талқин қилинади.

— Ўғил ва қиз тарбияси неча ёшдан ўзига хос тус олмоғи лозим?

— Ўғил болага ва қиз болага алоҳида хос тарбияни ёш билан ўлчайдиган бўлсак, уламоларимиз етти ёшни белгилашган. Қизларга — аёлларга хос тарбия, ўғилларга — эркакларга хос тарбия берилади... «Инсон қалбига даставвал қанақанги фазилат уруғларини қадамоқ лозим», қабилдаги саволга албатта инсоний фазилатлар, инсонни улғулайдиган фазилатлар деб жавоб бермоқ керак. Инсоннинг шу дунёда Оллоҳ яратган нарсалар орасида энг муқаррами эканлигини биладиган ва ўзини шу қарамга, шу улғуворликка яраша тута биладиган, ўзи ва унинг атрофидаги кишиларга муносабатини чуқур англаган киши бўлиб етишини таъминлайдиган инсоний фазилатларнинг барчаси фарзанда мужассам бўлишига ҳаракат қилиш ҳар бир ота-онанинг бурчи. Ота-онани ҳурматлаш, уларни эъзозлаш тўғрисидаги тарбияни аввалдан бошлаш керак. Чунки ўғил боланинг онасига бўлган муҳаббати унинг келгусида аёл зотига бўлган муҳаббатига ва ўз умр йўлдошига бўлган муҳаббатига айланади. Қиз боланинг отасига бўлган муҳаббати эса кейинчалик бутун эркак зотига ва ўзининг умр йўлдошига бўлган муҳаббатига айланади.

Оила аъзоларига муносабат ҳам шу қабилда, яъники, катталарга — ҳурмат, кичикларга — раҳмат маъносида бўлади.

Теварак-атрофдаги нарсалар инсоннинг бахт-саодати учун ва инсоннинг бу дунёда яхши яшаб ўтиши учун берилган Оллоҳнинг неъматли эканлигини ҳис қилиш ва шу боис уларни беқордан-беқорга исроф қилмаслик маъносидаги туйғу ҳар бир болага ёшлигидан уқтириб борилади.

Ўғил-қизларимизни илму урфонга ташналик руҳида тарбиялаш «Илм талаб қилиш ҳар бир мусул-

мон эркак ва аёлга фарздир», деган ҳадис мазмунидан келиб чиқади.

Хўш, китоб, санъат боланинг руҳий оламига таъсир этадиган нарсалар албатта. Табиий, ислом дини бунга қизиқтиради, китобга бўлган муҳаббат, ундаги ҳикматларни қардрлаш бу — бизнинг динимиз тарихида ҳар қанча фахрланса арзигулик даражада катта эътиборга сазовор бир ҳол!

— Турмушимизда икки хил тушунча учраб туради. Айримлар «Бола ёшлигидан меҳнатга кўниксин, ўзи пул топсин, тирикчилик ташвишларига кўниксин» дейди. Айримлар эса «Болалигида пулга ўрганмагани маъқул, аввал ўқисин, қолгани кейин бўлаверади» дейди. Бундай тушунчанинг қай бири комил инсон тарбиясига кўпроқ хизмат қилади?

— Ўғил-қизни ёшлигидан ўзига хос ҳунарга ўргатиш ислом оилаларида аввалдан бўлиб келган. Ҳалиги айтганимиздек, болалигида зарар етказмаган, унинг рағбатини синдирмаган ҳолда шундоқ қилинган. Демак, бола ёшлигидан ҳунар ўрга наверсин. Лекин пулпараст бўлиб қолмасин. Ҳунар қаёт учун зарурлигини билсин. Тушунсин. Ҳаттоинки пул топиш меҳнат эвазига ҳалол бўлишини англасин. Лекин зинҳор ҳамма нарсани пул билан ўлчайдиган бўлиб қолмасин.

— Маънавий тарбия эвазига бўлмасин.

— Шундоқ. Маънавий тарбия доим устун турсин! Ваъзан «Илм олсин, илм олсин» дейдилар. Бола бошланғич мактабни, ўрта мактабни, олий мактабни битиради ва... ҳунарсиз бўлиб қолади. Натижада йигит-қизлар мушкул аҳволга тушиб қолишади.

— Ўғил ва қизларимиз неча ёшдан оила қуриш сирларидан воқиф этилгани маъқул?

— Ўғил-қиз фалон ёшда вояга етади деб қатъий чегара белгилаш қийин. Чунки вояга етиш турли минтақаларда турлича кечади. Иссиқ ўлкаларда — тезроқ, совуқ ўлкаларда — кечроқ бўлади. Хўш, оила қуриш сирларидан воқиф қилишлик эртароқ бошлангани маъқул. Пайгамбар соллоллоху алайҳи вассаломнинг «Болаларимизни етти ёшдан бошлаб номоз ўқишга буюринг, ўн ёшдан уринг ва ораларини ажратиб ётқизинг», деган ҳадислари бор. Яъни, ўн ёшда жинсий ҳис-туйғулар пайдо бўлади болада, шунинг учун улар бирга, бир кўрпада (ҳатто бир хонада) ётиши тарбияга салбий таъсир кўрсатади. Шундан келиб чиқиб 10 ёшдан шу нарсаларни, масалан, ўғил бола нима, қиз бола нима, оила қуриш нима, унда қандоқ ҳолатларга дуч келинади — шулар аста-секин уларнинг ёшига мослаб тушунтирилади боради.

— Бизда ўрта мактабни битираётган, ҳатто ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларга ҳам ёш бола деб қаралади. Ислом нуқтаназаридан йигит ва қиз неча ёшдан балоғат палласига етади? Ва неча ёшдан уни мустақил инсон сифатида эътироф этмоқ керак?

— Бу жуда ўридли савол. Исломда йигитнинг ҳам, қизнинг ҳам балоғат ёшига етишини ёш билан эмас, балки уларнинг ўзларидаги жисмоний ўсиш эътиборга олинган ҳолда белгиланади. Ўғил болаларнинг балоғатга етиши эҳтилом бўлиш — уйқусида булганш палласидан бошланади. Бу, боя айтганимиздек, баъзи болаларда эрта, баъзиларида кеч бўлиши мумкин. Лекин шу ҳолат пайдо бўлганда болани йигит бўлди дейилади. Бу дегани — у вояга етди, бундан кейинги содир қиладиган ишларига унинг ўзи жавобгар дейилганидир.

Қиз болалар эса ҳайиз кўрганан балоғатга етган ҳисобланади. Улар ҳам ўша вақтдан бошлаб



ўзларидан содир бўладиган тасодифларга ўзлари жавобгарлик даражасига етади. Авваллари воёга етмаганликлари сабабли ота-оналари жавобгар бўлса, энди бу вақтдан бошлаб жавобгарликни ўзлари зиммаларига оладилар. Воёга етганликлари шундан билинади.

Тўғри, баъзи бир вақтларда ўша белгилар сезилмай қолиши мумкин. Бунда уламоларимиз бизнинг диёрларимизда (масалан, ўғил бола эҳтилом бўлмай, қиз бола ҳайиз кўрмай юрган бўлса) ўн икки ёшни воёга етиш ёши деб тайинлайдилар.

**II. ҚАЛИН — БИДЪАТ, ХУРОФОТ. МАҲР — КЕЛИННИНГ ҲАҚҚИ. ЭР-КАКНИНГ ОИЛАДА БОШЛИҚЛИГИ — МАСЪУЛИЯТ МАЪНОСИДА. АЁЛНИ ҲУРМАТ ҚИЛИНГ, ҲУРМАТ ҚИЛМАСАНГИЗ — ЗУЛМ УТКАЗМАНГ. БОЛАНИ ИНКОР ҚИЛИШ — ЎЗИНИ ИНКОР ҚИЛИШ ДЕМАКДИР.**

— «Еш куч» саҳифаларида қалин бериш жуда кўпчиликка малол келаётгани, лекин унга чек қўйиш қийин кечаётгани ҳақидаги мактублар босилди. Ислолда маҳр ва қалин қандай изоҳланади? Айримларнинг қалин исломий талаб деган қарашига нима дейсиз?

— Бу жуда нотўғри фикр. Қалиннинг исломга алоқаси йўқ. Бу — бир бидъат, хурофот нарса.

Ҳақиқатдан ҳам қалин масаласи халқимизни жуда чуқур ўйлантириб, иқтисодий жиҳатдан жуда оғир аҳволга солиб қўйган бир дард. Ҳаммамизнинг қалбимиздаги дард! Хусусан, Туркманистон жумҳуриятида ёки бизнинг Хоразм тарафларда ёки бошқа вилоятларимизда шу нарса ҳаддан охиб кетди. Қирқ минг сўмгача пул, ўйлаб қўй, мол, кийим-кечак ва бошқа нарсалар берилди қалин учун. Унинг устига шунча нарсани топиб келин олган одам келиндан шу нарсаларни ундириб олишга уринади. Бу — қизларимизни олди-сотди қилиш демакдир! Уларнинг қизлигини, латофатини поймол қилишдир. Уларни қулликка маҳкум қилиш деб тушунамиз биз мусулмонлар бундай хурофотни! Жуда номангул иш!

Ислолда маҳр бор. Маҳр қалиндан тубдан фарқ қилади. Маҳр — ўзи рози бўлиб оила қуришга ихтиёр қилган қизга куёв кўнглидан чиқариб бе-

радиган совға. Бу совгани келин билан куёвнинг ўзлари белгилашади. Бу, келиннинг шахсий ҳаққи. Нима сўрайди, қайси миқдорда сўрайди, қандоқ қилиб сўрайди — ўзи билади. Унга ота-онаси ҳам, қариндош-уруғлари ҳам ҳақдор эмас, балки яна қайтариб айтамеиз — келиннинг ўз шахсий ҳаққи. Олган маҳрини қаерга сарфлашни ҳам ўзи билади. Ихтиёри ўзида. Маҳр — келинларимизни ҳурматлаш, эъозлаш, уларнинг кўнглини кўтариш, улар шундай бир совғаларга, хурсандчиликка сазовор шахслар эканлигини амалий равишда тушунтириш учун қилинадиган нарса. Лекин афсуски, буни кўпчилик нотўғри тушунади, маҳрни қалин билан аралаштириб юборади.

Маҳр ҳам ҳаддан ошиб кетмаслиги керак. Пайғамбар соллоллоху алайҳи вассаломнинг «Маҳри оз келиннинг барокати кўп бўлади» деган ҳадислари бор. Афсуски, булардан халқимизнинг хабари йўқ, мана сизлар журналларда, газеталарда чиқарсангиз, ўқиб, тушуниб, жамиятимиз, халқимиз шундай бир оғир мусибатдан халос бўлади, деган умидимиз бор.

— Сиз сўзингизнинг бошидаёқ оила эркак аёлни ҳурмат қилишдан бошланади, деган ҳақиқатни баён қилдингиз. Яъни, оила қуриш аёлга бўлган ҳурмат асосига қурилар экан.

— Шундоқ.

— Лекин, мана, оилада эркак киши раҳбар бўлиши керак. Ҳал қилувчи сўзни эркак айтиши керак деган тушунчаларимиз бор. Айни вақтда аёл кишига зулм ўтказиш, унинг ҳуқуқларини чеклаш, ҳаттоки келишмовчиликлар авж олиб кетса, талоқ эълон қилиш ҳуқуқи ҳам эркакка берилди. Ҳозир аёлларимиз билан эркакларимиз ҳуқуқи тенг деямиз. Шу нарсани айрим аёлларимиз, қизларимиз бошқачароқ тушуниб оилада «икки ҳокимиятчилик» келиб чиқяпти. Кўпгина оилалар ажрашиб кетаётганлигининг сабабларидан бири шунга бориб тақалмасмикан?

— Шундоқ. Хў-ўш, оиланинг мустаҳкамлиги, эр ва аёлнинг ўзига хос вазифалари исломда аниқ, очиқ-ойдин белгилаб қўйилган. Оиланинг раҳбари — эр, буни ҳеч ким инкор қилмайди. Чунки ҳар бир жамиятнинг ўз бошлиғи бўлиши керак. Оила эса жамиятимизнинг кичик бир гишти. Гишлар қўшилиб катта бир жамият пайдо бўлади. Демак, ҳар бир нарсанинг раҳбари бўлмаса, йўлда яхши юролмайдди. Парчаланиб кетади. Эркак киши оиланинг бошлиғи, мусулмончилиқда. Лекин бу — ҳукмронлик маъносидан эмас,

балки масъулият маъносидан; ўз ҳукмини ўтказиш, ҳаёлига нима келса шунга талаб қилиш маъносидан эмас, балки масъулият, жавобгарлик маъносидан раҳбарликдир.

Ислолда аёлларга зулм ўтказиш, уларнинг ҳуқуқларини чеклаш деган тушунча йўқ. «Қизингизни диндор кишига беринг, диндор киши яхши кўрса — ҳурмат қилади, ёмон кўрса — зулм қилмайди, чунки зулм қилишни дин таъқиқлайди» дейилади ислом ҳикматида. Чунки хорлашни дин ман қилган. Хотинни хорлаган одам гуноҳкор бўлади, гуноҳкор бўлишдан қўрқиб аёлга зулм ўтказмайди.

Эркакларнинг раҳбарлиги, ҳали айтганимиздек, жавобгарлик маъносидан — оиланинг ҳурматини сақлаш, унинг жамиятдаги мавқеини кўтариш ва эркакларга хос бўлган ишлар билан оилани таъминлаш. Бундоқ қилиб айтганда — кўча ишларини ўзи қилиш.

Ҳозирги вақтда «тенгҳуқуқли» деймиз, бозор-ўчарни аёллар қияпти, оғир-оғир юкларни кўтариб келаётган аёлларни кўрамеиз. Ҳақиқий мусулмон оилада эса бунга йўл қўйилмайди. Оиланинг ташқарисидан бўладиган ишлар эркак кишининг табиатига тўғри келади. Оилада, рўзгор ишида эса аёллар ҳукмрон. Уларнинг ҳуқуқи эркакникидан устун. Масалан, фалон нарсани олиб келинг, пистон нарсани қилинг, озиқ-овқат, энгил-бошлар билан таъминланг дейиш — уларнинг ҳаққи. Эрнинг эса — бурчи.

Демак, ислом динида оиладаги вазифалар эркакларнинг эркаклигига, аёлларнинг аёллигига қараб адолат билан тақсимланган.

Талоқ бериш ҳуқуқи эркакларда бўлиши кўпроқ зулм маъносидан тушунилади. Лекин чуқурроқ ўйлаб кўрилса бу ҳеч қандай зулм маъносини англатмайди. Хўп, оила қуриш учун қайгурган ким — эркак, келин ахтарган ким — эркак, оиланинг яшаш жойини тайёрлаган — эркак, оила қуриш сарфиётини зиммасига олган — эркак, оиланинг бошлиғи — эркак. Шундай экан, нима учун энди талоқ ҳуқуқи эркакнинг ихтиёрида бўлмаслиги керак? Бу ҳам эркакнинг табиатидан келиб чиқиб унга берилган ҳақ. Лекин бу ҳақни тўғри йўлга ишлатиш таълимоти ҳам борки, уни унутмаслик керак. Ислолда кўринган ерда талоқ қўйвер деган таълимот йўқ. Ноилож қолганда, яшаш имкони умуман кўзга кўринмай қолганда рухсат берилди бунга. Шунда ҳам учга бўлиб айтилади: бир марта айтдим, кейин афсус қилса ярашиш мумкин. Иккинчи марта таъбир бўлдим, яна афсус қилса — яна ярашиш мумкин. Учинчи марта айтилса...

Мана шу сабабларни эътиборга олиб исломда талоқ эркак кишининг ҳаққи қилиб берилган. Талоқ қилиш аёлларнинг аёллик табиатига тўғри келмайди. Чунки аёлларимизнинг ўзлари латиф, ҳис-ҳаяжонлари жуда нозик, эҳтиросга бой, аччиқлари тез чиқади. Агар худо кўрсатмасин, талоқ ҳаққи уларга берилса, арзимас зиддиятли дақиқаларда ҳам эҳтирос устун келиши ҳеч гап эмас...

Фавқуллода учинчи бир ҳолатлар бўладики, унда ҳаммасини қози ҳал қилади. Тўғри, қозининг олдида ҳар ким оилавий сирини очиқ айтиш имконига эга эмас. Эр-хотин ўз сирларини учинчи шахс билишини хоҳламайди. Шу боис ҳам талоқ ҳалол ҳисобланса-да, жуда ёмон мумкин нарса деб аталган.

«Ҳалолларнинг ичида худо энг ёмон кўрган ҳалол, бу — талоқ» дейдилар Пайғамбар соллоллоху алайҳи вассалом. Яъники, «Агар бирор ерда талоқ содир бўлса, оллоҳнинг арши ларзага келади». Ана шундай худо хуш кўрмаган иш бу!

Бу ақидани ўйламай-нетмай хотинларини талоқ қилётган эрларга етказишимиз керак. Токи, улар аччиқланибми, гоҳида ҳаром-ҳарий нарсаларни ичиб маст бўлиб олибми, гоҳида арзимас жанжал-можаро оқибатида оғизларига «талоқ» сўзини олавермасинлар.

— «Талоқ» сўзини оғизга олишнинг ўзи масъулиятли денг?

— Жуда! Бу — аёлларга зулм ўтказиш учун эркакларга берилган ҳуқуқ эмас, балки ноилож қолганда, зарурат туғилиб, бундан бошқа илож қолмаганда — охириги чора маъносидан берилган чора. Шунда ҳам худонинг ғазабини келтирадиган чора. Аршини ларзага соладиган чора. Буни чуқур тушунмоқ керак.

— Муфти ҳазратлари, матбуот хабарларига кўра ҳозир мамлакатимизда бир миллиондан ортиқ етим бола бор экан. Бунинг нақадар аянчли эканини тасвирлашга тил ожиз. Шу баҳонада мавзунини меҳр-шафқат баҳсини бурсак дегандим. Сиз юқорида айтганларингиздан келиб чиқса ислом ҳаддама вақт инсонни меҳр-шафқатга даъват қилади. Бизда эса тирик етимлар кўпайиб кетяпти. Ахир ўз пушти камаридан бўлган мурғакка, тўққиз ой кўтариб юрган ва ёруғ дунёга келтирган қора кўзига меҳр-шафқат кўрсатолмаган одам











# Тоғич Навоий

Мухтор ОРИПОВ — «Классик куй-қўшиққа катта ёшдагилар кўпроқ қизиқадилар» дейишади. Менимча, бу гап жуда ям тўғри эмас, классикага болаликдан қизиққанлар ҳам истанганча топилади.

Абдужаббор ҒАФУРОВ — Ўзинг неча ёшдан қизиққансан?

М. О. — Ўн уч-ўн тўрт ёшлар эдим, бир куни маҳалламиздаги тўйга чиқдик болалар билан. Одатдагидек қий-чув қилиб ўйнаб юриб беихтиёр ҳовлининг тўридаги ёроч чорси каравотда қўшиқ куйланаётганига маҳлиё бўлиб қолдим. Мутлақо нотаниш бир киши кўзларини юмиб, тор чертиб қўшиқ куйлаяпти. Аста-секин каравот ёнига бориб қолганимни ҳам сезмабман. Кейин билсам у киши «Сеғоҳ»ни куйлаётган экан.

А. Ғ. — Ушанда қўшиқнинг сўзига тушунганмисан?

М. О. — Қаёқда? Айтилган, қўшиқнинг номи ҳам кейинчалик — бир неча йиллар ўтгач билганман. Уша толда эса янглишмасам, фақат қўшиқнинг оҳанги, ижрочининг маст бўлиб куйлаши мени ром этган ўзига.

А. Ғ. — Мен ҳам дастлаб магнитофонда «Чоргоҳ»ни эшитиб, куйини ўзимча хиргойни қилишга уринганимда қўшиқнинг сўзига, маъно-мазмунига тишим ўтмаган. Демак, классик санъат аввало оҳанглари билан болаликдан оқдамнинг қалбини забт этиши мумкин. Шундаймасми?

М. О. — Шунинг ўзи катта гап! Ҳаммаси шундан бошланади-да.

А. Ғ. — Шундан бошланишга бошланадиз, лекин сен билан менга таъсир қилганидек таъсирланиш учун болада шунга яраша тайёргарлик ҳам керак-да. Масалан, мен адам най чалганларини э-эс билан, амаким дутор чертишларини яхши эслайман. Энди ўйлаб кўрсам, гўдаклигимда эшитган, ҳис қилган куйларим кейин-кейин классик музикага муҳаббатга айланган.

М. О. — Нимасини айтсан! Она алласининг оҳанглари ҳам музикани ҳис этиш қобилиятини шакллантиради болада. Ўзбекининг боласи бешикда ётган кезларидан нафосатни тушуна бошлайди, онанинг сеҳрли алласи, алланинг оҳанглари ўла-ўлгунча хотирдан ўчмайди. Агар мен классик оҳанглар мухлиси эканман, бунга аввало раҳматли адамнинг дутор чертганлари, акамнинг най чалганлари туртки бўлгани аниқ. Мабодо адам гитара ё кларнет чалганларида, турган гап, мен ҳеч қачон тор, дуторга ошно бўлмас эдим. Тўғри, болалигимда мен аввал рубоб чалишни ўрганганман. Уйимизда рубоб бўлмаган, икки маҳалла нарида яшайдиган бир синфдошимнинг рубоби бўлгучи эди, ўшаникига бориб соатлаб рубоб тингиллашиб ўтирдик. Яширмайман, рубоб сотиб олиш менинг учун этиб бўлмас улкан орзудек эди, ўша пайтларда...

А. Ғ. — Кечирасан, Мухтор, Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокиров классик қўшиқлар куйлаган, классик санъат устаси бўлган, лекин унинг барча ўғил-қизлари замонавий санъат йўлини танлаганини қандай тушуниш мумкин?

М. О. — Ҳа, «адам гитара ё кларнет чалганларида» деганимга шама қилмасанда-а. Карим Зокировлар оиласида, менимча, отадан кўра тўғрич ўғилнинг — Ботир Зокировнинг таъсири кучли бўлган. Қолаверса, Карим Зокировнинг айрим классик қўшиқлар ижрочилигини истисно

қилсак, у киши асосан Европа классик санъати — опера намояндаси бўлган. Демак, ака-ука Зокировлар эстрада йўлини танлагани кутилмаган ҳол эмас. Чуқурроқ эътибор қилсак, Фарруҳ Зокиров ҳозир «Ялла»да халқ ва замонавий оҳанглари куйлаётгани отасининг ўша икки санъат йўлини бирдек тутганининг давоми деб ҳисоблаш мумкин. Сен билан бизда эса, боя айтганимиздек фақат миллий музикага яқинлик бўлган. Бундан мен сира афсусланмайман, балки фахрланаман.

А. Ғ. — Маҳалламизда яшайдиган ўқитувчининг юбилейи эдим?.. Уч-тўртта ашула биламизми-йўқми, «бир хизмат қилайлик» дебмиз-а! Чиқсак, ҳовли тўла меҳмон, хонандалар учун безалган хонтахта ёнида Мамат ака, ҳамроҳлари билан ўтирибдилар! Орқага қайтишни эложи йўқ — бордик, саломлашдик, лекин Мамат аканинг қаторига ўтирмадик. Ахир Мамат ака билан бир дастурхонда ўтириш эмас, у киши билан саломлашни ҳам тасаввур қилолмадик ўшанда. Кейин устоз уч-тўртта қўшиқ қилдилар, кейин... бизни ўртага таклиф қилишди. Эсингдами?

М. О. — Эсимдаю, лекин қандай қилиб тор ушлаб, қандай қилиб ашула бошлаб уни тугатганимизни билмайман. Фақат айтиб бўлганимиздан сўнг қўшимиз — хизмат кўрсатган ўқитувчи Абдуҳаким Мавлонов Мамат аканинг ашадий мухлиси-да — бизни устознинг ёнларига бошлаб бордилар. Устоз биз билан қайтадан қўл олишиб сўрашдилар. Қаерлик эканимизни, кимларнинг фарзандлари эканимизни, қайси мактабда ўқимизгача сўраб-суриштирадилар ва ниҳоят «эртага шаҳар ўқитувчилар маданияти саройига боринглар, қолганини ўша ерда гаплашамиз» дедилар.

А. Ғ. — Бордик, тўғраки иштирокчилари билан таништирдилар, кейинги айтганлари қулониғам ҳамон эшитилиб турибди: «Истеъдод бор экан, ихлос бор экан — уларни тарбиялаш керак, укалар. Билганимизни, эгаллаганимизни орқалаб кетмаймиз-ку у ёққа...» Уша куни «Баёт I»дан «Баёт V»гача ўргата бошладилар.

М. О. — «Қаландар I» бор, «Қаландар II» бор, биттасини айтиб тугатиб қўяқолсанг думи юлинган товук бўлиб қолади» деганлари ҳам эсимда.

А. Ғ. — Тўғри-да, масалан, «Баёт»нинг ҳаммасини куйласанг ё тингласанг шунақанги тўлақонли бир хордик чиқаргандек, вужудинг моддий, бир маънавий озикқа тўлгандек ҳис қиласан, ўзингни. Узиям, «Баёт»нинг учтаси Навоийнинг, биттаси Муқимий, биттаси Нодира сўзи билан айтиладиган қўшиқларда! Дунёда бундан улугроқ ё боқийроқ санъатни шахсан мен билмайман.

М. О. — «Боқий» деб мана сен айтгансан, мен ҳам ҳозирги ёш ука-сингилларимизга ҳам шундай таъсир қилишни истар эдим. Айтганча, болалигимизда, сен магнитофонда эшитган «Чоргоҳ»ни, мен тўйда кўриб тинглаган «Сеғоҳ»ни устоз ижро этганларини, яъни Мамат ака Каримов болалигимиздан бизга ғойибона устозга айланганларини айтмабмизу! У киши Тўйчи Ҳофиз, Акбар қори, Маъмуржон Узоқов, Юнус Ражабий сингари халқимизнинг ардоқли устоз санъаткорлари қаторидаги санъаткор!.. Ана энди, сен айтмоқчи бўлган гап — тингловчига таъсир қилишни айтилик. «Баёт»нинг беш қисмини хотиржам тинглашга, тўғриси, ҳамманинг ҳам сабр-тоқати етишмайди. Табиий ҳол бу. Демак,

устознинг айтганлари тўғри — «ҳар қандай қўшиқнинг тингловчининг юрагига тегадиган жойини бўлади» дейдилар у киши. Ана шундай тегадиган жойини эзиб айта олсанг — тингловчига еткази олсанг марра ижрочиники! Эътибор қозониш ҳам шундан бошланади. Устоз гоҳо, «Шу, Абдуҳошим хўп эзиб чалади-да!» деб қоладиларку.

А. Ғ. — Мен устознинг тор чертишларини кўп кузатаман. Баъзан тор қарийб эшитилмай қолади ва бирдан чунонам сайраб кетадики, айниқса паузаларда ижрочи айтган сўзларни тор давом эттираётганга ўхшайди. Чалганда ҳам қўшиқ ижросидаги биринчи, иккинчи, учинчи авжга ўхшаб куй ҳам кучайиб боради — товуш билан бирга дард ҳам, нола ҳам кучаяди. Нақ осмоний, илоҳий бир завқ ола бошлайсан шунда!..

М. О. — Устознинг Навоий, Ҳувайдо, Нодира, Ҳислат, Фузулий, Завқий, Муқимий ғазаллари ҳақида тўлиб-тошиб гапиришларини айтмайсанми! Сўзнинг мағз-мазмунини тушуниб, билиб айтиш кераклигини ҳар машғулотда қулониғамизга қуядилар. Сўз эмас, ҳатто товушни ҳам қандай талаффуз этиш зарурлигини тушутирадилар.

А. Ғ. — «Топмадим» деганда *n* ни юмшокроқ айтишни...

М. О. — «Тоқим Навоий чекти рақамни...» деганда «чекти»даги *k* ни қандай талаффуз этишга қараб шу сатрнинг воласи, дарди кучаяди — сўзгина эмас, қўшиқнинг бойиши шунақа ўринларда бўлади.

А. Ғ. — Тингловчига тегади. Даромадни қиёмага етказишда булар — товушни, сўзни қиёмага етказиб ижро этиш гўё бир поғонадек хизмат қилади.

М. О. — Даромади ушқоқ, даромади сараҳбори масалан. Устоз буларни уч авжда ижро этадилар. Уч поғонали авжни қойиллатиб айтиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди — ҳам йўлини билиш керак, ҳам чуқур ҳис қилмоқ керак қўшиқни, ҳам овоз етиши керак. Куй билан қўшиқни яхлит бир мўъжизага айлантириб юбора олган хонандагина эплай олади бунини.

А. Ғ. — Классик музикани улуглашмизу, замонавий енгил-елли куй-қўшиқларга муккадан кетганлар кўплигини ҳам ўйлаш керак. Бўлади-ку, классик қўшиқ айтсанг, «Э, ока, оғир ашуланганини қўйинг, ўйнайдиганидан бўлсин!» деб талаб қилишгани-қилишган. Чалсанг, ашуласини айтсанг ўртага чиқиб олиб тонгача оёқ ўйин қилади.

М. О. — «Оёқ ўйин» ҳам устознинг сўзлари-а!.. Масалан мен ўзим эстрадани ҳам ёқтираман. «Ялла»нинг «Мажнунтол»ини мириқиб эшитаман, лекин «Қиз бола»ни мутлақо қўшиқ қаторига қўша олмайман. Беш норгул йигит мутлақо ёпишмайдиган даңгир-дунгурга «қиз бола» сўзини 45 марта қайтаргани билан қўшиқ бўлиб қолмайди-ку. Менга Ботир Зокиров эстрадаси ёқади, унинг ижодини миллий эстрада дейиш мумкин. Эстрада ҳақида гапирай десанг гап кўп...

А. Ғ. — Мен устозни кўп ўйлайман, Мухтор.

М. О. — Нимасини?  
А. Ғ. — Мана, устоз қўлга соз олиб классик, халқ санъатини улуглаб келаётганига 45 йил бўлибди! Радиода, телевидеида, пластинкаларда «Муҳаммаджон Каримов» деса, ёзилган бўлса, Тошкентда «Мамат ака» деса бас, ҳамма — ёпу кекса билади, танийди. Ўйлаб хонанда ўзини фахр билан «Мамат аканинг шогирдима» дейди. Наҳотки, шундай бир зотга бирон унвон беришнинг иложи бўлмаса?

М. О. — Э, секинроқ айтасанми, дўстим! Телеэкранда тўрт марта муқом этган қизлар халқ артисти бўлиб кетяптию, Мамат ака, Орифхон ака Ҳотамов, Ҳакимжон ака Файзиев каби ўзбек миллий санъатини улуглаб келаётганлар назардан четда! Бундай десак, устоз бундай мавзуда бирон марта оғиз очмаганлар, билмадим, хаёлларига келтирмаган бўлсалар ҳам керак.

А. Ғ. — Санъаткорнинг, чинакам санъаткорнинг ҳар қандай унвондан юксаклиги ҳам шунда бўлса керак-да?

М. О. — Шундай. Ҳазрат Навоий «Тоқим Навоий чекти рақамни...» деб мисралар битганда унвонни ўйламаган, қўзламаган-ку...

А. Ғ. — Буюклик унвонга эмас, санъатга садоқатда кўринади.


М. О. — Тўғри. Халқ исеъодлари ҳам ана шу йўлни танламоқлари керак. Устоз Мамат аканинг тарбиялари бизни шу йўлга солган...



Солиҳжон Каримов (чапда) Отага ҳамнафас, Абдужаббор Ғафуров эса ҳамсоз.

# ЧЕРКЎИ РАЎЗЕМЎИ...

Классик қўшиққа муҳаббат ва бу муҳаббат тарбиячиси бўлмиш  
Устоз ҳақида ҳамнафас дўстлар гурунги



Эл муҳаббатини қозонган устоз санъаткор Муҳаммаджон ҚАРИМОВ

ХАЛҚ ИСТЕЪДОДЛАРИ

Суратчи — А. Кудряшов.



Дарахтга шакл берувчи устахонада.



Нина Александровна Петрова ўз ўқувчилари билан амалий машғулот ўтказмоқда.





Зариф Машарипов устахонада «Қадимий безаклар» декорациясини намоиш қилмоқда.



Костюмлар, костюмлар...

# П.П. Твенков номидagi республика рассомчилиги билим юртининг бир кунги

А. КУДРЯШОВ фотолари.



Тасвирий санъат бўйича ўқув машғулоти.



Ҳайкалтарошлик устахонасида.



Сессия олдидан бажарилган вазифаларни муҳокама қилмоқдалар



**Мультфильмдан  
ҳам яхшироқ  
томоша борми?**

«6×6 квадратда»

«Яхшиликнинг фойдаси»

«Гуллар қўшиғи».

Л. ГЛАУБЕРЗОН фотоси.



# МУЛЬТФИЛЬМЛАРГА БИР НАЗАР

(«Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги мультбирлашма бадий раҳбари Нозим ТУЛАХУЖАЕВ билан сўхбат)

— Нозим Туробович, сўхбатимизни илк ўзбек мультфильмларининг яратилиши ва бирлашманинг ташиқ топшидан бошласак.

— «Ўзбекфильм» киностудиясида биринчи марта мультфильм 1965 йилда яратилган эди. Картинанинг номи «6X6» бўлиб, уни режиссёр Дамир Салимов суратга олганди.

Уша йили ана шу режиссёр ташаббуси билан ўзбек кинеси тарихида илк бор мульттех иш бошлади. 1977 йилнинг декабрь ойига келиб мульттехимиз мультбирлашмага айлантирилди. Коллектив кенгайиб, иқтидорли ижодкорлар билан бойиди, янги асарлар экранлаштирилади бошланди.

— Бирлашмангизда экранлаштирилаётган асарлар асосан ёш томошабинларга мўлжалланадими!

— Биз катталар учун ҳам мультфильмлар яратяпмиз. Бу давр талаби. Ахир республикамизда фақат бизнинг мультбирлашмагина мавжуд. Лекин асосий кучимизни болалар учун фильмлар яратишга қаратамиз, чунки улар кўпроқ қўғирчоқ ўйинларини, мультипликацион фильмларни ёқтиришади...

— Болалар учун суратга олинаётган асарларнинг аксарияти тарбиявий аҳамиятга эга бўлса керак-а!

— Албатта. Биз фильмларимизга одамлар, жониворлар, ўсимликлар ва йиртқич ҳайвонларни қаҳрамон қилиб оламиз. Уларнинг ўзаро муносабатларидан келиб чиққан ҳолда болаларга тарбиявий мавзуда картиналар яратамиз. Улар кичкинтой дўстларимизга ёқса, уларнинг ҳаётида ўз йўлларини танлашда озгина бўлса ҳам кўмаклашса, биз ўзимизни бахтиёр ҳисоблаймиз.

— Кичкинтойлар учун асар яратишнинг ўзига хос қийинчилиги бўлса керак...

— Болаларга атаб фильм яратишга қўл урган одам, аввало, болаларнинг дунёқарашидан келиб чиққан ҳолда ижод қилиши лозим. Бу ижодкордан катта масъулият талаб қилади.

Бирлашмамизда ишлаб келаётган М. Маҳмудов,

Л. Бобохонов, М. Боймуҳамедов, С. Муродхўжаева, И. Кривошеева, Н. Смирнов, А. Собиров, Г. Нуъмонова, Д. Ботирова каби ижодкорларимиз ана шундай масъулиятни ҳис этган ҳолда қатор йиллардан буён турли мавзулардаги киноленталар билан бирлашмамиз обрўйини кўтариб келишмоқда.

Шу кунгача юздан ортиқ турли мавзудаги киноленталар яратилди. Уларнинг кўпчилиги болаларга бағишланади.

— Юқоридаги картиналарнинг ўзбек тилида суратга олинганлари борми!

— Афсуски йўқ. Сабаби республикамизда ижод қилаётган ёзувчилар, драматурглар, айниқса болалар ёзувчилари бизга ўзларининг ўзбек тилидаги сценарийлари билан келишмайди, ижодий ҳамкорлик қилишмайди. Агар ҳурматли қаламкашларимиз ўзбек тилида сценарийлар олиб келишса биз ўзбек тилидаги асарларни ҳам экранлаштирадиг, ҳозиргига қараганда жонлироқ ва миллий руҳдаги киноленталар яратардик.

— Демак, барча фильмлар рус тилида суратга олинади экан, унда дубляж масаласи қанақа! Ахир болаларимиз картиналарни ўз она тилида томоша қилишса тезроқ ўша асар туб моҳиятига тушунишади. Шундай эмасми!

— Гапингиз тўғри. Шунинг учун ҳам барча фильмларимиз дубляж қилинади. Бироқ кўпгина киноленталаримиз фақат музыка-ю, ҳаракатлардан иборат, уларда сўзлар йўқ: яъни қаҳрамонлар гапиришмайди. Бундай фильмларнинг дубляжга ҳожат йўқ.

Шу ерда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Мамлакатимизда ҳамда Югославия, Болгария, Франция, ГДР, Япония, Испания, Португалия каби мамлакатларда мультипликацион фильмлар кинофестивали ўтказилиб турилаётгани қувонарли ҳолдир. Бу фестиваллар санъатнинг бу тури ҳаётимизга анчагина сингиб кетганини кўрсатди. Мен шундай кўриклардан баъзиларида иштирок этдим, кўпгина асарларни таржимасиз ҳам тушундим. Улар юқорида айтганимдек сўзсиз суратга олинганди.

— Эртанлар асосида фильмлар яратишга тўхталиб ўтсангиз!

— Биз асосан болалар учун яратилган эртакларга

суянамиз. Асрий тарихга эга бўлган эртакларимиз ҳеч қачон ўзининг актуаллигини йўқотмайди. Уларда адолат ва разолат ўртасидаги рақобат ҳамда унинг оқибати нималарга олиб келиши ёрқин кўрсатилган бўлади. Адолатнинг тантанаси билан тугаган эртаклар фильмларимизга кўпроқ асос бўлади. Бу эса болаларимизни ростгўйлик, ҳақиқатпарварлик ва адолат томон етаклайди, уларнинг ҳақиқий инсон бўлиб воёга етишишларига ҳисса қўшади.

Бундай асарлар қаторда «Кел дўстлашамиз», «Чўпон ва гўзал малика», «Велосипедча қочиб кетди», «Кутилмаган меҳмон», «Кунларнинг бирида саҳрода», «Олма ҳақида эртак», «Арзанда», «Олтин тарвуз», «Кучук боласи ва етти гўзча», «Яхшиликдан фойда борми?» каби мультфильмларни тилга олсак бўлади.

— Бирлашмангизда суратга олинган фильмлар орасида совриндорлари ҳам борми!

— Албатта. Масалан, мен америкалик таниқли ёзувчи Рей Бредбери асари асосида «Ёқимли ёмғир ёғди» номли мультфильмни суратга олган эдим. У Германия Демократия Республикасининг Лейпциг шаҳрида 1985 йили ўтказилган қисқа метражли фильмлар Халқаро кинофестивалида Бош соврин — «Олтин кабутар»ни, шу йили Минскда бўлган Бутуниттифоқ XVIII кинофестивалда мультфильмлар бўйича Бош совринни, Япониянинг Хиросима шаҳрида ўтказилган I Бутунжаҳон мультфильмлар кинофестивалида эса диплом, Испаниянинг Бильбао шаҳрида бўлган Халқаро кинофестивалда «Кумуш Микельди» совринини олди. Бирлашмамизда яратилган кўплаб киноленталаримиз ҳам Бутуниттифоқ кино анжуманларида иштирок этиб дипломлар олишга муяссар бўлган.

— Келгуси ишларингиз ҳақида гапирсангиз!

— Биласизми, ҳозирги кунда бизнинг бирлашмамиз йилига 8—9 асарни экранлаштиради. Истагимиз мультбирлашмамиз кенгайтирилса, янги ижодкорлар билан бойиса, ёзувчилар драматурглар билан яқин алоқада бўлса, суратга олаётган киноленталаримиз сони ва сифати яхшиланса.

Сўхбатни Раҳматилло БЕРДИЕВ ёзиб олди.

ИСТЕЪДОД

## БИРИНЧИЛАР

Улар москваликлар қалбида ёрқин таассурот қолдиришди. Ушанда, илк бор бу коллектив ижросини тинглаган музика билимдонлари хайратга тушибир бир-бирларини саволга тутишганди: «Бу болалар қаердан келишган?», «Валки, хориждан-дир?!», «Мана буни юксак ижро деса бўлади!» СССР Мудофаа Министрлигининг бош қарбий дирижёри, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ленин комсомоли мукофоти лауреати, генерал-майор Н. М. Михайлов эса тўлқинланиб коллектив раҳбарига юзланди: — «Мен ҳали бунақасини эшитмаган эдим! Ноёб ижро, ноёб!»

Бу таҳсинларнинг ўзига яраша тарихи бор. Ефим Михайлович Гуляев Успенский номидаги музика мактабига ишга келганида духовой (пуфлама ва урма чолғу музика асбоблари) бўлими бор-йўғи тўрт ўқувчидан иборат эди. Уша, 1976—77 йиллари Киевда махсус музика мактабларининг духовой асбоблар муаллимлари Бутуниттифоқ семинари ўтказилганди. Гуляев Киевдан бундан уч аср аввал, Боев даврида болаларга музика илми ўргатишган қадимий блок-флейта (сопранко) олиб қайтди.

Блок-флейтанинг қулайлиги шундаки, уни беш-олти яшар болалар ҳам қийналмасдан чала олади (одатда духовой музика асбобларини чалишга 11—12 ёшдан ўқитилади. Вақт муаммоси ҳал этилганди).

Шу воқеадан сўнг духовой оркестр тузиш гоёси педагогларга тинчлик бермай қўйди. Мактаб директори Ирма Гуломовна Йўлдошева блок-флейта топши билан машғул бўлди, Ефим Михайлович

бир неча ҳамкасблари ҳамроҳлигида бўлажак коллективга ўқувчилар йиғиш мақсадида республикамиз областларига чиқиб кетди. Болалар богчалари ва мактабларини айланишар экан, бошлаган ишлари нақадар машаққатли эканлигини ҳис этишди. Тасаввур қилинг, пойтахтдан олисда яшаётган ота-оналар фарзандларини музика интернатига юборишармики, яна қандайдир нотаниш музика асбоби бўлимига! Ота-оналар деярли бир хил жавоб қайтаришарди, рад этишарди: «Яқинда пианино сотиб оламиз, мустақил ўрганиб олар.» Бироқ узокдан келган педагогга ишонувчилар топилди. Мактабга ўн иккита янги ўқувчи қабул қилинди. Улар — биринчи блок-флейтачилар рус тилини яхши билишмас, ҳали товуш, оҳанг, ижро ғайритабиий туюларди.

Биринчиларни Ефим Михайловичнинг ўзи ўқитди. Кейинчалик, болалар сони ортача Тошкент консерваториясининг тажрибали муаллимларини ёрдамга чақирди. Ўқув қуроллари камлиги, блок-флейта учун ҳеч қандай қўлланма йўқлиги устозлардан мустақил фикрлашни, изланишни талаб этарди. Чунки келгуси йил янги ўқувчилар кутилмоқда, орадан бир йил ўтгач — яна. Биринчилар тўртинчи синфга кўчишганида ўқувчиларнинг жисмоний қувватига муносиб музика асбоблари топши муаммоси туғилди... Кўпдан буён кутилган «духовой оркестр» тузиш вақти келганди.

Болалар барибир болалигига боришаркан. Ҳар доим ҳам тоқат қилишавермайди, айтилган гапни бажаришавермайди. Тўғри, бир оҳангдан такрор-

лашлар ҳамманинг жонига тегади. Аммо... Мажбурлаш керакми? Ноилож, бу ҳам сабоқ усули! Бироқ Гуляев муаммони бошқача ҳал этди...

— Келинглари, яхшиси... ўзимиз истаган «Андижон полкаси», «Чебурашка» ёки «Кузнечик»ни ўрганамиз. Марҳамат. Ўзлаштириш осон туюладиган музикалар қизиқувчанлик билан эгалланади, ортиқча куч сарфланмайди. Иккинчи ўқув йилидан жиддий, чинакам ишга киришамиз.

Ҳар ўқув йилининг бошланишидаги биринчи дарс ўзига хос анъанага айланди.

Ефим Михайлович бўлгуси санъаткорларга оркестр ҳақида ҳикоя қилар экан, чолғувчилар коллективи улкан ва мураккаб ягона музика асбоби, унинг қандай сақланиши эса ҳар бир ўқувчининг маҳоратига боглиқлигини уқитди. Шундан сўнг машғуллотларни қолдириш, дарсда бефарқ ўтириш, сабоқларни ўрганмаслик мумкинмикан?! Хуллас, чинакам машаққатли дарслар бошланди.

Дарслар қуйидагича тақсимланди: биринчи соат — машқлар бажариш; иккинчи — программали музика устида ишлаш; учинчи — янги мавзулар. Энг машаққатли дарсда — иккинчи соатда ўқувчилар тезагина чарчаб, дирижернинг ҳаддан ортиқ талабчанлигидан, ҳар оҳангга алоҳида тўхталишдан норозилик билдирилади. Ахир асар шундай ҳам яхши жанранглаптику!

Аммо табиатан болаларча шўхликни кецирувчан Ефим Михайлович таълимда бир сўзди. Ўқувчилар учун учинчи соат мароқли кечади. Янги

(Охири 30-бетда)



## Аёллар

Недан огоҳ этди бебақо дунё?  
Турмуш ташвишлари хоритдими, ё  
рашклару гиналар қаритдими, ё...  
Нечун кўзингизда турфа саволлар?  
Сизга нима бўлди, аёллар?

Лайли бўлганда сиз ишқ — саҳроларда,  
Мажнун бўлолмадик биз вафоларда,  
Қалбингиз қолса-да, ғам, жафоларда,  
собит туролдингиз. Восди хаёллар.  
Сизга нима бўлди, аёллар?

«Нега?» деб сўрасак, «Узим...» дедингиз.  
Узи шунақароқ кўзим, дедингиз.  
Бизга берсин сабр, тўзим, дедингиз.  
Айтмадингиз недан мунглик, малоллар.  
Сизга нима бўлди, аёллар?

«Хуқуқ» маъносини бир оз олиб кенг,  
далага чиқдингиз бизлар ила тенг,  
заҳматли ишларга шимардингиз энг,  
соянгизда қолди қанча «фаол»лар...  
Сизга нима бўлди, аёллар?

Бемор болангизнинг дард, фарёдими,

ё руҳи безовта авлод ёдими,  
ёки манглайи шўр ер имдодими,  
қалбингизни ўртаб қолдирган лоллар?..  
Сизга нима бўлди, аёллар?

Мунис қарашлар-ла эркалаб, суйиб,  
бола ардоғидан меҳрингиз ийиб,  
доимо ёнида аллани қийиб,  
сурсангиз бўлмасми нурли хаёллар?..  
Сизга нима бўлди, аёллар?

Қалбингиз тубида недир қарс этди,  
недан огоҳ этиб, недан дарс этди,  
нозик тўйгунгизга балки дарз этди.  
Недан хабар берар бундай шамоллар?  
Сизга нима бўлди, аёллар?

Ожизликми ўзни ўтларда ёқмоқ,  
ёки жасоратми? — Қалбимда жумбоқ.  
Аслида бу бизга отилган тўқмоқ.  
Бир кун бизни тутар сизнинг уволлар.  
Сизга нима бўлди, аёллар?

Аёл фарёдидинмас, гўдак ингасин,  
кечалар тингласин, тонглар тингласин,  
сизнинг қувончлардан ғамлар йиғласин,  
нечун дилингизда ўкинч, малоллар?..  
Сизга нима бўлди, аёллар?

# „Рўбарўмда Турибсан Муштоқ“

## Юртнинг кабирлари

1. Юртнинг кабирлари,  
юрт кабирлари,  
сиз турган жойлардан  
кўриняптими  
ўзбекнинг бепоён  
дала-қирлари?  
Толлар имдодини  
тингладингизми?  
Гулларнинг дарди не?  
Англадингизми?  
Ўзаларнинг ҳоли не кечди?  
Нечун қушлар  
бу юртлардан  
бемаҳал учди?  
Қалбнинг фарёдларин  
кўтарган шамол  
пойингизга йиқилди беҳол  
Кўкси болаларга тўлган бевадек  
шитоб-ла интилиб келар сиз томон  
Орол соҳилидан қувилган қушлар...  
Вир лаҳза бўлса-да  
ўйлангирдими,  
мунглик табиатнинг сабурлари?  
Наҳот титратмади юрагингизни  
тафаккурнинг бу жабрлари?..

2. Юртнинг кабирлари,  
юрт кабирлари,  
сиз турган жойлардан  
кўринган бўлса,  
Ўзбекнинг меҳнаткаш  
дала-қирлари,  
наҳот шохлардаги  
эрта сарғайган япроқ  
ёдингизга солиб  
тилла чақани,

кўзингиз ўнгида  
айланди ҳалқа?!  
Бемор далаларнинг  
аччиқ фарёди  
бахтиёр қўшиқдай  
қулогингизда  
ажиб бир жаранглик  
қолдирди наҳот?!.

3. Юртнинг кабирлари,  
юрт кабирлари,  
мансаб басир этса,  
нафс асир этса;  
қалбни қиса борса  
шўҳрат тўрлари,  
шарбатларга тўла  
боғлар қўйнида  
кўпайса қузғуннинг  
ялоқхўрлари,  
сизлар жим турсангиз,  
бир четда юрсангиз,  
кўра туриб  
кўзларингиз кўрмаса,  
сўрай туриб  
сўзларингиз сўрмаса,  
тилингиз  
қалбингиз измида  
бўлмаса,  
маломат тошидан кўкси яра эл  
кимга дардларини очади бугун,  
кимга дардларини очади бугун?..

4. Юртнинг кабирлари,  
юрт кабирлари,  
орттирган гуноҳу савоблар учун  
кун келди —  
ҳақиқий ҳисоб берар кун!

## Учар гилам

Эл қатори яшар эди у,  
бировлардан йўқ эди ками,  
Афсус, кўпроқ босарди уйқу,  
шундан бошқа йўқ эди ғами.  
Гап-гаштакка бормас эди ҳеч,  
унда тил ҳам эмасди узун.  
Ота мерос гиламга ҳар кеч  
чўзилганча ўйларди бутун.  
Айланса-ю учар гиламга,  
бу даргоҳдан кетса бош олиб.  
Дош беролмай хотин аламга,  
изин ўпса, кўзга ёш олиб...  
Гилам оддий эди, учмади.  
Чидолмай у охир сабрига,  
тошлар отди, фирибгарсан деб,  
эртакчининг мунглик қабрига...

## Рўбарўмда...

Рўбарўмда турибсан муштоқ,  
Қўл узатсам етгудай — яқин.  
Қалблар талпинмасин каптардек,  
биноқ  
ўртамизда каттакон оқим.

Сочларингни ташлаб ирмоққа,  
кўприк ясасанг-да киприкларингдан;  
қолиб кетганда ҳам мангу қийноқда,  
лек ўтмасман кўприкларингдан.

Рўбарўмда туравер уйғоқ,  
маъбудлардек илоҳий, бесас.  
Менга оддий таширинг эмас,  
ёқар зор-зор кутишинг кўпроқ...



Қуёш

Сулув субҳидамнинг пардасин йиртиб,  
Мудраган дунёни зиё қоплади,  
Музлаган тоғларга қўшигин айтиб,  
Қуёш борлиқ узра зар ранг чаплади.

Кун бўйи куйини тўхтатмади у,  
Охири мағрибга чарчаб қўйди бош.  
Тун бўйи соҳиллар кўрмади уйқу  
Қўшиқ бўлиб оқди сойларда Қуёш...

Неъмат ИБРОҲИМОВ,  
Тожикистон.



Кўклам

Яшиллик қоплади борлиқни —  
Дарахтлар оқ кўйлак кийдилар.  
Чечаклар заминга ёрлиқдир,  
Емғирлар гулларни суйдилар.

Тўлғониб ўтишди турналар  
Тўлғониб ўтди-ку соялар.  
Майсалар ҳидидан маст бўлиб,  
Яшара бошлади қоялар.

Нигоҳлар югуриб даладан,  
Турфа хил рангларни топдилар.  
Капалак кетидан болалар,  
Қувончни етаклаб чопдилар.

Илиқлик қоплади дунёни,  
Қизиллик қуёшнинг теграсин.  
Офтобга туганча Она Ер  
Исата бошлади елкасин...

Комил ЖУМАЕВ,  
Самарқанд.



Тирик етимлар алласи

Вера Вольковскаяга

Олис туннинг чироқлари сўнмасин ҳеч,  
Мурғак қалбинг қайғуларга кўнмасин ҳеч,  
Уз гуноҳин ушоққина жонга ортиб,  
Енгилгина кетган онанг унмасин ҳеч,  
Ухла қўзим, йиғламоққа улгурарсан.

Ухла қўзим, тушларингга кирмасин у,  
Шу покдомон хаёлингда юрмасин у,  
Онажон деб ҳар кимсага чўзган қўлчанг  
Сиртмоқ бўлсин, бу дунёда турмасин у,  
Ухла болам, йиғламоққа улгурарсан.

Соғиндингни соғинч нима тушунмайин,  
Туйғуларим толқон бўлар нигоҳингдан.  
Мен отарман, шафқат билмай, қаҳр ёйин,  
Кечир мени, сенинг учун қабоғимдан.  
Ухла жоним, йиғламоққа улгурарсан.

Кечирманг

Йўқотган баҳорим, йўқотган гулим,  
Юролмай йиқилган чароғон йўлим,  
Мен хаёл сурмаган боғларим сўлим —  
Сиз мени кечирманг, кечирманг асти.

Юлдузлар жилоси тугиб осмонни,  
Фақат мен кўришга насиб этган тун  
Бепарво кузатсам йўли сомонни —  
Сиз мени кечирманг, кечирманг асти.

Вақтнинг чопари билмайди тиним —  
Топилмас кечаги абри-найсонлар;  
Бахтимни бировга узатган куним —  
Сиз мени кечирманг, кечирманг асти.

Назира САЛОМОВА,  
Тошкент.

\* \* \*

Юрагимда болалайди дард,  
Кўзларимда рақс тушар ҳижрон.  
Уйларимга тўкилдими гард,  
Қайда қолди мен чорлаган тонг?

Юзларимни силама, сабо,  
Йўқ, керакмас, қурутма ёшим.  
Андижонга кетаман энди,  
Андижонга чорлар бардошим.

Гул атрини сочмайди менга  
Армонларга кўмилдим, нетай?  
Юрагимни осдилар дорга,  
Мен ҳилолга суйаниб кетай.

Минҳожиддин ҲОЖИМАТОВ,  
ТошДУ толиби.

\* \* \*

Менга қолса — баҳор атайин  
Сени излаб боғларга келган.  
Менга қолса — шаббода, эркин  
Йироқлардан сени деб елган.

Менга қолса — қушлар чуғурлаб  
Куйламоқда фақат сен учун.  
Менга қолса — апроқ шивирлаб  
Сўйламоқда фақат сен учун.

Менга қолса — ҳуснда танҳо  
Замин узра энг сулув сенсан.  
Менга қолса — доим ёнингда  
Бўлмоғи шарт ошигинг — менман.

\* \* \*

Уқитувчиларим Мардон Холбеков ва  
Ҳамида Аҳмедовага

Еруғ кунларингда унут қилсанг-да,  
Осмон-фалакка чиқиб кетсанг-да,  
Манзилга етсанг-да, етмай ўтсанг-да,  
Дилгир йўлларингда устозни ёд эт.

Шодмон кунларингда шундай ҳам дўст кўп,  
Улар вақти-бевақт келишар тўп-тўп,  
Бироқ, шогирд бурчин англар бўлсанг хўп,  
Беғидир йилларда устозни ёд эт.

Йироқда юрганлар билар соғинч не,  
Ва раво кўрмагай ҳеч кимга ранжни.  
Бўйинингга тумордай осанг юпанчни  
Мусофир мунгларда устозни ёд эт.

Олган ўғитларинг оқса шашқатор,  
Гўдак туйғуларинг қуласа абгор,  
Зил-замбил изингда қолмаса мадор  
Охир-оқибатда устозни ёд эт.

Ҳокисор инсонлар асли нуқтадон,  
Муқаддас аталгай асли бу забон,  
Не собит имонлар кетганда нолон  
Асотир ўйларда устозни ёд эт.

Тилингда сўз қолмай саломлар берсанг,  
Қўлларда гул эмас кетмонлар кўрсанг,  
Туйғусиз тунларда кўксингга урсанг  
Шоир бўлганингда устозни ёд эт.

Чоршаъм,  
Бухоро.

Тунги манзара

Оқшом қўнар оҳиста,  
Ой оролаб ўзини,  
Кўк ҳам қораймай аста  
Қалқиб чиқар сузилиб.

Тақлид қилиб қуёшга,  
Товланмоқ бўлди чоғи —  
Эсиз, кетди узилиб  
Ойнинг садаф мунчоғи.

Садаф мунчоқ сочилиб,  
Жилоланар фалакда,  
Садафларин геролмай  
Ой тонггача ҳалакда...

Шахло АХРОРОВА,  
Жиззах.

\* \* \*

Эшик силкинади, очаман секин,  
Менинг соғинганим — кўзинг кулади.  
Ўзимни қаҳрга «ўрайман» лекин,  
Вақт-соати битган бардош ўлади...  
Йиғлайман, соғинчинг томчиси кулар,  
Куламан, ғилимда армон йиғлайди.  
Сенинг соғинмаган соғинчинг, билсанг,  
Бардошлари ўлган қизни қийнайди.  
Азобнинг энг сўнги нуқтаси — умид  
Саргайган остонам узра ёйилар.  
Ҳижронлар совутган қадамларингда  
Менинг топинганим — бир илинж бўзлар.

Зулхумор АЛИМАРДОНОВА,  
ТошДУ толибаси.

\* \* \*

Тўхта! Қайрилмагин секин ортингда  
Қизлар журғатсиз, деб сенга ким айтди?  
Эслагин Ширинни, Зухро, Лайлони,  
Айтгин-чи, қай бири аҳдидан қайтди?

Билсанг мен кабутар эмасман асло,  
Журғатда мисоли бургутман, бургут.  
Бизнинг муҳаббатга ўзим чанг солдим,  
Энди бемағнодир ҳар қандай сукут.

Сен ўзинг тўқиган шубҳа гумонга,  
Ипакнинг қуртидай ўралиб қолдинг.  
Уша чоғ самонинг қайси бурчиди,  
Мен бирдан бургутга айланиб қолдим.

Наргис ДОВУРБЕКОВА,  
ТошДУ толибаси.

# МАНСУРАЛАР

## Шамол куни чақирма

Шамол куни чақирма, зое кетар овозинг — ҳикмати бор халқингни.  
Лекин шамол тўхташени кутсам, ўтиб кетади-ку бу қисқа умр.  
Не-не умрлар ўтиб кетмади шамол тўхташени кутиб.  
Йўқ битмаган бўлса ҳам, чаламан бу чолғуни.  
Чала бўлса ҳам чаламан.  
Эшитмасангиз ҳам чаламан.  
Ҳайҳот, кимдир чалиб турмоғи керакдир чолғуни.  
Мен чалаётган чолғунинг

номи йўқ  
тори ҳам йўқ.  
Мен торлари қачонлардир узилган чолғуни чаламан.  
— Телба! — дейсиз сиз. — Сенинг телбалигинг чалади,  
сенинг телба хаёлинг чалади торлари қачонлардир узилган  
чолғуни!  
Мен телба!  
Хаёлим телба!  
Ҳеч аралашмайман телба хаёлимнинг ишларига.  
Сизга телба бўлиб кўринган хаёл менга ҳур бўлиб туюлади.  
Мен кишан солмайман телба хаёлимга.  
Ҳеч йўқса у ахир кишансиз яшамоғи керак.  
Номи йўқ,  
тори йўқ  
чолғуни  
чалгиси келган экан,  
чалаверсия...  
Сиз ахир ҳеч қачон чалмайсиз бу чолғуни.  
Сизга ҳавасим келади.  
Сиз соғломсиз.  
Сиз тори узилган чолғуни чалиб бўлмаслигини жуда яхши биласиз  
Ва доим тантана қиласиз.  
Тантанани севасиз. Узингизни тантана учун туғилган деб биласиз.  
Истаган пайтда истаган нарсдан тантана ясайсиз.  
Сиз ўйсиз тантана қилаётган чоғларда чолғуларнинг торлари узилади.  
Торсиз чолғуларни чалиб юрадиганлар чиқади.  
Мен ўз тарихини билмайдиган одамман.  
Ўз тарихини билмайдиган одамнинг чолғуси бутун бўлганлигини кўрганмисиз?  
Нега ахир ажабланасиз шунда тори узилган чолғу чалаётган одамга...

## Чизиқ

Фалак ҳар нарсага қиёфа бахш этмиш  
Ажратиб оларсан бемалол қарғани булбулдан.  
Булбулни севарсан. Сайрар маст бўлиб чакалакзорларда.  
Наздингда булбул имтиёзли кўринар. Ҳолбуки, қарғанинг ҳеч қандай имтиёзи йўқ.  
Лекин қарға бўлмаса, узоқ қиш чоғлари қанчалар ҳувиллаб ётарди олам. Қарғасиз ўликдир қишқи боғлар ҳам.  
Қарға қишнинг қуши. Қиёс қилиб ўтирма уни булбулга.  
Ҳар нарсанинг ўз қиёфаси бор.  
Фақат қиёфаси йўқ тўғри чизиқнинг.  
Ер юзида неча миллиард одам боласи. Бари бир хил қилиб чизар тўғри чизиқни. Айтолмайсан манави Аҳмаднинг  
чизиғи. Манавини чизган Олим. Манавини эса Маҳмуд.  
Ҳамма нарсанинг боши чизиқ.  
Ҳамма нарсанинг охири чизиқ.  
Назар, мен бир одамни биламан. Эрталаб роса ўнда ишга келар. Кеч роса еттида ишдан чиқар. Батартиб одам.  
Саранжом. Саришта. Кўп одамларнинг хизматига ўрганган. Кўп одамларни хизмат қилдириб ўрганган. Эсини  
танибдики, ўлтиради каттакон салобатли ялтироқ столлар ортида. Худди шу столлар билан бирга туғилгандай.  
Столга ўтириб дунёга келгандай онасининг қорнидан. Унинг кўзлари доим маюс. Қошлари доим васила. Доим  
чуқур ўйга толиб ўлтиради столда. Ўйга толганча гаплашади. Ўйга чўмиб берар амру фармонлар. Назар, шу  
гирди буюк стол устида ҳар куни унинг нигоҳига мунтазир туради рўйхатлар. Биласиз рўйхатлар бу —  
одамларнинг исму шарифлари.  
Анчагача хаёл суриб ўлтирар ўша одам рўйхатлар устида.  
Ўйки чеки йўқ.  
Кўз ўнгидан кўп нарсалар ўтади.  
У билади бу исму шарифларнинг барини. Билади икир-чикирларига. Ўйлаган сайин, кўз ўнгига келтирган  
сайин у баттар маюс тортар. Сўнг аста қаламни қўлига олар. Билинар-билинмас қалтирар қўли. Яна кўяр  
қаламни. Яна олар. Босилмас қалтироғи.  
— Қалам — қурол! — деб ўргатишган унга ёшлик чоғида.  
— Қалам — қурол! — у шундай деб ишонади. Узоқ йиллар синаган бун.  
Мана шу рўйхатлар унинг ихтиёрида. Унинг ҳукми, қаламига тобе. Не қилса, ўзи билади. Ҳеч кимга ҳисоб  
бермас. Ҳеч ким ҳисоб ҳам сўрамас ундан. Эшик ҳуркак тикирлар.  
— Ҳеч кимни қўйманг! — дейди у.  
Рўйхатни аста олдиға суради.  
Оғир ўй босади.  
Оғир қўл.  
Оғир қалам.  
Ниҳоят, у чизиқ торта бошлар рўйхатдаги исмлар устидан.  
Билади мановни.  
Билади ановни.  
Барча ўзига ишонган,  
барча талантига ишонган.  
барча ҳақ сўзига ишонган.  
барча имонига ишонган.  
яъни барча бўйсунмас «даюслар» устидан чизиқ тортар у.  
Бир чизиқ тортар. Икки чизиқ тортар. Уч чизиқ тортар...  
Тортаверар чизиқларни то ўша исм кўринмай кетмагунча рўйхат бетиде. Лекин айрим қайсар харфлар ҳамон  
билиниб турар. Ҳамон кўриниб турар. Ҳамон ўқиса бўлар уларни.

## Ҳамон!

У энди тўғри чизиқлар устидан аста гажак қилиб, айлана қилиб қалам юргиза бошлар.  
Анча эрмак қилар.  
Маюс! Маюс!



Ана, ниҳоят!  
 Қолди фақат чизиклар. Исм ўчди.  
 У хўрсинар. Саранжом қилгандай жуда хавфли ғанимни. Лекин кўнгилда буюк бир маюслик баробарида буюк бир истироҳат кўзгалар. Ажойиб ўйлар оғушида лаззатланади. Ҳали катта мажлисда шу исми ўчган одамни мақтамоқ керак таҳсинлар ўқиб. Ибрат қилиб кўрсатмоқ керак бошқаларга уни. У ҳеч қачон билмас нега бу рўйхатдан ўчганлигини. Аксинча, бола-чақаси билан доим миннатдор бўлиб юрар валинеъматдан. Улиб-тирилади ҳатто уни деб! Ахир унинг таҳсинига эришмоқ осонми! Лекин рўйхатга кирмас. Кирмас ҳеч қачон! Сен қадр топмадим дейсан.  
 Унвон, нишон, раъбат кўрмадим дейсан.  
 Юрасан, норози, аламинг ичингга ютиб.  
 Билмай гаранг бўласан қайда йўқолар исми-шарифинг.  
 Шу маюс, шу салобатли шу столи билан бирга тугилган одам бир умр ўчириб ўтирар исминг, шаънинг, гавҳардек каломингни.  
 Таниёлмайсан унинг чизикларини.  
 У эса жуда-жуда яхши билади чизикнинг қиёфаси йўқ.

## Йўл танлаш

Сиз бу тиканзордан тикка ўтаман дейсиз, Муҳаммаджон, тикка йўл соласиз.  
 Йўл ҳам йўқ сиз борар томонда  
 сиз тикка тиканларни оралаб борасиз.  
 Мен эса, тиканзордан ўтиш учун аввал бу кўҳна ерни тиканлардан тозалаш керак дейман.  
 Эсимни таниганимдан бери, биласизми, тикан тозалайман.  
 Эллиқдан ўтдим тикан тозалаб.  
 Қўлларим шилинди.  
 Толди кўзларим.  
 Лек тиканзор чўзилиб кетган уфқларга.  
 Қайда?  
 Мен бир қадам ҳам силжиганим йўқ.  
 Менга қараб ачинасиз, куласиз. Шўрлик эски одам дейсиз.  
 Эски журъатсиз одам.  
 Менга сўйлаб берасиз Беккетнинг мажруҳ қахрамонларин.  
 Лекин ачинасиз кўпроқ ға қараб турмай йўлни тикка оласиз.  
 Вақт йўқ дейсиз тикан тозалаб ўтирмоққа.  
 Ана, кўриб турибман, юриб боряпсиз: бир қадам, икки, уч...  
 Тиканзор ичига қуёш киргандай қирмизга бўялди бутун гавдангиз.  
 Тиканлар қизариб, сўнг қорайди йўлчининг қонидан.  
 Сиз тикан тозалаётган менга қарайсиз.  
 — Хей, Сизифбой! — дейсиз. — Хей Сизиф, хей Сизиф!  
 Мен ҳам, нима, тикан тозалайверсаммикин? — дейсиз.  
 Йўқ, менга тўғри келмас бу йўл, дейсиз.  
 Сиз яна чатирлаб тиканлар узра қадам қўясиз.  
 Хаёлингиздан кетмайди гўзал, обод, файали, ҳур йўллар.  
 Лекин сиз — мендан ўзга учинчи бир одам ҳам бор.  
 Сўзамол. Доғули. Мутақаллим.  
 У ҳам сиз кўзлаган уфқларга бормоқчи.  
 Лекин тиканга тоби йўқ.  
 У узоқларни айланиб юрар. Тикандан эҳтиёт қилар ўзини.  
 Эъозлашар уни эҳтиёткор деб!  
 Янада эҳтиёт юрсин деб, тўхтовсиз даволашар уни.  
 Фароғати унинг эҳтиёт.  
 — Уҳ эҳтиёт — Эҳтиёт! — деб қўяр у вақт-бевақт.  
 Ланж карахт бўлиб ётибмиз унинг эҳтиётлари ичида.  
 Барча ҳужайралардан бош кўтариб келяпти шу эҳтиётлар.  
 Ҳамма эҳтиётларга қул бўлиб ўтирса,  
 айлантириб юрса элни айланма йўлларда —  
 ким ахир қуради катта йўлни, Муҳаммаджон!  
 Нима қилишлари керак орқадан келаётганлар?

## Оқиб ўтади

Вақт бошимдан оқиб ўтяпти.  
 Оқиб ўтяпти вақт кўзимдан  
 Булоқ қилди мени вақт —  
 Тошлоқ қилди мени вақт —  
 Оёғим остидан  
 Кўксим устидан  
 шалдираб  
 гулдираб  
 довдираб оқиб ўтяпти вақт.  
 Вақт қуёшнинг ортида, вақт қуёшнинг олдида. Ойнинг кўк нурига айланиб заминни чулғайди вақт. Вақт одамзод болалари наздида миллиард йил, миллион йил, ўн минг маданий йил.  
 Вақтнинг ўз наздида эса булар бари бир зум бир зум бир зум...  
 Зуууввв деб югургандай болакай ўтиб кетади бу зум.  
 Фарёдим,  
 — Менга нимангни қолдирдинг, эй азизу қодир Вақт?  
 — Неки олсам, берурман. Неки берсам, олурман. Сен бир зум кўзларингга сурт мени. Мен айтганман қодир  
 Аполлоннинг тилидан: жўн сўз деманг. Жўн иш қилманг. Керилманг. Акс ҳолда тобе яшарсиз умрбод... Сен кулоқ солмайсан ҳамон!  
 Ҳамон!  
 — Такрор сўрайман: менга нимангни қолдирдинг? Наҳот ҳамма нарса сеники?  
 — Ҳар нарсадир, меники! — дейди Вақт. — Сенинг ниманг бор эди ўзи? Ниманг бор эди ўзи?  
 Мен унга яраларимни кўрсатдим.  
 Вақт айтди:  
 — Қайгурма. Бу ҳам омонат.

## Оғилхона

Амакимни олиб кетдилар бугун икки амаки.  
 Амаким менга ўн ёшимда ўргатган эски китобларни ўқишни.  
 Кеннайим ва мен ёлғиз қолдик.  
 Аввал даҳлизда ётиб юрдим.



Мен сувдай тўқилдим.  
 Довуд муножоти, 21

Армон деган ўғлим бор,  
 Соғинч деган қизим бор.  
 Ҳалима Аҳмедова

Сўнг амакимнинг сим каравотини кеннайим менга берди:

— Ун иккига чиқдингиз, худога шукур. Катта йигитча бўлиб қолдингиз... — деди кеннайим эшитилар-эшитилмас. У овозини эпиттирмас менга. Овози энг майин эсган шабададан ҳам майин. Мен доим унинг овозини эшитгим келади. У эса овозини чиқармас. Гуё унинг энди гапирадиган одами қолмагандай. Мен амакимнинг китобларини ўқийман.

Қиш кечалари узоқ.

Оғилхонада амакимдан қолган тўрт қўй, бир сигир, бир бузоғимиз бор.

Чақалоқнинг тагидан ҳам тоза тутар эди амаким оғилхонани.

На пашша, на ҳўл. Кеннайим шундай дейди. Мен оғилхонага амакимдан ҳам яхшироқ қарашга ҳаракат қиламан. Бўлмаса кеннайим ўзи уриниб кетади оғилхонага. Мен эса сира-сира истамайман кеннайим уринишини оғилхонада.

Ростини айтсам, мен оғилхонани яхши кўраман:

Айниқса, кечаси...

Кечаси оғилхонада мойчиरोқ ёқаман.

Китоб ўқийман.

Бир кечаси молларни қўрийман.

Лекин биз томонда ҳеч ким ҳеч кимнинг нарсасига тегмайди.

Уғри деган сўзни тушунмайди.

— Уғри деган сўз бўлмаган бизда... — дейди кеннайим.

Лекин барибир узоқ тунлар мойчиरोқ ёқиб оғилхонада ўтираман.

Баҳона — молларни қўрийман.

Аслида — китоб ўқийман.

Оғилхонани амаким узун ва баҳаво қилиб қурган. Яхшилаб суваган, оппоқ оҳакка бўяган.

Оғилхона иссиқ.

Олиб кирганман бу ерга эски сандал билан эски пастак курсини.

Иссиқ оғилхона менга жуда ёқади.

Дунё жим-жит.

Ҳеч ким халал бермас.

Мен ҳам халал бермайман ҳеч кимга.

Кеннайимнинг маюс кўзларига ҳеч қаролмайман.

Баъзан бошимни оҳиста силаб қўяди кеннайим.

Мен чидолмайман.

Осмонга учиб кетгим келади.

Оғилхона яхши!

Қандай соз оғилхона!

Оғилхонада мен бутунлай эркинман.

Баъзан негадир биқиниб олгим келади. Яширингим келади.

Атрофга қарагим келмайди.

Биқиниб оламан.

Пастак курсида ўтирганча бошимга амакимнинг эски қора чопонини ёпаман. Зулмат чўқар кўз ўнгимда.

Анчагача шу зулматда кўзларимни катта-катта очиб ўтираман.

Чопоннинг қавилган жойларидан ним ёруғлик ўтади. Менга нима, ёруғ ўтаётган тешикларни санайман. Адашиб кетаман. Санаб-санаб чарчайман. Сўнг чопонни шартта оламан бошимдан. Оҳ, ёруғ жаҳон! Кўзимга ҳамма нарсачиройли кўринар.

Мени қийнамас на сигир, на қўйлар.

Сигирнинг кўзи жуда чиройли.

Бузоқнинг кўзи эса ундан чиройли.

Қўйнинг кўзлари ҳам чиройли.

Мен китоб ўқийман.

Сигир чиройли кўзларини мендан узмайди.

Қўйлар ҳайрон бўлиб қарашар овоз чиқариб ўқисам «Фарҳод ва Ширин»ни...

Мен уларга бу китобни овоз чиқариб ўқиб бераман.

Баъзан сигир узоқ хўрсинади.

Баъзан шўхлик қилиб қўяди бузоқ.

Қўйлар эса хуркак қулоқ туттишар китобнинг сўзларига.

Ун иккита кўз менга тикилиб турар.

Чиройли кўзлар. Тим қора. Катта-катта. Ипакдай майин.

Оғилхона иссиқ.

Жиндай тезак ҳиди анқир.

Қора чироқнинг тили ўйнар нафасимдан.

Ихтиёрим ўзимда бу оғилхонада.

Ҳеч ким кирмас

Ҳеч ким туртмас

Ҳеч ким чертмас

Ўзимники бу оғилхона.

Даҳлсиз.

Кундузи кун бўйи амакимни ўйлайман.

Қўрқаман кеннайимнинг кўзларига қарашга.

Индамаслигидан қўрқаман кеннайимнинг.

Тун яхши.

Оғилхона яхши.

Қора чироқ яхши.

Ўқийман Фарҳоднинг қиссасини.

Фарҳодни севаман.

Севаман Ширинни.

Улар каби ариқ қазгим келади.

Улар каби гўзал хатлар ёзгим келади.

Миямга болдай сингийди уларнинг сўзлари.

Хисравлар...

Хисравлар билан қандай жанг қилишимни тасаввур қилиб ўтираман бошимга амакимнинг қора чопонини ёпиниб.

Уларни энгишнинг минг турли йўлларини топаман ўзимча.

Қиш чиқмай ёд бўлиб кетади бу қисса.

Қўрқмай қўйдим маюс кўзлардан.

Ўйлай бошладим нега маюс бўлиб қолганини бу кўзларнинг.

Кеча боғнинг хилват чеккасидан бойчечак териб келдим.

Кеннайим уйнинг тоқчасига қўйиб чиқдим.

Икки дона бойчечакни пиёлага солиб, оғилхонадаги эски сандалимга қўйдим.

Бойчечакнинг шуъласи оғилхонага таралгандай бўлди.

Оғилхона жим-жит.

Оғилхона иссиқ.

Шу оғилхона меники!

Ҳамроҳларим чиройли кўзларин тикиб,

секингина қулоқ солишар менга.

Уларга энди ўқиб бераман «Лайли Мажнун»ни.

Оҳ, бу дунёнинг дардли қиссалари...

Ҳимраниб қўяди сигир...

Минграниб қўяди қўй...

Қушлар из солмай учишар самода.

Оғилхона меники,

Оғилхона иссиқ!

Шоир айтгандай

Одамга кўп нарами керак дунёда?



## ТУРФА ОЛАМ МЎЪЖИЗАЛАРИ

### Дароз эркаклар

Американинг Иллинойс штати Алтон шаҳрида 1918 йили 22 февраль соат 6<sup>30</sup> да туғилган Роберт Першинг Уодлоу тиббиёт тарихида энг баланд бўйли эркак ҳисобланади. Унинг туғилган вақтидаги вазни 3,85 кг эди. Унинг нотабий ўсиши икки ёшида қилинган мойқдон (грижа) операцияси туфайли бошланди. 13 ёшида унинг бўйи — 218 см, 17 ёшида 245 см. га етди. 1940 йили 27 июнда Вашингтон университетидagi Медицина мактабининг олимлари Роберт Уодлоунинг бўйи 272 см. га етганини аниқлашган. 18 кун ўтгач, 1940 йилнинг 15 июлида Уодлоу Мичиган штатининг Манисти шаҳридаги меҳмонхонада ўнг тўпигининг қабаришидан вафот этди. Уодлоу оёқларининг сезиш қобилияти чекланган бўлиб, сўнгги бор касалланганида ҳам у ўсишдан тўхтамаган эди. Агар яна бир йил яшаганида Уодлоунинг бўйи 274 см. дан ҳам ортиқ бўлиши мумкин эди. Унинг энг оғир вазни — 222,7 кг. 21 ёшга тўлган куни қайд этилган. Улими вақтидаги вазни 199 кг эди.

Энг баланд бўйли инглиз, Маркти Вейтонда, ҳозирги Хамберсайда туғилган Вилльям Борэдди (1787—1820) ҳисобланади. Унинг бўйи 236 см. эди. Джон Мидлтон (1578—1623) бўйи 282 см. деб ҳисобланарди, лекин ҳаётлигида қолдирган ўнг қўлининг изи (29,2 см) унинг ҳақиқий бўйи 236 см. га яқинлигидан далolat беради. Ноттингемдаги майхона хўжайини Алберт Бруг (1871—1919) бўйи 232 см. га етганди. Мъълум қилинишича, Фредерик Кемпстернинг (1889—1918) бўйи ўлими вақтида 255 см. экан, лекин фотосуратлар унинг бўйи 235 см. эканлигини кўрсатмоқда.

### Дароз аёллар

Аёллар орасида дарозлар эркакларга нисбатан камроқ. Тарихда энг баланд бўйли аёл Марказий Хитойнинг Южианг қишлоғида туғилган Зенг Лжинлиандир. У 1964 йил туғилган. Унинг нотабий ўсиши тўрт ойлигидан бошланиб, ҳали тўрт ёшга етмасданоқ бўйи 156 см (Роберт Уодлоунинг 5 ёшидаги бўйи билан солиштиринг) ва 13 ёшида 217 см. га етди. 1982 йилнинг 13 февралда вафот этган вақтида унинг бўйи 247 см бўлган.

Ҳозир яшаётган энг баланд бўйли аёл канадалик Сенди Аллен 1955 йил 18 июнь Чикагода туғилган. 1977 йили томоқ безлари операциясидан сўнг унинг бўйи (231,7 см) ўсишдан тўхтади. Ҳозир унинг вазни 209,5 кг. ни ташкил этади.

### Дароз эр-хотин

Канадалик Анна Ханен Свон (1846—1888) бўйи 245 см деб тахмин қилинарди, кейинги ўлчовлар унинг бўйи 227 см. эканлигини кўрсатди. 1871 йили у Лондонда америкалик бўйи 219 см. бўлган Мартин ван Бюрен Бейтсга (1845—1919) турмушга чиққан ва улар қайд этилган энг баланд бўйли эр-хотин ҳисобланарди.

### Энг узоқ яшаган миттилар

100 ёшли маррага етган фақат икки митти қайд этилган. Нью-Джерси штатидаги Ньютон шаҳрида туғилган венгер Сюзанна Бокони 1984 йили 24 августда 105 ёшида вафот этган. Унинг бўйи 101 см, вазни 16,78 кг эди.

Узоқ йил яшаган яна бир митти Мэтлока шаҳрида туғилган Анн Клоувз бўлиб, у 1784 йил 103 ёшга тўлиб оламдан ўтган. Унинг бўйи 114 см, вазни эса 21,7 кг бўлган.

Наргиза Мамадалиева  
тайёрлаган.

# СОВЕТОЛОГЛАР ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Миллий масалаларнинг ленинча таълимоти ва сиёсатига империализм идеологлари доим ҳужум қилиб келганлар. Улар бу таълимотни ҳақиқий аҳамиятини рад этиш, миллий озодлик ва мустақилликка эришиш учун курашаётган халқларни танлаган бу йўллари хато ҳамда амалий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмаслигига ишонтириш учун жуда кўп усулларни ишга солмоқдалар. Коммунистик партияизмининг XXVII съездида таъкидлангандек «Империализм томонидан олиб борилган «психологик уруш», агрессиянинг асосий формаси бўлиб, империализмининг бошқа халқлар мустақиллигини, тарихини, маданиятини поймол қилишдан бошқа нарса эмас».

Антикоммунизм ленинча миллий сиёсатга совет давлати ташкил топган биринчи йилларда жонжаҳдлари билан ҳужум қилиб келмоқда. Ғарбга қочиб кетган оқғардиячилар, миллатчилар, социалистик революциянинг сиёсий душманлари советларга қарши ташвиқот ишларига зўр бердилар. Шунга айтиш керакки, Улуғ Октябрь Социалистик революциясидан кейинги дастлабки йиллардаёқ ғарбда бу борада ўзинга хос алоҳида текшириш усуллари вужудга кела бошлаган эди.

АҚШда эса, бундай ишлар бўйича «ташаббусни» ҳукумат органлари ўз зиммаларига олишди. 1917 йилги октябрь воқеаларини обривизантириш учун президентнинг кўрсатмаси билан уйдирмалардан иборат «Сиссон ҳужжатлари» эълон қилинди. Сенатда эса, революциянинг демократияга, халққа қарши эканлигини исботловчи «далиллар» тўплаш билан шуғулланганидан махсус марказ тузилди. Америка оммавий ахборот воситалари дунёда биринчи социалистик давлат ҳақида ёлгон хабарлар тарқатди. Ҳукумрон доиралар совет мамлакатига қарши душманлик кайфиятини туғдириб социализмга қарши қуроли «салб юриш»лари ташкил қилиш билан бирга советлар мамлакатига тўғрисида «ишончли ахборотлар» йиғишга киришдилар. Бу масалалар билан Россия бўлимининг ходимлари шуғулланардилар. Кейинчалик Давлат департаментининг Шарқий Европа бўлими деб қайта номланган бу бўлимга Ригадаги АҚШ ваколатхонасида махсус тайёргарликдан ўтган кузатувчилар ҳамда 1919—1929 йилларда Герберт Гувер бошчилиқ қилган Америка маъмурий ёрдами деб аталадиган ташкилотнинг аъзолари фаолият кўрсатишди. Кейинчалик Герберт Гувер АҚШ президенти бўлиб сайланган.

30-йилларнинг бошларида СССР билан АҚШ ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилиши муносабати билан Америкада совет давлатининг тарихини ўрганиш учун янги имкониятлар вужудга келди. Уш пайтда Вашингтон университетидеда шарқни тадқиқ қилиш факультети очилди, 1942 йилдан буён эса Узоқ Шарқ факультети фаолият кўрсатиб келмоқда. 1934 йилда ташкил топган Америка Кенгаши тинчликсевар муносабатлар институти советчилар доирасига Россия тарихи курсини ишлаб чиқишда ёрдам кўрсатмоқда. 1939 йилда Корнелл университетига махсус рус программаси киритилди. Уш пайтларда Пенсилвания, Гарвард университетларида СССРда миллий масалалар мавзусида диссертациялар ҳимоя қилина бошланди, америкалик олимларнинг мамлакатимиздаги миллий масалаларга махсус бағишланган асарлари чоп этилди. 1933 йилда профессор Г. Кон «Совет Иттифоқида миллийлик» деган асарини эълон қилди. Профессор С. Хэрпер таҳрири билан «Совет Иттифоқи ва жаҳон муаммолари» монографияси чиқди. Монографияда «Совет Иттифоқида миллий сиёсат» деган алоҳида махсус бўлим бор эди. Миллатлараро муносабатлар ҳақидаги мақолалар «Советская Россия сегодня», «Американская обозрения Советского Союза», «Американский ежеквартальник о Советском Союзе» каби журналларида босилиб турди.

Совет давлати ҳақида, айниқса Урта Осиё республикалари ва Кавказ орти республикалари ҳақидаги маълумотларни тўплаб қайта ишлашда АҚШ билан бир қаторда Буюк Британияда ҳам шуғулланилди. Масалан, 20-йилларда Совет давлатини ўрганиш ташқи ишлар министрлиги қошидаги тадқиқотлар бўлимининг рус секциясида, ҳарбий миссияларнинг вакиллари, халқаро муносабатларни ўрганиш Қироллик институти, Лондон савдо тадқиқоти институтининг бўлими ходимлари ва бошқалар томонидан олиб борилди.

Иккинчи Жаҳон уруши йилларида советолог мутахассислар тайёрлаш ишлари Айдахо, Колорадо, Орегон штатларидаги университетларнинг базасида, Вашингтон университетиде ва АҚШдаги бир қатор коллеждларда, Альберт университетиде ва Британия Колумбиясининг Канада университетиде махсус армия ўқув программалари асосида амалга оширилди. Уруш йилларида Америка тарихчилиги СССРдаги

миллий муносабатлар муаммолари ҳақидаги янги-янги илмий ишлар билан бойиди. Мана улардан иккитаси: С. Блюмининг «Жаҳон миллатлари — Карл Маркснинг илмий ишларида миллий масалаларнинг тадқиқ этилиши» (Нью-Йорк, 1941), М. Чекалин «Совет Иттифоқида миллий масала» (Нью-Йорк, 1941 й), каби илмий ишлардир. Шунга таъкидлаб ўтиш лозимки, АҚШдаги кўпгина олимлар ленинча миллий масалаларнинг бузиб кўрсатилишига қарши чиқдилар. Бундай олимлар сирасига М. Хиндус, Вильямс, Беатриса Узбб, К. Лэмонт ва бошқалар қиради. Улар Совет Иттифоқи ҳақида тўғри ёздилар ва бу мақолаларини прогрессив журнал «Советская Россия сегодня» журналида эълон қилдилар. Бу вақтга келиб Буюк Британияда ҳам миллий масалалар ҳақида В. Коноллининг «Бугунги Совет Россияси», В. Колларзинг «Совет Ватанпарварлиги ва уруш» ва «СССР империями ёки дўстона муносабат», Е. Бейцнинг «Совет Осиёси: тараққиёт ва муаммолар» каби бир қанча мақолалар эълон қилинди.

Фашист босқинчилари устидан совет халқларининг қозонган ғалабаси, социалистик лагернинг вужудга келиши социализмининг ҳаётий кучини бутун дунёга кўрсатди. Кучлар нисбатининг янги шароитида империалистик мамлакатларнинг ҳукумрон доиралари СССРга нисбатан позицияларини ўзгартириб куч-қудрат орқали тазъинқ ўтказишга зўр бердилар. Уларнинг собиқ иттифоқчиларини энди душман деб қабул қилдилар. Бу даврда СССРга қарши «психологик уруш» программасини илмий ишлаб чиқишга кўп куч, ғайрат сарфладилар. Яна АҚШ антисоветизмининг пешқадамига айланди. 1946 йилда Колумбия, Сизлг шаҳридаги, 1948 йилда Гарвард, 1949 йилда Маркетдаги йирик университетларда, 1954 йилда Массачусет технология институти қошида Совет Иттифоқини ўрганиш бўйича биринчи ихтисослашган академик марказлар ташкил этилди.

Бир қанча Европа давлатларида ҳам советологларнинг «илмий» марказлари актив фаолият кўрсатининг. Бу борада Англиядаги Оксфорд университетининг «Авлиё Антония» колледжини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Бу даргоҳ инглиз разведкачилари, ҳарбий ташкилотларга, Би-би-сига антикоммунистик материаллар етказиб бериб туради. Урта Осиё илмий-тадқиқот маркази деб аталадиган «Муқаддас Антоний» колледжининг филиали ҳам Англия махсус хизмати қўл остида хизмат қилади. Бу марказнинг асосий вазифаси аҳолиси мусулмонлардан ташкил топган олти совет республикаси: Озарбайжон, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Қозоғистон халқларининг ҳаёти ва турмушини ўрганишдан иборат.

Антикоммунистик курашни олиб бориш учун Англия — Америка монополиялари илмий-тадқиқот марказларини, олий ўқув юртларини ўз қўлларига олганлар. Бунинг учун маблағ аямалилар. Бошқача қилиб айтганда монополистлар фан устидан ўзларининг қаттиқ назоратини ўрнатдилар. Советларга, коммунистларга қарши ташвиқот олиб борувчи марказлар ГФРда ҳам бор. Бу «илмий ташкилотлар» Австрия, Италия, Швеция, Туркия ва бошқа давлатлардаги ўзларига маслақдош ташкилотлар билан мустаҳкам алоқа бошлаган.

Францияда Совет давлати масалалари бўйича

шарқ тиллари ва маданияти Миллий институти ҳамда Париж олий амалий фанлар мактаби шуғулланади. Мактабга собиқ рус графи, эмигрант, СССРдаги исломнинг тарихи ва ҳозирги аҳволи бўйича мутахассис Александр Бонинсон раҳбарлик қилади.

Советология 60—80-йилларда янада ривожланди. Еш олимлар Урта Осиё республикалари тарихи муаммоларини ўргатувчи эски марказларга тажриба ўрганиш учун йўборилди, айримлари эса СССРда илмий командировкада бўлдилар. Уларнинг илмий ишлари советларга қарши руҳ билан сўғорилган, мен собиқ дипломат ҳозирда эса АҚШдаги Шимолий Арizon университетининг сиёсий фанлар профессори Л. Паулейде ва Англиядаги Бристоль университетида тажриба орттирган ҳинд буржуа олими Имомни кўзда тутаялман. Биз ўрганаётган даврда антисоветизмининг асосий қуроли мусулмонлар динини илмий дунёқарашга қарши қўйишдан иборат бўлди. Урта Осиё халқларининг қадим-қадимдан қон-қонига сингиб кетган мусулмонча урф-одатларига марксизм-ленинизм таълимоти мутлақо зид эканлигини буржуа советологлари жон-жаҳдлари билан исботлашга уринмоқдалар. Баъзи мусулмон давлатларидаги идеология оқимларидан фойдаланиб Урта Осиёдаги миллий муносабатларга путур етказишга қайта-қайта уриниб келмоқдалар.

Бутунжаҳон ислом лигаси ва Саудия Арабистонидеги Мусулмон ишлари министрлиги институти антикоммунистик фаолият олиб бормоқдалар. Улар коммунизмга қарши «муқаддас уруш» эълон қилдилар. Буржуазия тарихи фанида Советлар фаолияти янада интернационаллашиб бормоқда, бу жараённи идора қилиб бориш Америка Қўшма Штатлари зиммасидадир. Буржуа жамиятшунослигининг тарғиб ва фаншунослик функциялари бир-бирига қўшилиб кетиш тенденциялари тораб кучаймоқда. Бу ҳол СССРдаги миллий муаммоларга бағишланган симпозиумларнинг ишлари билан танишганда яққол кўзга ташланади. Уларни молиявий жиҳатдан таъминлашда халқаро информация Агентлигидан тортиб турли туман миллатчилик ташкилотларигача иштирок этишмоқда. Мақолага яқун ясаб шунга айтиш керакки, кўпчилик советологлари ишларида СССРда олиб борилаётган миллий сиёсатнинг демократик ва гуманистик моҳиятини бузиб талқин қилишга асосий урғу бермоқдалар.

Советологлар бизнинг муаммоларимизни зўр қизиқиш билан ёритмоқдалар, айниқса кейинги пайтлардаги воқеалар уларнинг тегирмонига сув қўйганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Эътироф қилиш керак, ҳақиқатан ҳам биз яшаётган палла анча мураккаб. Лекин идеалларимиз таназзулга юз тутгани йўқ. Аксинча халқлар ўз миллий туйғуларини янада чуқурроқ ҳис қилишмоқда. Буни бизга қайта қуриш берди. Қийинчиликлар-чи? Қийинчиликлар бор. Ахир революция осонликча амалга оширилмайди?

Биз мамлакатимизда ҳамма нарса яхши деб жар солишдан узоқлашиб кетганмиз. Ҳаёт ҳар куни, ҳар дақиқа ўзгариб турибди. Бемаъни ва ноҳойиз фикр сўқишларни ҳам ҳаётнинг ўзи инкор қилади.

**Д. ТЕМИРҲУЖАЕВ,**  
ТошПИ аспиранти.



Қизлар куйлаганда.

У. Қўшвоқов фотоэюди.

# МОСКВА ХАБАРЛАРИ

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган москвалик учта рок команда ҳозирча ватанимиз рок музикасининг иккинчи қаторида бормоқда, лекин мен журналнинг уч ой давомида тайёр бўлишини ҳисобга олиб, айни ўша рок командалар ҳақида ҳикоя қилишни лозим топдим. Сабаби, журнал чиққунча улар янада машҳур бўлиши ҳеч гап эмас-да. Биринчи группанинг номи жуда антиқа — «Бефаҳмлар» («Тупие»).



«Бефаҳмлар» группасининг вокалисти Дмитрий Голубев.

Ҳа, улар айни мана шу ном билан концерт беришмоқда. Бу группа ҳақида журналист Нора Зедден куйидагиларни ҳикоя қилди.

— Бу анча машҳур бўлиб қолган группа ҳақида ёзишни мендан илтимос қилишганда унинг номини эшитиб ёқамни ушлаб қолдим. Ахир биз «Аквариум», «Зоопарк», «ДДТ» каби номларга ўрганиб қолганмиз-да. Кутилмаганда «Бефаҳмлар». Қизик, бу қанақаси? Ўз-ўзини танқидми? Еки айниб кетишдан ўзини сақлашми? Бир нарса дейиш қийин.

Хуллас, мен миш-мишларга ва бировларнинг фикрига суянишни истамадим. Ўзим уларнинг концертига боришни ихтиёр қилдим. Кўрганларим эса менинг рок-музика ҳақидаги тасаввурим учун кутилмаган ҳол бўлди. Ёш-ёш, ёқимтой йигитлар. Ғалати кийинишиб олиб, менинг нуқтаи назаримда нотабий, кутилмаган музика остида ашула айтар, рақс тушардилар. Уларнинг орасида Осие ва Африка фольклори, Европа шлягери ва бошқалар бор эди. Бу куй ва қўшиқлардаги товушлар ва шовқинлар ҳамоҳанглиги киноя билан йўғрилган эди. Улар ҳар бир товуш, ҳар бир сўз билан ўз-ўзлари ва дунё устидан киноя қилар эдилар. Саҳнада бирин-кетин кишини ҳанг-манг қилиб қўядиган ҳар икки жинсга мансуб кишилар пайдо бўларди. Гоҳо ҳатто уларнинг жинсини ҳам аниқлаб бўлмасди. Улар саҳна бўйлаб ҳаракат қилишар, қагдайдир тушуниб бўлмайдиган имо-ишоралар қилишар ва кутилмаганда ғойиб бўлишарди. Бу саҳнавий чиқишлар музика билан уйғунлашиб кетар ҳамда ҳар бир қўшиқни беэза турар эди.

Мени, айниқса, барча юз бераётган воқеалардан, воқеликдан, сеҳрлангандек узилиб қолганлик ажаблантириб қўйди. Гўё саҳнадаги одамларнинг ҳаммаси бошқа, сеҳрлаб қўйилган мамлакатда яшаётгандек туюларди. Бу олам ўзига тортар, киши эса бу оламга киргиси, у ерда умрбод қолиб кетгиси келарди. Томошабинлар эса қўшиқнинг ҳар бир сўзига, ҳаракатларига тақлид қили-

шар, артистларни қийқириқлар ва олқишлар билан қўллаб-қувватлашарди. Мени яна шу нарса ажаблантирдикки, концертда ҳали мурти чиқмаган ўсмирларгина эмас, кўпни кўрган, 30 ёшдан ошиб кетган одамлар ҳам бор эди. Улар ҳам ўз жойларида ўтирганча сакрар, ҳаяжонланар, ўзларини болалардек ҳис қилишарди. Концерт охирида эса группани ярим соат давом этган олқишлар билан табриқладилар. Буларнинг ҳаммасини тушуниб, ўрганиб, билиш учун улар билан учрашиб, суҳбатлашиш керак эди. Бироқ мен болалар билан концертдан бир ой ўтгандан сўнггина учрашишга муваффақ бўлдим.

Дима Голубев, группанинг асосчиси. Қўшиқчи ва қўшиқларнинг автори. — Менга группа фаолияти қачон бошлангани ҳақида гапириб беришга дарров рози бўлди. Унинг юзидаги табассумдан унга бу мавзуда гапириш жуда маъқул тушишини сезиб олдим. Аввало Дима билан яқиндан танишиб олайлик. У Москва Давлат Университетининг философия факультетига, рассомлик билим юртида ўқиган, бир даврий нашриётда редактор бўлиб ишлаган. Ҳозир асосан музика билан шуғулланади. Бироқ сурат чизишни ҳам ташлаб юборгани йўқ. У нималар билан қизиқасиз деган саволга ҳашаротларни кўпайтиришни ёқтиришини айтди.

Шундай қилиб, у «Бефаҳмлар» группасига қадар яна бир группада — «Хаос—Валет» деб аталадиган группада шуғулланганлигини гапириб берди. У, асосан, мактабдаги дўстларидан иборат бўлиб, 1978 йилдан 1985 йилгача норасмий равишда иш олиб борган. Сўнг қисқа вақт давомида «Ларен Глэм» — группаси билан ҳамкорлик қилган. Сўнг у музикачилар қидирди, ва ниҳоят — 1986 йил куздан бошлаб «Бефаҳмлар» группасини ташкил қилди.

Д. Г.: Бу ном менинг «УИИХЪ» журналида босилган мақолада тилга олинди. У мақолада мен турли группаларни қаттиқ танқид қилдим. Ўшанда бу ном менга жуда ёқиб қолди. Ва мен бошқа ном қидириб юришнинг ҳожати йўқ деган фикрга келдим. Бунинг устига биринчи концертимиз бизнинг барча умидларимизни оқлади.



«Крематорий» группасининг барабанчиси Андрей Сараев.

Мухбир: — Дима, ижодий методларингиз ҳақида ҳам икки оғиз гапирсангиз?

Д. Г.: Қўшиқни мен ижод қиламан, лекин ҳаммамиз унга сайқал берамиз. Биз ижро этадиган қўшиқларнинг аксарияти ёзилганига анча вақт бўлган. Лекин улар ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ҳозир нафақат сўз билан, ҳар бир товуш билан ҳам қулиш имконияти пайдо бўлди. Биз, назаримда, турли ёшдаги ва социал табақадаги одамларга маъқул бўляпмиз, зеро, томошабинга маъқул бўлиш ҳамма вақт ҳам санъат

учун муҳим мезон бўлиб келган. Мен яна шуни айтмоқчиманки, биз ижоднинг ғайри инсоний жиҳатларига ўз методимиз билан курашмоқдамиз. Расман мен чиқишларнинг театрлашган ҳолда бўлишларини яхши кўраман. Музика ва балетнинг сеҳрли равишда уйғун бўлиб кетишини жуда-жуда истайман.

У кўп гапирди, бироқ ҳаммасини ҳикоя қилиб бериш мумкин эмас. Мен энди группанинг бошқа қатнашчилари ҳақида ҳам оғина гапириб ўтмоқчиман.



«Бефаҳмлар» группасининг барабанчиси Александр Варновский.

Дима Якомульский — гитарачи. Музика асбоблари ясаш билан шуғулланади, кичик укасининг группасида продюссер бўлиб ишлайди.

Саша Вороновский — барабанчи. Моҳир пианиночи, классик музика — Сибелиус, Брамс, Вагнер асарлари унинг жони-дили. Саша Дима Голубевнинг кадрдон дўсти, ҳаммиша у билан бирга, унинг барча музикавий экспериментларидан бохабар бўлса-да, ўзи бу экспериментларда сираям қатнашмаган, узоқ изланишлардан сўнг мен музикани фақатгина барабанда ижро этишга қодир эканман, деган қарорга келган.

Костя Золотайкин — басчи. У муҳаррир бўлмоқчи эди, лекин музикага бўлган муҳаббати устун келди. Жазга ҳамда сураткашликка қизиқади.

Группанинг барча қатнашчилари музикавий шаклларнинг янада ривож топишига катта умид боғлашади ва ўзимиз истаган нарсага албатта эришамиз, деб ҳисоблашади.

Қуйида биз тўхталадиган икки коллектив сабаб ва оқибат қонунига кўра бир-бири билан боғланган.

«Крематорий» 1984 йилда ташкил топган. Группанинг асосчилари — Армен Григорян ва Виктор Троегубов бу оғир ва ғамгин номни Аристотелдаги «катарсис» тушунчаси орқали изоҳлашади. Катарсис Аристотелда оғир кечинмаларга дуч келган инсон руҳининг алоҳида ҳолати бўлиб санъат таъсири остида қўрқув ва ҳамдардлик орқали покланиш йўлида вужудга келади. Музика ва олов эса қўрқув ва ҳамдардлик синоними бўлиб майдонга чиқади.

«Крематорий»нинг биринчи маҳсулоти «Губорли хотиралар» деб аталадиган магнитальбом 1983 йил чиқди. Яна уч ойдан сўнг, 1984 йили март ойида «Крематорий» — 2\* мухлислар қўлига тегади ва группа Москва рок лабораториясига (МРЛ) киришга қарор қилади. Бу пайтга келиб улар ритм-компьютер ва электрогитарали бўлган эдилар.

Учинчи магнитальбом — «Сирли олам» 1986 йил чиқади ва «Америка», «Таня», «Қизалоқ» ҳамда «Бизнинг давримиз» қўшиқлари туфайли москвалик тингловчиларнинг қалбини ром этишади.

«Умид» фестивалида эришган ғалабаси эса уларга Москвадаги етакчи группа деб аталиш ҳуқуқини берди. «Ахлатли шамол» қўшиғи группанинг радио ва телевидениенинг ёшлар программасида янграган биринчи қўшиғи бўлди.

1988 йил январда тўртинчи альбом «Кома» дунёга келди ва группанинг номи Москвадан ташқарида ҳам кўпчиликка танилди. Тўртинчи альбом билан қарий бир вақтнинг ўзида «Дим» («Тутун») группаси ташкил топди. Бу группага «Крематорий»дан гитарачи Виктор Троегубов, басчи Сергей Пушкарев ва скрипкачи Вадим Сараладзе ўтишган эди. Шундай қилиб, «Дим»да крематорийчилар кўпайиб кетишди.

Бу икки коллективни ўзаро қиёслаганда «Кре-

## «СИЗЛАРГА ҚЎШИҚ ТУҲФА

## ҚИЛГАНИМДАН БАХТИЁРМАН»

маторий» да сатира, «Дим» да эса фалсафа устун эканлигини кўрамиз. Группаларнинг программасида мутлақо турлича бўлган оқимлар — скрипка билан ижро этиладиган акустик усулдаги катъий оҳангли ҳамда аниқ мазмунга эга бўлган жаз-рок унсурларини топиш мумкин.

Журналист буни арт-рок деб атаган эди, лекин группаларнинг услубини аниқ белгилаб бера олмади.

Бир йил катта муддат эмас, лекин шу вақт ичида «Дим» «Московский комсомолец» газетасининг «Товушли йўллар» («Звуковые дорожки») анъанавий конкурсида ғолиб чиқишга эришди.



## Ленинград янгиликлари

Шу йил баҳорда «Аврора» журналига қарашли «Музыкали эпистоляр» да — энг мўътабар расмий рок-манба — ҳаваскор магнитальбомларнинг конкурси якунланди. Конкурс қарийб икки йил давом этди. Мамлакатимизнинг турли томонларидан ўборилган 210 фонограмма — улар орасида Қўқон шахрининг «Карат» группаси ҳам бор эди — кўриб чиқилди.

Конкурс қатнашчиларининг ярми — 101 нафари — Москва, Ленинград, Свердловскнинг эътироф қилинган рок-марказларидан келган эди.

Барча музыкавий материалларни тинглаб эшитишга ҳаммаси бўлиб бир ҳафта кетди. Бир вақтнинг ўзиде ўзига хос социологик тадқиқот ўтказилди. Маълум бўлишича, конкурс қатнашчиларининг ёши 18—19 ва 24—25 да экан.

70 коллектив турли даражадаги дипломлар билан тақдирланишди. Уларнинг ҳаммаси эмас, балки биринчи даражадаги диплом билан тақдирланганларни санаб ўтамиз.

1. «Алиса» (Ленинград): «Блок Ада» (87)
2. «Водопад» (Верхотурье, Свердлов. обл.): «Рухни сақланг» (87).
3. «Восточный синдром (Магадан) «13 студия» (87)
4. «Кино» (Ленинград) «Қон группаси» (88)
5. «Телевизор» (Ленинград): «Иллюзиялар юрти» (87)
6. «Чай-ф» (Свердловск) «Дермантин» (87)

## Рок-календарь

Юбилейлар бу гал озроқ. Учтагина санани изохлаб ўтамиз.

19 августда афсонавий Жинжер Бейкер 50 ёшга тўлади. 60-йилларда «Лайф» журнали у ҳақда шундай деб ёзган эди: «Бейкер ҳатто телеграф устуни билан ҳам музыка чалиши мумкин». Уша пайтларда у ундан кам афсонавий бўлмаган Жек Брюс ва Эрик Клэптон билан ажойиб учлик бўлиб концерт беришган эди. Кейинчалик Бейкер машҳур «Блайнфэйс», «Эйр Форс», «Фила Рэнсом Кьюти», «Солт», «Байкер Гурвуту Арми» ансамбллари тузади, 80-йилларнинг бошларида яна «Байкерэндбэнд» учлигини барпо қилади. Бейкер — шундай музикачики, танқидчилар уни яқдиллик билан дунёдаги энг яхши музикачилардан бири дейишади.

Бундан ташқари, 10 августда беназир ва бетакрор «Йес» ансамблининг кўшиқчиси Ион Андерсон 42 ёшга тўлади.

1 августда Томми Болин агар у 25 ёшида героини кўп истеъмол қилганлиги орқасида нобуд бўлмаганида 38 ёшга кирган бўлар эди. Бу воқеа 1976 йил, 4 декабрда «Ньюпорт» отелида (Майами, АҚШ) юз берди. Тони Болин «Дип Пепил» ансамблини йўққа чиқарган гитарачи сифатида тарихга кирган. Чунки гиёҳвандликка ружу қўйганлиги учун унинг айби билан ансамбль Янги Зеландияга ва Японияга гастролга бора олмай қолди. Шундан сўнг 1976 йил, 6 июлда газеталар «Дип Пепил» тарқаб кетганлигини расмий равишда эълон қилди.

А. ПОПОВ

Ота-оналари уни қобил, китобларни кўп ўқийдиган ақлли, оғир-вазмин одам бўлади деб ўйлашарди. «Мендан ақлли одам чикмади» жўрттага хўрсиниб қўяди Игорь. Тақдир унинг ҳаёт йўлини бутунлай ўзгартириб юборди. Ҳаёт тугилиб ўсган кадрдон Южно-Сахалинскда композитор И. Якушенко билан танишгач, бўлажак эстрада кўшиқчиси устознинг маслаҳатига кўра Москва консерваторияси қошидаги музыка билим юртига ўқишга киради, музыка назарияси билан шуғулланади, классик асарларни тинглашга шўнгиб кетади.

Лекин... ажойиб кунларнинг бирида, буни қарангки, эстрадага ўтиб кетади. Бебошликми? Ким билади, дейсиз...

Игорь Николаев 1980 йили эндигина ташкил этилган «Рецигал» ансамблига қабул қилинади. Алла Пугачева билан қизиқарли ишларга қўл уради. Донг тартган кўшиқлар — «Ҳикоя қилиш», «Қушлар» ва «Айсберг» ни ёзади. Унинг кўшиқларини Валерий Леонтьев ҳамда Александр Баркин ижро эта бошлайдилар.


Унга «Нима учун сиз Алла Пугачеванинг кўшиқлар театрида ишламайсиз?» деган саволни тез-тез беришади.

— Мен бу кўшиқчини жуда севаман. Ундан олам-олам ижодий қувват оласан, киши. Лекин баъзан у билан ёнма-ён турганида сенинг шахсинг иккинчи планга ўтиб қолганлигини беихтиёр сезиб қоласан. Мен буни истамайман. Пугачеванинг кўшиқлар театри, барибир, бир актёр театридир. Мен уни чуқур ҳурмат қиламан ва миннордорман, бироқ мустақил ишлаганим дуруст. Айтгандай, Алла Борисовна иккаламининг янги кўшиқларимиз ҳадемай эферга чиқади...

Игорнинг номи мамлакатимиздан ташқарида ҳам оммалашиб кетган. Бир қараганда оғир, босиқ шведлар ҳам унга бошқача меҳр қўйишган. Сиз «Якоб нарвони» («Лестница Якоба») кўрсатувини кўргансиз. Яқинда Игорь Николаев швед юлдузи Лиза Нильсон билан биргаликда «Аквариус» номли миньон ёздиришди, у Европанинг ўн иккита мамлакатада чикди.

Чет эл сафарлари, шубҳасиз, зўр. Аммо бундан Николаев ватандошларини менсимас экан, деган ўйга бормаслик керак. Унинг иттифоқимиз бўйлаб сафарларининг географияси анча кенг.

Теннис унинг жони-дили. Шунинг учун у ракеткасини доимо ўзи билан олиб юради, концертлар ўртасидаги танаффусларда машқ қилишни қанда қилмайди.



Композитор ва кўшиқчи Игорь Николаев.

Шу йил апрелида Игорь Николаев Тошкентга келди. В. И. Ленин номли Ҳалқлар Дўстлиги саройи уч кун давомида томошабинлар билан роса гавжум бўлди. У имконият туғилган заҳоти Ўзбекистонга яна келишга сўз берди.

В. БЕЛЬЧЕНКО



Дугоналар

Умарали Қўшвоқов фотоэтиди.




«Еш куч» журнали 1989 ва 90 ўқув йилида ҳам «Ихтиролар сандифи» конкурсни давом эттиради. Биз ўтган ўқув йилида ўтказилган конкурсни якунлаганимиз йўқ. Сабаби жуда кам ихтиролар келди. Бу ўқув йилидан эса умидимиз катта. Марҳамат, азиз ўқувчилар, ёшлар, таклиф ва ихтироларингиз билан конкурсда қатнашинг. Ҳолиблик бу — энг яхши ишларни эълон қилинишидир. Уз сирли муюфотларимиз ҳам бор. Ҳа, «Еш куч»га обуна бўлишини ҳам унутманг.

Иқтисод фанлари номзоди  
Қудрат ДУСТМУҲАМЕДОВ таҳрири остида.

### «Олма терувчи», «Арғимчоқ» ва «Бетон қорувчи»


«Ихтиролар сандифи»нинг фаолларидан бири тошкентлик М. К. Сапарбеков ирригация институтидagi сиртки бўлим талабасидир. У олма теришда ишлатиладиган қайчи ихтиро қилган эди. Шундан сўнг Сапарбеков яна иккита ихтиронинг жуда мукамал чизмаларини юборган.

Улардан бири — боғларда ўрнатиладиган доира бўйлаб айланадиган арғимчоқларнинг электр ишлатмасдан, дам олувчиларнинг қўл кучи билан ҳаракатланадиган кўриниши. Чизма шундай аниқлик билан ишланганки, бевосита заводда ишлаб чиқаришга жорий қилаверса бўлади. Мураккаб чизмани журнал сажифасида бериш қийин. Қизиққан ташкилотлар, кооператорлар, пудратчилар бўлса, «Еш куч» редакциясига мурожаат қилишлари мумкин. Иккинчи ихтиро, «Бетон қорувчи» деб аталади ва икки хил кўринишда берилади. Шахсий уй қурилишларида ишлатишга қулай. Уй шаронтида ясаб олиш имкони ҳам бор. (Расмларга қаранг).



БЕТОН ҚОРУВЧИ (1-хил)  
1-айлантиргич 5-галтакча  
2-тишли гилдирак 6-гилдиракча  
3-бўчка 7-мурувват  
4-айланиш сирти 8-таянч

# КОНКУРС ДАВОМ



### Лампочкаларга иккинчи умр

Хурмати редакция! Мен лампочкаларни такомиллаштириш борасида бош қотириб келаман.

Куйидаги рационализаторлик таклифимни сизга маълум қилмоқдаман, зора сизнинг кўмагингизда амалга ошиб қолса.

Маълумки, лампочкалар ишдан чиққач, ташлаб юборилади. Бунга маълум хом-ашё, меҳнат сарфланган.

Мени таклифим бўйича чўғланма лампага яна битта чўғланиш толаси автоном ҳолда қўшиб, лампа цокоliga озгина ўзгариш киритилади, холос. Бу фикр расмда ифодаланган.

Утказгич (3) лампанинг металл цокоliga бирлаштирилган. Бошқа ўтказгичлар (1 ва 2) эса мос равишда А ва В контактларга уланган.

Д пробка ёрдамида С контактини А ва В контактларига улаш имконига эга бўламиз. Пробкани лампадан ажратиб олиш ҳам мумкин.


Уни дастлаб А контакт билан, биринчи чўғлам куйгач эса, В контакт билан уланадиган ҳолатда жойлаштирамиз. Дастлаб пробканинг С контакти А контакт билан уланади 1-чўғлам ишчи ҳолатда бўлади. Бу чўғлам куйса, пробканинг С контакти В контакт билан уланадиган ҳолатда жойлаштирамиз. Лампа 2-чўғлам билан ишлай бошлайди. Ана шундай қилиб лампочкалар умрини узайтиришимиз мумкин.

Худди шу усул билан кундузги ёритиш лампаларини ҳам осонгина ўзгариш мумкин.

Агар завод ана шу таклиф асосида лампочкалар ишлаб чиқара бошласа, олдинги лампочкалардан самаралироқ лампаларга эга бўлар эдик. Ҳозирги вариантда лампаларнинг 2 донаси 1 сўм 04 тийин бўлса, (1 донаси 52 тийин), менинг таклифимдаги лампочка 60—70 тийин бўлиши мумкин. Лекин, яна бир умр бериш йўли билан арзон лампага эга бўламиз.

Завод менинг таклифим бўйича қанча лампочка ишлаб чиқарса, шунча лампочка ишлаб чиқаришга сарфланган ҳарajat тежалиши мумкин.

Тоҳиржон УСМОНОВ,  
Фарғона область, Охунбобоев район,  
45-ўрта мактаб, катта ўқитувчи.



### Кодоскопга

### қўшимча мослама

Мактаб ислоҳотида ўқитиш, ўргатиш ва тарбиялаш ишида техника воситаларидан унумли фойдаланиш вазифаси илгари сурилди.

Фан ва техника ривожланиб борар экан ўқитишда техника воситасининг янги турлари яратилиб турилади.

Шундай воситаларнинг энг қулай турларидан бири эпидиаскоп ва кодоскоп проекторларидир. Бу проекторлар ҳар бир ўқув юртида кўп сонда мавжуддир. Айниқса кодоскоп кенг қўлланилади.

Эпидиаскоп икки вазифани, яъни «эпи» ва «диа» тасвирларни узатади. Кодоскоп эса, бир вазифани — шаффоф жисмлардаги тасвирларнинг проекцияларини экранга тушириб беради.

Эпидиаскоп лампаси тез қуяди. Уни 2—3 минут ишлатиш мумкин, холос.


Бу проекторни узоқ ваqt ишлатиш қийин. Кадаскопнинг ёруғлик кучи катта. Узоқ ваqt ишлатиш имконияти мавжуд.

Мени таклифим: кадаскоп проекторига қўшимча эпипривставка ишлаб чиқарилса, дейман.

1 — Ости очик эпипривставка корпуси. Кодоскопдан чиқаётган ёруғлик оқими очик жойдан 3 эпипривставкага тушади. Эпипривставка 5 тутқич (қисқич) ва 4 шиша ёрдамида тутиб турилади. Ҳосил бўлган тасвир 2 объектив орқали экранга узатилади. Эпипривставкани остки юзаси, кодоскопнинг ёруғлик чиқувчи юзига тенг бўлади.

Зарурат бўлганда эпипривставка кадаскоп устига қўйилади-да, экранда эпипривставка ҳосил қилинади.

Ана шундай қилиб кодоскоп икки вазифани бажара олади. Бу билан кодоскоп проекторининг самарадорлиги ортади ва кузатиш имконияти яратилади. Мен, заводлар кодоскоплар учун эпипривставкалар ишлаб чиқаришларини таклиф этаман.





# ЭТАДИ

Гугурт қутиларни

ташламанг!


Илдиздан

суғориш

Мен илдиздан суғоришнинг арзон йўлини топдим. Тупроқ остига қамишдан тўқилган қувурлар ётқиизиш керак. Ингичка қувур каттароқ қувур ичига жойлаштирилади, уларнинг ораси турли чиқиндилар: қоғоз, латта-лутта, тери қийқимлари, пахта қириндиси, гўнг, майдалаб туюлган хашак ва бошқа нарсалар билан тўлдирилади. Ингичка қувурга ҳар ер-ҳар ерда тик найча туташтирилган бўлиб, унинг учи ер сатҳидан чиқиб туради (сув қуйиб туриш учун). Қувурлар баҳорда, ер ҳайдалгач маълум оралиқда ётқизилади ва устидан тупроқ тортилиб, кўчатлар экилади. Дала четига ўрнатилган сувли минорадан тортилган резина ичаклар ёрдамида тик найчаларга оз-оздан сув қуйилса кифоя, экин суғорилди ҳисоб (Албатта, кўл меҳнати кўпроқ талаб қилинади).

Мавсум тугагач, ер ҳайдаш пайтида, қувурлар тупроққа чиринди бўлиб, аралашиб кетаверади. Энди қувурларни ясаш ҳақида икки оғиз сўз. Маълумки, деҳқонлар қиш фаслида дала ишидан озод. Ана шу даврда қамишдан қувурлар ясаш имкони бор. Албатта, махсус жиҳозланган цехлар зарур бўлади, қамишзорларни йўқотиб юбормай, асар қилиш ҳам керак. Уйлаб кўрилса, илдиз остидан суғориш сувни тежаш билан бирга, яна кўпдан-кўп фойдали оқибатларга олиб келишига ишонч ҳосил қилса бўлади.


Сайфиддин ҚАЛАНДАРОВ,  
Бухоро области, Қоракўл район,  
Ф. Хўжаев номи колхоз.



Келин-куёвларга маслаҳат

Кўпчилик келин-куёвлар тўйда соч тарами қотиб, ялтираб туриши учун «Прелесть» деган модда сеппишади. Бу химиявий модда соч илдизига ёмон таъсир қилади. Унинг ўрнига ўсма сувидан фойдаланган яхши, ўсма сочни қорайтирадиям, қотирадиям, ҳам илдизни мустаҳкамлайди. Упа-элик чиқарадиган фабрикаларга ўсма сувини сепадиган идишчалар чиқаришни тавсия қиламан.

Сайёра НУРИТДИНОВА,  
Самарқанд, Каттақўрғон, биолог.




Гугурт қутичаларни бир-бирига елимлаб ажойиб ғаладон ясадим. Унинг қутичаларига турли-туман майда буюмлар; тугма, шайба, мурват ва ҳоказоларни солиб қўйилса, керак бўлиб қолганда қийнамай топиб олиш мумкин.

Бахтиёр БОЗОРОВ,  
Сирдарё, Боёвут,  
Димитров қишлоғи, 8-синф ўқувчиси.

Ёқилғи.

ўрнига — магнит



Қутблари бир хил бўлган магнитлар бир-бирдан итарилади. Худди шу ҳодисадан фойдаланиб, иш бажариш мумкин. Масалан, автомобиль двигателидаги поршеньлар орқали. Бунда ёқилғи ҳам керак эмас. Расмда кўрсатилгандек, цилиндр тепасига кўзгалмас ва доимий магнит ўрнатилади, алюминдан ясалган поршень ичиде эса ўзгарувчан ток ёрдамида ўзгарувчан магнит қутблари ҳосил қиламиз. Натижада поршень гоҳ цилиндр тепасига тортилади, гоҳ ундан итарилади, яъни ҳаракатга келади. Бу ҳаракат ёрдамида иш бажариш мумкин.

Равшан РАСУЛОВ,  
Косон,  
40-хунар-техника билим юрти талабаси.

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳозирги электр двигателлари худди шу тартибда ишлайди, фақат уларда поршень эмас, ротор ҳаракатга келади, тўғри чизиқли эмас, айланма ҳаракат қилади.

## САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ ҚАЙТАРАМИЗ

— Оилада етти фарзандимиз. 1977 йилда отам Ҳасанбой Ҳафизов бизни ташлаб автомобиль инспекцияси ходими Тожихон Мусаева билан турмуш қурди. Ҳозир тўрт нафох фарзандлари бор. Бизга отамиз 1987 йилнинг августидан бошлаб эллик сўмдан, баъзан эса ўн сўмдан нафақа тўлай бошлади. Бироқ бу пул нимага етади? Устига-устак ота меҳрига зормиз. Икки опамни турмушга чиқардик, мен уйландим. Бироқ отам ҳеч биримизнинг тўйимизга келмади. Ҳозир касалманд бўлиб қолганман. Бизларга ким ёрдам беради?

Илҳомжон ҲАФИЗОВ,  
Наманган шаҳри, Зарафшон кўчаси.

— Турмуш — инсоннинг шахсий ҳаёти — чекига тушган бахт ёки бахтсизликдир. Бу ерда отангизнинг, на милиция ходими бўлган аёлнинг ҳаракатида қонунга хилофлик йўқ.

— Уғлим шофёр, такси ҳайдарди. 1987 йилнинг қишида шаҳар марказий кўчасидан ўтаётганда олди-дан бир аёлни ўтказиб юборган. Аёл йўл ўртасидаги чизикда тўхтаган. Шу пайт уғлим машинаси қарши-сига нон ташийдиган юк машинаси тўғри бостириб келаверган. Масофа яқин қолганда машина бирдан йўналишини ўзгартирган. Аёл ўртада қолиб кетиб, ўзини орқага олган. Натижада юк машинаси уғлимнинг машинаси билан тенглашиб, аёл ҳалок бўлган. Гувоҳлар юк машинаси аварияга сабаб бўлганини айтишди. Чунки пассажир машина олди-дан келиб яқин масофада яна ўз йўлига чиқмаганида фожиа ҳам содир бўлмасди. Терговда бирдан ишни ёпиш учун саккиз минг сўм, судда эса беш минг сўм сўрашди. Бермагандик. Уғлимни олти йил қамоқ жазосига ҳукм қилишди.

Адолат қайда?

Светлана БЕКЧОНОВА,  
Хоразм области,  
Урганч шаҳридаги Ал Хоразмий кўчаси.

— Агар суд ва терговдан норози бўлсангиз қонун берган ҳуқуқлардан тўла фойдаланишингиз лозим эди. Сиздан ишни ётқиизиш учун пул сўрашганда бунга дарров рози бўлиш ва дарҳол ариза ёзиш керак эди. Шунда порохўр тумшугидан илнарди.

— Қизим Саодат Набиева 8-синфда ўқирди. 1988 йилнинг ёзида Давлат имтиҳонларининг бирини топшириб уйга қайтаётганда синфдошлари Зокир Каримов ва унинг амакиваччаси Зафарлар қизимни уриб, унга тан жароҳати етказишибди. Бундай ҳўрликларга чидай олмаган Саодат ўзини осиб ўлдирди. Район ва областда ишимизни адолатли ҳал қилишмади. Жиноятчи ўсмирларга ҳеч қандай чора кўрилмади. Ургут район халқ депутатлари қошидаги «Вояга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси» 25 сўм жарима солишга ва тарбия қилиш учун ота-онаси ихтиёрига топширишга қарор қилди.

Ким ишни тўғри ҳал қилиб беради?

Саломат АМИНОВА,  
Самарқанд области,  
Ургут райондаги Октябрь колхоз.

— СССР ва иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари асослари ва жиноят кодексига биноан жиноят субъекти 16 ёшга тўлган шах бўлиши кераклигини назарда тутсақ, болалар жинойи жавобгарликка тортилиши ва суд қилиниши мумкин эмас. Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга ҳавола қилиниб, қонуний иш қилинган.

Саволларга республика прокурорининг ёрдамчиси,  
адлия катта маслаҳатчиси  
Файзулла ҚИЛИЧЕВ жавоб берди.

Ёш ихтирочилар, математиклар, физиклар ва химиклар диққатига

1989—90 ўқув йилида ҳам «Ёш куч» саҳифасида мазкур фанлар бўйича сиртқи олимпиадалар давом этади. Олимпиада дипломлари ўқувчиларни олий ўқув юртиларига кичришлари учун маълум даражада имтиёз беради.

Унда қатнашаман деган ўқувчи альбатта «Ёш куч»га 1990 йил учун август-сентябрь ойдан кечикмай обуна бўлишлари керак. Обуна баҳоси бир йилга 4 сўм 20 тийин. Журнал индекси: 75242. Сизга қўлайлик бўлсин учун, журналнинг 31—32 саҳифаларида обуна варақасини босялмиз. Уни тўлатиб яқинроқ союз печатга олиб борсангиз бас. Бундай варақалар союзлечатда ҳам бўлади. Ўз журналнингизга ёзлишга шошиллинг.

## В. И. ЛЕНИН ОИЛАСИДА МАТЕМАТИКА

В. И. Ленин математикага умрининг охиригача қизиқиб келган ва доимо шуғулланган.

В. И. Лениннинг онаси Мария Александровна 1863 йили мустақил тайёргарлик кўради. Қисқа муддат ичида имтиҳон топшириб, халқ ўқитувчиси деган унвонга эга бўлган. Нозик муносикий истеъдод эгаси Мария Александровна беш-олти ёшли Володяга музикадан савод бериш билан бирга оддий касрлар ҳақида тушунчалар бериб борарди. Роялда бутун, ярим, чорак ноталардаги товушларни аниқлашга ундар эди.

В. И. Ленин математика билан отаси Илья Николаевич Ульянов раҳбарлигида жиддий шуғуллана бошлади. Илья Николаевич ёш Володяга Лобачевский ҳақида гапириб берди, шу билан бирга Лобачевскийнинг кашфиётлари ҳақида тушунчалар бериб борди, ўша даврдаги таниқли математикалардан Яковлев ҳамда чуваш математиги Охотников билан таништирди.

Илья Николаевич Ульянов 1853 йилда «Клинкерфюса кометаси орбитасини аниқлашда Ольберса усулини қўллаш» деган темада диссертация ёқлаб математика фанлари кандидати деган илмий даража олган. У 15 йилга яқин Пенза дворянлар институтида математика ва физикадан дарс берган.

Илья Николаевич Ульянов ўқитувчи ва инспектор сифатида ўз болаларини математика фанига бўлган қизиқишини орттириш мақсадида доим улар билан шуғулланар ва математика фанидан қўшимча дарс ташкил қилишга раҳбарлик ҳам қилар эди.

Математика фани билан Владимир Ильич Лениннинг акаси Александр ва онаси Анна ҳам шуғулланар эдилар.

Ульяновлар оиласидаги математикага муносабатни Александрнинг хатидан олинган қуйидаги сатрлардан ҳам билиб оلسа бўлади.

«Отам кўпдан бери орзиқиб юрган «Математик софизм»и брошюрасини юборяпман. Агар Володя бу софизм билан мустақил равишда шуғулланса, унга ҳам фойдадан ҳоли эмас», деб ёзган эди Александр.

В. И. Лениннинг холаваччаси ва яқин дўсти Н. Веретников бутун умр физика ва математикадан дарс бериб келган.

Тоҳида Кокучкинада В. Ульянов билан Н. Веретников ўртасида ўзига хос «Математик мусобақа, яъни беллашув» бўлар эди.

Бу беллашувга масалаларни Илья Николаевич берар, танлар эди. Масалаларда қишлоқ, ўрмон, дарё қир-адирлар, деҳқонлар ҳаёти акс эттирилган бўлиб, бу масалаларни ечиш учун зийраклик, топқирлик, зукколикни талаб

қилар эди. Бу билан Илья Николаевич ўз ўғлида атрофдаги ҳаётга Н. К. Крупская ибораси билан айтганда «математик кўз ойнагидан қараш» қобилиятини ўстиришни кўзда тутган эди.

И. Я. Яковлев Ульяновларни келганда доим кичик Володя билан ўйнашиб уни зериктирмасликка ҳаракат қилар эди. Унга ҳазил-масалаларни ечишни таклиф қилар эди. Шулардан бири, «Битта ва яримта балиқ бир ярим тийин турса учта балиққа қанча пул тўлаш керак?», шунга ўхшаш ва ҳоказо масалалар.

В. И. Ленин ўз синфида биринчилардан эди. Айниқса математикадан уни олдига тушадиган ўқувчи топилмаган. Владимир Ильичнинг синфдош ўртоқларидан бири М. Ф. Кузнецов шундай ҳикоя қилади: — «Володя математика фанини жуда яхши кўрар эди. У синфдош ўртоқларига ёрдамни аямас эди. Масалалар тўпламидаги масалаларни ҳеч қийналмасдан тўғри ва осон йўл билан ечар эди. Қизиги шундаки бу масалаларни ечиш етукли аттестат учун мўлжалланган эди. В. И. Ленин туфайли гимназияда «математикани севувчилар» тўғраги ташкил қилинди. Натижада бу фанга қизиқиш орта борди. Математика ўқитувчиси Федотченко болаларни қизиқтираолмас, дарслари зерикарли, дарсни назарий қисми ўтиб, амалий қисми, яъни масалалар ечиш, машқ қилишларга унча эътибор бермас эди. Володя раҳбарлиги остида жуда кўп қийин масалалар ҳал қилиниб, натижада 1887 йили гимназияни битирувчиларни барчаси Қозон ўқув округ бошқармасидан етуклик аттестацияси учун топшириладиган имтиҳондаги барча масалаларни ечиб гимназияни муваффақиятли тугатишди.

В. И. Ленин ўзи ўйлаб топган ёки отасининг китобларидан олган нотиповой программадан ташқари тузилган масалаларни ечишни ўртоқларига таклиф қилишни яхши кўрар эди. Унинг таклиф қилган масалалари ҳаммаси жуда қизиқ бўлар эди. Мана шундай масалалардан бири: «Икки қишлоқ орасидан қирғоқлари параллел бўлган дарё оқиб ўтади. Йўл қисқа бўлиш учун кўприкни қаердан қуриш керак?» Шунга ўхшаш масалалар ҳозир геометриядан масалалар тўплами китобларида кўп учраб туради, лекин ўша пайтда бундай ясашга доир масалалар болаларга маълум эмас эди. Н. Веретниковнинг айтишига қараганда охири «5» билан тугайдиган сонларни квадратга кўтаришни онсон йўлини Владимир Ильич Лениннинг ўзи ўйлаб топиб, уни келиб чиқиши ва исботини Веретниковнинг ўзига топширган, бу қуйидагичадир:

$$1. 65^2 = 6 \cdot 7 \cdot 100 + 25 = 4200 + 25 = 4225.$$

$$2. 105^2 = 10 \cdot 11 \cdot 100 + 25 = 11000 + 25 = 11025.$$

Бу қондани Веретников Н. гимназияга олиб келган, бу катта эффект берган.

В. И. Ленинни ўртоқларига кўрсатган ёрдами, айниқса чуваш Охотниковга уларни ҳаётида жуда катта аҳамият касб этди.

В. И. Ленин ўртоқларига, кимлигидан қатъий назар бошқа кимсаларга ёрдам келганда ҳеч қачон вақт билан ҳисоблашмаган, ҳамма-ҳаммага беғараз ёрдам қўлини чўзиб келган.

В. И. Ленин ёрдами туфайли Н. М. Охотников етуклик аттестатига имтиҳон топширади. Симбирск гимназиясининг директори томонидан Охотников Н. М.га берилган характеристикада уни қобилиятлилиги, интизомлилиги, ўз ишига фидойилиги, айниқса математика фани бўйича энг юксак муваффақиятларга эришганлиги кўрсатилган эди.

Охотников Н. М. ота-бола Ульяновларни умидини оқлади. У Қозон Университети математика факультетининг кўзга кўринган энг қобилиятли студентлар қаторидан ўрин олди. Унинг меҳнатсеварлигининг чеки йўқ эди. Қисқа муддат ичида Гольденбергнинг масалалар тўпламини чуваш тилига таржима қилди. Физика ва математика фанларини ўқитиш ажойиб программасини ишлаб чиқди. «Математик экскурсиялар ҳақида» деган илмий иш ёзди. 1890 йилда Халқаро физика-астрономия конкурсининг ғолиби деб топилиб, у олтин медаль билан мукофотланди.

В. И. Ленин математика фанининг яхши билимдонигина бўлиб қолмай, бутун умри математика билан шуғулланибгина қолмай, балки математика фанини мактабларда ўқитилишни яхшилаш устида ҳам бош қотирди. Мактаб соҳасининг барча жабҳалари уни қизиқтирар эди. Дарсликлар, методик қўлланмалар, дарс бериш приемлари, болаларни ўзлаштиришлари билан қизиқарди ва уларни яхшилаш тўғрисида ҳамма чораларни кўрарди.

Н. К. Крупская ўз эсдаликларига қуйидагини ҳикоя қилади:

«Бир куни Владимир Ильич мактаб ўқувчиси билан суҳбатлашди. У ўқувчидан мактабда нима билан шуғулланишларини сўради. «Биринчи дарс нима эди?» — «Арифметика. Унли касрларни кўпайтиришни бизларга тушунтиришди».

— Ундан кейинчи? — Ундан кейинчи? — деб ўқувчидан сўрайберди Ленин. В. И. Ленин ўқувчидан то охиригача дарсгача бўлган воқеани гапириб бўлмагунча сўрайверди. Уқувчидан сўраш натижасида янги совет мактабидаги аҳвол тўғрисида фикр юритди. Кейин Надежда Константиновнага қараб кулиб қўйдида, «Қандай бўлган бўлса, шундайлигича қолаверибди», — деди.

Шундан кейин бир неча бор мактаб программаси тўғрисидаги ғамхўрлик ҳақида қайта-қайта такрорлади.

В. И. Ленин математика дарсликлари ва программаларини такомиллаштириш бора-сида доим ғамхўрлик қилиб турди.

## МАТЕМАТИКА



### ТҮРТИНЧИ ТУР ЖАВОБЛАРИ

1. Суҳбат 1989 йили 1 январда бўлиб ўтган. Воҳид 14 ёшга 1988 йили 30 декабрда тўлган. Шунинг учун ҳам 1990 йили 31 декабрда ўн еттига қараб кетади.

2. О нуқта АВСД қавариқ тўртбурчакнинг диагоналлари кесилган нуқта бўлсин. АОВ, ВОС, АОД ва СОД учбурчаклар юзларини ифодаловчи сонларни мос равишда m, n, p, q лар билан белгилаймиз. (Расмга қаранг).

АОВ ва ВОС учбурчаклар умумий баландликка эга бўлганлиги учун уларнинг юзлари нисбати асослари узунликлари нисбатига тенг:

$$m:n = AO:OC$$

Худди шунга ўхшаш мулоҳаза билан қуйидагини топамиз:

$$p:q = AO:OC$$

У ҳолда  $m:n=p:q$  ёки  $mq=np$ . Демак,  $mpnq=(np)^2$ . Шуни исбот қилиш керак эди.

3. m натурал сони 52 дан катта бўлиб  $m+37$  ва  $m-52$  лардан бири тоқ сон иккинчиси жуфт сондир.

Айтайлик a/ва b/ тасдиқлар тўғри бўлсин, у ҳолда қуйидаги тенгламалар системасига эга бўламиз:

$$\begin{cases} m+37=x^2 \\ m-52=y^2 \end{cases}$$

Бу системани натурал сонлардаги ечимларини топамиз:  $x^2-y^2=89$  ёки  $(x+y)/(x-y)=89$ .

Кейинги тенгламанинг натурал ечимларини топиш учун қуйидаги системани ечамиз:

$$\begin{cases} x+y=89 \\ x-y=1 \end{cases}$$

Бундан,  $x=45$ ,  $y=44$ . Сўнгра  $m=1988$  лиги келиб чиқади. Демак, б) тасдиқ хато экан.

Энди а) ва б) ҳамда в) ва в) тасдиқлар биргаликда ўринли бўла олмаслигини исботлаймиз.

$$\begin{cases} m+37=x^2 \\ m=10k+15 \end{cases}$$

бундан  $x^2=10(k+4)+2$ . Бунинг бўлиши мумкин эмас, чунки натурал соннинг квадрати икки рақами билан тугамайди.

$$\begin{cases} m=10k+5 \\ m-52=y^2 \end{cases}$$

бундан  $y^2=10(k-5)+3$ . Бундай бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки натурал соннинг квадрати уч рақами билан тугамайди. Жавоб: 1988.

4. Учбурчаклар тенгсизликлари  $a < b + c$ ,  $b < c + a$ ,  $c < a + b$  ни мос равишда a, b, c ларга кўпайтирсак қуйидагилар ҳосил бўлади:

# АКАДЕМИЯСИ

## ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

Еш математик, физик, химикларнинг 1988/89 ўқув йилидаги сиртки олимпиадаси якунланди. Жюри аъзолари 1600 дан зиёд хатларни ўрганиб чиқди ва ғолибларни аниқлади. Олти тур бўйича тўла қатнашган ва топшириқларга тўғри жавоб йўллаган ва тахлил қилган ўқувчилар олимпиада ғолиблари деб тоналди. Энг яхши натижа кўрсатган ўқувчилар ЎзССР халқ таълими министрлигининг I, II, III даражали дипломлар билан тақдирландилар.

### Математика бўйича

#### I даражали диплом билан:

1. Эшматова Тамара — Хоразм боласть, Богот районидаги 44-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
2. Хўжамов Жуманазар — Хоразм боласть, Шовот районидаги Ўзбекистон колхозидан.
3. Қувақов Одилбек — Хоразм боласть, Богот районидаги Наримонов номли мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
4. Мирзоев Ширин — Бухоро боласть, Свердлов районидаги 9-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.
5. Султонова Маъмура — Фарғона боласть, Ўзбекистон районидаги 34-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

#### II даражали диплом билан:

1. Мирзоев Шухрат — Бухоро боласть, Свердлов районидаги 9-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.
2. Раҳмонов Раҳмат — Хоразм боласть, Богот районидаги 3-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
3. Урозметова Саида — Хоразм боласть, Ургенч районидаги Ленинград колхозидан.
4. Қосимова Мақсуда — Хоразм боласть, Ургенч районидаги Ленинград колхозидан.
5. Ортиқов Муҳиддин — Наманган боласть, Янгиқўрғон районидаги Бекобод қишлоғидан.
6. Қодиров Одил — Наманган боласть, Учқўрғон районидаги 3-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
7. Назаров Хурсандбек — Андижон боласть, Балиқчи районидаги Қумтепа қишлоғидан.

#### III даражали диплом билан:

1. Прутьян Андрей — Тошкент боласть, Янгиобод шаҳридан.
2. Ҳақимова Мумана — Тошкент боласть, Бўстонлиқ районидаги 44-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
3. Рисқиддинов Р. — Тошкент боласть, Бўстонлиқ районидаги 44-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
4. Мамадалимов А. — Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги Республика физика-математика интернатининг 9-синф ўқувчиси.
5. Иксанов М. — Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги Республика физика-математика интернатининг 9-синф ўқувчиси.
6. Худойберганов Карим — ҚҚАССР, Хўжайли районидаги Охунбоева номли мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
7. Аvezимбетов Қудрат — ҚҚАССР, Эликқалъа районидаги 4-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
8. Елғошев Бурхон — Самарқанд боласть, Нурота районидаги 16-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
9. Набиев Абдумалик — Самарқанд боласть,

$$a^2 < ab + ac, b^2 < bc + ab, c^2 < ac + bc$$

Ҳосил бўлган учта тенгсизлик мос равишда қўшиб қуйидаги тенгсизликни ҳосил қиламиз:  $a^2 + b^2 + c^2 < 2(ab + bc + ca)$ . Шунинг исботлаш талаб қилинган эди.

5. а) Тўғриликлари яққол кўриниб турган  $x:(y+z) > x:(x+y+z)$ ,  $y:(z+x) > y:(x+y+z)$ ,  $z:(x+y) > z:(x+y+z)$  тенгсизликларни мос равишда қўшиб  $x:(y+z) + y:(z+x) + z:(x+y) < 1$  ни ҳосил қиламиз.

б) Аввало  $x:(x+y) < (x+z):(x+y+z)$  (1) ни ўринли эканлигини исботлаймиз. Ҳақиқатан  $x(x+y+z) < (x+z)(x+y)$  ёки  $x^2 + xy + xz < x^2 + xy + xz + yz$ , яъни тўғри тенгсизлик ҳосил бўлди, демек, (1) тенгсизлик ҳам тўғри. Худди шунга ўхшаш қуйидаги тенгсизликлар исботланади:  $y:(y+z) < (y+x):(y+z)$  (2)  $z:(z+x) < (z+y):(z+x)$  (3)

Ҳосил бўлган (1), ва (2) ва (3) тенгсизликларни қўшиб қуйидаги тенгсизликни қилиш қийин эмас:  $x:(x+y) + y:(y+z) + z:(z+x) < 2$ . Шунинг исботлаш керак эди.

Бадриддин РИХСИЕВ, Тошканбой ҚУРҒОНОВ

Нурота районидаги 16-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

10. Тўраев Шерзод — Бухоро боласть, Қорақўл районидаги Ойбек номли мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

11. Машарипова Санаб — Хоразм боласть, Ургенч район Ленинград колхозидан.

12. Мўйдинова С. — Фарғона боласть, Киров районидаги 29-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

13. Умарова Фотима — Фарғона боласть, Ўзбекистон районидаги 34-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

14. Зарипова Гулсанам — Фарғона боласть, Ўзбекистон районидаги 34-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

15. Мирзамаҳмудов Дилмурод — Наманган боласть, Учқўрғон шаҳридан.

16. Мўйдинова С. — Наманган боласть, Наманган шаҳридаги 41-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

17. Бойхонов Б. — Наманган боласть, Учқўрғон районидаги Кайки қишлоғидан.

18. Садриддинов Абдушукр — Андижон боласть, Балиқчи районидаги Куйбишев колхозидан.

19. Мусаев З. — Андижон боласть, Андижон шаҳридан.

20. Абдурахмонов Комил — Андижон боласть, Олтинқўл районидаги Коммуна колхозидан.

21. Аввалбоев Бахтиёр — Сирдарё боласть, Ғаллаорол районидаги Қўйтош қишлоғидан.

22. Ибодуллаев Қаҳрамон — Хоразм боласть, Богот районидаги 3-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

### Химия бўйича

#### I даражали диплом билан:

1. Усмонова Зиёда — Андижон боласть, Андижон шаҳридаги 7-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
2. Холмираева Сайёра — Наманган боласть, Учқўрғон район, Ғалаба кўчаси, 59-уй.
3. Раҳимова Зулфия — Хоразм боласть, Богот район, Наримонов колхоз, 2-бригада, 3-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
4. Ҳасанова Гавҳар — Наманган боласть, Учқўрғон район, 1-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
5. Қурбонов Искандар — Бухоро боласть, Ғижувон район, 21-мактаб.
6. Баймақов Сайфиддин — Тошкент боласть, Пскент район, Ленин колхоз, Тошқишлоқ қишлоғи, 2-бригада, 23-уй.

#### Иккинчи даражали диплом билан:

1. Сафарбоев Файзулло — Хоразм боласть, Гурлан район, Коммунизм колхоз, 15-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
2. Эсонбоев Адҳам — Наманган боласть, Учқўрғон шаҳар Хоразм кўчаси, 19-уй.
3. Сайфуллаев Толиб — Наманган боласть, Учқўрғон шаҳар, Ибн Сино кўчаси, 29-уй.
4. Ризаева Дилбар — Самарқанд боласть, Нарпай район, Иттифоқ колхоз, 26-бригада, 31-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
5. Оллонов Баҳром — Қашқадарё боласть, Ғузур район, Киров совхоз, Янгиқент участкаси, М. Горький номли мактаб.

#### Учинчи даражали диплом билан:

1. Тажиддинова Замира — Хоразм боласть, Гурлан район, Коммунизм колхоз, 22-бригада, Макаренко кўчаси, 42-уй.
2. Мамирова Дилфуза — Андижон боласть, Олтинқўл район, Ленин йўли колхоз, 1-бригада, 36-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.
3. Тошнйёзова Феруза — Қашқадарё боласть, Чироқчи район, Ильич совхоз, Пушкин номли 3-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.
4. Раҳматова Зарифа — Сурхондарё боласть, Ангор район, Октябрь 50 йиллиги номли колхоз, 28-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

### Физика бўйича

#### Биринчи даражали диплом билан:

1. Эшчонов Шухрат — Хоразм боласть, Хоразм район, Чкалов номли ўрта мактаб ўқувчиси.
2. Бойназаров Рашид — Қашқадарё боласть, Ғузур район, 1-май мактаби.
3. Жуманиёзов Рустам — Хоразм боласть, Шовот шаҳри, Ал Хоразмий номли мактаб.
4. Ниёзалев Улугбек — Тошкент боласть, Паркент район, Октябрь 50 йиллиги кўчаси, 28-уй.
5. Эгамбердиев Эгамберди — Хоразм боласть,

Ургенч шаҳри, Ал Хоразмий номли мактаб-интернат.

#### Иккинчи даражали диплом билан:

1. Олломов Алишер — Хоразм боласть, Ургенч шаҳар, Ал Хоразмий номли мактаб-интернат.
2. Худойназаров Равшанбек — Хоразм боласть, Хазорасп район Орджоникидзе номли мактаб ўқувчиси.
3. Аҳмедова Азиза — Наманган боласть, Учқўрғон район 2-мактаб.
4. Жумаева Нарзибиби — Сурхондарё боласть, Сариспё район, 21-мактаб.

#### Учинчи даражали диплом билан:

1. Қозоқов Алланазар — Хоразм боласть, Шовот шаҳар, Ал Хоразмий номли мактаб-интернат.
2. Убайдуллаева Лола — Наманган боласть, Учқўрғон шаҳар, 2-мактаб.
3. Пўлатов У. — Тошкент боласть, Тошкент район, Келес шаҳар, Фурқат кўчаси 7-уй.
4. Турсунова Дилрабо — Наманган боласть, Учқўрғон шаҳар, Жомий кўчаси 1-уй.
5. Сайфуллаев Толиб — Наманган боласть, Учқўрғон район, 4-мактаб.
6. Исанбоев Адҳам — Наманган боласть, Учқўрғон район, Ибн Сино кўчаси, 19-уй.
7. Болтабоев Ойбек — Хоразм боласть, Шовот район, Ўзбекистон бр. № 8.

Бундан ташқари олимпиада ишини мактабларда ташкил қилишда ва тўғаракка раҳбарлик қилгани учун Норметов М. — Тошкент боласть, Бўстонлиқ районидаги 44-мактаб математика ўқитувчиси, Жўраев Р. — Сирдарё боласть, Хоразм боласть Богот районидаги 3-мактабнинг математика ўқитувчилари ЎзССР Халқ таълими министрлигининг Фахрий Ерлиги билан тақдирландилар.

«Еш куч» журналининг  
Фахрий Ерлиги билан  
мукофотланганлар:

Тошкент шаҳри ва Тошкент боластидан:  
Холова З., Шодмонов Э., Умурақов Ш.,  
Екубов М., Қаюмов О., Мусаев Н., Эргашев А.,  
Шарипова Г.

ҚАССР:  
Калкулов С.

Самарқанд боластидан:  
Тўрақулов Д., Екубова З.

Бухоро боластидан:  
Ўринов З.

Қашқадарё боластидан:  
Шерқулов Х., Шерназарова Э.

Хоразм боластидан:  
Жабборова О., Эрназаров С., Собиров Р., Машарипов Ш., Матмуродова З., Хаитова Ф., Қутлимуродова З., Мадраимова Э., Ражабова Д., Раҳимова А., Жумамуродов Б.

Фарғона боластидан:  
1. Ҳақимова Б.

Наманган боластидан:  
Тўхтамирзаев А., Бойхонов А., Болтабоев Л., Мирзааҳмедова., Тожбоев Б., Пўлдошев К., Каримов Х., Абдуллаев А., Акбарова Д., Раҳматуллаев А.

Андижон боластидан:  
Саидазимова М., Болтабоева Ш.

Сирдарё боластидан:  
Синдорова Н.

Сурхондарё боластидан:  
1. Кўчкинов М., Югаев Ш., Дониёров Н.

Қирғизистон ССРдан:  
Раҳимов А.

Тожикистон ССРдан:  
Мужикорова Зебо.

Булардан ташқари Бўстонлиқ районидаги 22-мактабнинг математика тўғараги (раҳбари Мирза Ортиқов,) Советобод районидан Кристалл тўғараги (9-синф ўқувчилари Қурбонов К., Ҳақимова Б., Қайнарнов Ш., Нурбоева Н.) аъзолари ҳам «Еш куч» «Молодая смена» журнали Фахрий Ерлиги билан тақдирландилар. Ғолибларга журналининг эсдалик совғалари ҳам топширилади.

Ақром АКМАЛОВ,  
Бадриддин РИХСИЕВ,  
Тошканбой ҚУРҒОНОВ  
жюри аъзолари.

# САРҒАЙГАН САҲИФАДАГИ САБОҚЛАР


Олтинчи лекция

## 1934 йил 19 декабрда ўқилган

Б. Блюменфельд: Шахматдаги стратегия ва тактика ҳақида сўз юритамиз... Шахмат партиясидаги муваффақият нималарга боғлиқ? Кучлар тенглигида бир томон қандай қилиб муваффақиятга эришади? Асосий ғояни тушуниб олиш керак. Бу ғоя шундан иборат: ким зарбдор кучларни тўплаш ҳамда ҳал қилувчи зарба беришга улгурса, ўша муваффақият қозонади. Муваффақиятнинг сири шундан иборат. Шахмат ўйинининг барча принципларини мана шу асосий принципга таянган ҳолда тушуниш лозим.

Кучларни қандай жалб қилса ва чалғитса бўлади?

1930 йили Гамбургда ўйналган Пшепюрка — Элисказес ўйинида шундай позиция юзага келади.




Қоралар бир юришда мот хавфини туғдирган. Пшепюрка фарзинини e2 га чекинди ва уч юришда мот бўлди: 1. Фe2 Фg6+ 2. Крg4 Фs5+ 3. Крh5 Фh3X.

Қоралар 1. Фe2 нинг ўрнига 1... Л:e6 ни кутган эди. Мот йўқ (g6 хонаси ҳимояланди); рухни уриб бўлмайди: 1... Фeg га 2. Ф:e6+ сўнгра 2. Фd7+ ва 3. Ф:c8+ бўлади. Бироқ 1... Л:e6 ҳам оқларни асраб қололмайди. Қоралар 1... Крg7! Жавобини беради (биринчидан, рухни олиш, иккинчидан 2... Фg6+ 3. Л:g6 ФgX хавфи туғдирлади). Энди 2. Л:h6 бўлса, 2... Лh8! — оқ рухни очмас қилинди. Оқларга нажот йўқ. Агар 3. Ф:g5+ бўлса, 3... Фg6+ 4. Ф:g6+

Фg+ в 5... Л:h6 дан кейин қоралар ютади.

Бу жалб қилишга бир мисол. Энди чалғитишга асосланган мисол келтирамиз.


1896 йили Нюрнбергда ўйналган Мэзон — Блэкберн партиясида қуйидаги ҳолат юзага келган.



Юриш қоралардан. Филни қаёққа қочиш керак? Блэкберн узоқ ўйлаб 1... Се3! ўйнади ва бу оқлар учун ҳалокат билан баробар бўлди. Уларнинг фарзини тўсилди, бинобарин, h3 пунктини ҳимоялашдан чалғитилди. Қоралар 2... h3 суриб дарҳол мот қилмоқчи. Оқлар 2. Ф:e2 ва 3. С:e3 ўйнаб, фарзинини берса-да, ахирини ўйинни бой берди. Буни ўзингиз машқ қилиб кўринг.

Бу мисол жуда оддий, лекин ибратли ҳамдир. Сиз, тахтанинг муайян қисмидаги кучлар устунлиги ҳамма вақт масалани ҳал қилади, деб ўйлашингиз мумкин. Ҳа, шундай, лекин ҳамма вақт эмас... Ҳужумни зўр ғайрат билан олиб бориш керак.

Бир мусобақада ўйналган Чигорин-Яновский партияси шундай вазиятга келиб қолди:






Оқ фарзин с7 пьедасига ҳужум қилмоқда, бинобарин, қоралар уни ҳимоялашга вақт кетказиши керак. Яновский 1... Лаб 8! ўйнади. Оқлар нима қилсин? Агар 2. С:c7 бўлса, рух филни очмасга қолади. Агар 2. Ф:c7 бўлса, 2... Се3+! 3. Крb 1 Л: b2+ 4. Кр: b2 Фb4+ 5. Кра1 С: f4 6. Фc6 Сc5 7. Лd3 Лb8, ва нома тамому-вассалом.

Чигорин яхшироқ ўйнади: 2. Лhe1 Ф:e1 3. Л:e1 Л:e1+ 4. Крd2. Бунга 4... Ле6 жавоби берилиб, фарзинга ҳужум қилинди. Энди 5. Ф:c5 бўлса, 5... Лd8+ 6. Крc1 Ле1+ сўнгра 7... Л: lX. Борди-ю, 5. Ф:c7 бўлса, 5... Лbe8 ва қоралар ютиши керак. Мана буни қандай ҳужум қилиш намунаси деса бўлади.

Энди бунинг аксини кўриб чиқамиз. 1931 йилги СССР Биринчилигида ўйналган Блюменфельд — Каспарян партиясида қуйидаги позиция вужудга келган эди.

ларни кўрсатмаса ҳам бўлади. Ҳужум қилишда сустлик кўрсатишнинг оқибати ана шундай бўлишини ёдда тутмоқ лозим.

## Навбатдаги топшириқлар



Бу ерда оқларнинг барча кучлари фарзин флангига тўпланган, рақиб эса шоҳ флангида кучлироқ. Юриш оқлардан. Кураш шундай давом эттирилди: 34. с3 g5 35. Фg С:g5+ 36. Крc2 Лbh8. Тўғри!

Қоралар қаерда кучлироқ бўлса, ўша ерда ўйинни кучайтирмоқда, оқлар ҳам шундай қилиши керак эди. Бинобарин, 37. Ка4 ўйнаб, 38. Л: b7+, 39. Л:b7+, 40. Фb1+, 41. С:a6 га бериши лозим эди. Бунинг ўрнига бошқача йўл тутилди. 37. Фg2! Бу юришдан сўнг оқлар ютиш ўрнига ютқазди.

37... Се7 38. Лh1 Лg8 39. Фf2 Ch5 40. С:h5 Л: h5 41. Лg1 Л:g1 42. Ф:g1 Лg5! 43. Фh1 Фh8. Қолган юриш-

Иккаласида ҳам оқлар 3 юришда мот қилади.



(Охири. Воши 17-бетда)

асарлар билан танишув. И. С. Вах ижодидан, классик музикалардан тортиб турли мамлакатларнинг гимнларига, ҳар бир болага таниш «Қошиқни ол, нонни ол» дан М. И. Глинканинг «Иван Сусанин» операсигача, барча анъанавий музикаларни дирижёрнинг бошқарувисиз чалғувчи ёддан бажариши шарт, билмаслик гуноҳ саналган асарларга тақоррлашади.

1986 йилги Москва сафари коллектив тақдирида биринчи синов вазифасини ўтади. Тошкент консерваториясининг ярим асрлик юбилейи тантаналарига Гуляев ҳам катта программа тайёрлаганди. Москваликлар учун қўйилмаган болалар духовой оркестри олқишларга, гулларга кўмилди. Қайдлар дафтаридаги таҳсинлар... Биринчи интервью... Мухлисларгагина эмас, балки тажрибали, кўпни кўрган ҳамкасбларга ҳам Успенский номидаги мактабнинг духовой оркестри қўйилмаган янглик эди. «...Биз духовой оркестр билимдонлари сизнинг ёрқин истеъдодингизга таҳсин айтамыз. Москвада бундай болалар оркестрлари йўқ, иттифоқимизда мавжудлиги — эса — даргумон эди».

Маъмур ёзув Москва консерваториясидаги концертдан сўнг ҳарбий дирижёрлик факультетининг кўмондонлари ва ветеранлари томонидан қайд этилган.

Пойтахтда кечган ўн кун ичида оркестр довуғ қозонди, ўз мухлисларини топди.

...Аммо шон-шухрат, олқишлар онийдур, келажак эса...

Ун кунлик ниҳоясида Ефим Михайлович ва мактаб директори И. Г. Йўлдошевани СССР Маданият Министрлигининг кадрлар бўлимига чақирдилар ва оркестр коллективини 1988 йил май ойида бўлажак духовой музика Бутуниттифоқ байрамига ҳамда Ғалаба кунига бағишланган марш парадда қатнашишга таклиф этдилар. Шунингдек, марш-параддан аввал духовой оркестрлар конкурси ўтказилишини эслатишди.

Ефим Михайлович қалбидаги ҳаяжон ва фахрланиш туйғулари шоғирдларига ҳам кўчди. Энди «репутация» сўзи сеҳрли, фусункор жаранглари эди. Дирижёр ҳам ҳеч кимга ортиқча талабчан ва инжиқ туюлмай қолди. Гоҳо ҳамма биргалликда, гоҳо чолғучилар алоҳида-алоҳида шугулланишарди. Токи ёнма-ён ўтирган ўн бир ёшлилар ва ўн олти ёшлилар музика техникаси имкониятларини бир хилда тушуниб олинлар. Токи конкурс пайтида номутаносиблик пайдо бўлмасин.

Баъзан асарнинг кичик бир қисмини ўзлаштиришга соатлаб вақт сарфлашарди. Аммо кейин, болаларнинг ижросини мухлислар олқишлар экан, улар меҳнат, заҳмат қадрига етдилар. Чунки замонавий, шовқин-суронли «рок» эмас, балки айримлар наздида аввалги қимматини йўқотган анъанавий духовой оркестр концертларида тингловчиларнинг завқ-шавққа тўлганларининг гувоҳи бўлишди.

Мана, ниҳоят кўпдан интиқ қўйилган 1988 йилнинг май ойи ҳам келди. Биринчи республика конкурсида ғалабага эришган мактаб оркестри Москвага, духовой музика Бутуниттифоқ байрамига жўнади.

Олдинда — марш парадда қатнашиш, яъни Белорус вокзалдан Октябрь 50 йиллиги майдонига қадар Горький кўчаси бўйлаб иттифоқнинг энг яхши оркестрлари қаторида ўтишнинг ҳаяжонли дақиқалари... Лужникидаги «Дружба» спорт саройида ўтказиладиган конкурса иштирок этиш...

Бироқ Москва қўйилмаган нохушлик билан қарши олди. Маълум бўлишча, ҳеч қандай болалар коллективи конкурсга тайёрланмабди. Тўғри, баъзи мактаблар ўз оркестрларини юборишмабди-ю, аммо марш-парадга «Катталар»нинг ижодий мусобақасига қўшилиш учун ҳаракатлар эса самарасиз қолаверди.

Болалар хафа бўлишди, асабийлашишди. Дастлаб Ефим Михайлович ҳам. Кейин шогирдларини Биринчи Москва подшпниклар заводи Маданият саройи қаршисига йиғиб, қатъий қарорини айтди: — «Тушқунликка тушманглар. Ҳали кеч эмас. Ҳозир программани ижро этамиз! Ахир нима мақсадда келганлигимизни кўрсатишимиз керак-ку! Ха...»

Улар тезда тайёрланишиб, сахнага чиқишди. Музика янгради.

Дарров одамлар тўпланишди. Конкурс иштирокчилари, жюри аъзолари, радио ва телевидение, газета, журнал мухбирлари, чет эл матбуоти вакиллари, хуллас, осонликча ҳайратланмайдиган, талабчан тингловчилар.

— Ким улар, — ҳамма бир-бирдан сўрарди, — Бу қанақа оркестр?

Нихоят ҳеч ким кутмаган ва ҳеч кимдан руҳсат сўрамаган спектакль бошланди. Тайёргарликсиз қўйилаётган томошада бирор ўқувчи сахнани ташлаб чиқмади, томошабинлар орасида ҳам «Ие, бу духовой оркестр-ку, кимга қизиги бор!» дегувчилар топилмади.

Шу куннинг эртасига МТнинг тонгги «120 минут» кўрсатувида гаройиб спектаклдан парча кўрсатишди, орадан яна бир кун ўтгач болалар ўз ижроларини радиодан эшитишди.

...Конкурс шартлари ўқиб бўлингандан сўнг жюри раиси, генерал-майор Н. М. Михайлов Ефим Гуляевга ўз таклифини айтди: — «Болалар коллективи «парда ортида» чиқишсин. Яъни ҳаммадан кейин, майли бутун программани (!) ижро этишсин. Фақат конкурсдан ташқари ҳисобланади».

Еш ижодкорлар ўзларини кўрсатадиган пайт келганди. Тўғри, «конкурсдан ташқари»ларни тақдирлашмайди. Нима, гап мукофотдами?

...Ефим Михайлович оркестр рўпарасида, ўз ўрини эгаллади. У ҳаяжонланарди. Ахир қачонлардан бунинтиқ қутилган дақиқалар етиб келганди. Сокин дақиқалар... У таёқчасини Свиридовнинг қудратли, ёрқин «Вақт олға!» си... Г. Калининнинг жўшқин «Ешлик байрами» сюитаси (ушбу музика нотасини ўқувчиларга муаллифнинг ўзи тақдим этганди)... Гайданнинг бегубор мукасини фақат болаларгина аслидай ижро эта оладилар. ...Якка хонанда Лолита Рўзиматова эндигина учинчи синфда ўқияпти.

Даврон Довуров эса — Қарши шаҳридан чиққан биринчи ксилофончи — И. Дунаевскийнинг «Галла»сини чалиб, барчани ҳайратга солди. («Бўлажак лауреат!» — у ҳақида шивирлашарди.) Программа ниҳоясида П. Макаревичнинг «Ўзбекистон» марши ижросидан сўнг тингловчилар ўринларидан туриб олқишладилар. Талабларга кўра «Андижон полкаси» янгради.

...«Аматӣ» чек духовой оркестрининг дирижёри (улар арманистонликлар билан конкурсда биринчи ўринни эгалладилар) ўз қалб сўзларини Ефим Михайловичга айтмай ўтолмади: — «...Менинг хайратим чексиз. Сиз қандай ёмон чолғу асбобларида бу қадар яхши чалишни ўргатдингиз! Сизларнинг ижроингиз ихлос ва истеъдод меvasи эканлиги кўриниб турибди».

Ёмон асбоблар тўғрисида гап эшитиш аччиқ, аммо ҳақиқат — ҳақиқат!

Успенский номидаги мактаб оркестрига соврин ва Фахрий ёрлик топширдилар. Шунингдек, биринчи ва иккинчи мукофот эгалари қаторида яқунловчи концертда иштирок этишга таклиф этдилар.

...Бу ғоятда улкан концерт эди. Лужники спорт саройида жамланган умумий оркестрда бир пайтнинг ўзида 2500 чолғувчи куй ижро этишди. Н. М. Михайлов «успенскийчиларни» мухлисларга шундай таништирди:

— Ҳозир сиз Ўзбекистондан келган гаройиб болалар коллективи концертини кўрасиз. Ишончим комилки, уларнинг кўпчилиги келажакда улкан санъаткор бўлиб етишади ва кўпмиллатли иттифоқ санъатида муносиб ўринни эгаллайдилар. Бу оркестр ижросини эшитгач, албатта севиб қоласиз ва ҳеч қачон унутмайсиз!

...Орадан бир неча кун ўтгач болалар Тошкентга қайтиб келишди ва келгуси имтиҳонларга тайёрлана бошладилар. Аммо Москвада улкан синовдан муваффақиятли ўтдилар.

И. АЛЬСПЕКТОР,

М. Ашрафий номидаги

Тошкент Давлат Консерваторияси доценти.

РЕДАКЦИЈАДАН: Мақола нашри тайёрланганидан сўнг маълум бўлдики, Успенский номидаги мактаб духовой оркестри коллективи Иркутск ва Ленинград гастроль сафаридан қайтишибди ва ЧССРда ўтказиладиган конкурсда иштирок этиш учун тайёргарликни бошлаб юборишибди.

Омад тилаймиз!

«Хурматли редакция!»

«Еш куч» журналининг дастлабки уч сонини ололмадим. Почта ходимларидан бунинг сабабини сўрасам, ўзи бу журнални редакция кам чиқараяпти, деб жавоб беришди. Ахир мен обуна бўлганман-ку, журнални вақтида ўқишни истайман».

Ҳафиз НОСИРОВ,

Бухоро область, Шофиркон районидаги 36-ўрта мактабнинг X-синф ўқувчиси.

Кўп обуначиларимиздан шу мазмунда шикоят хатлари олганлигимиз учун жавобни мутасадди ташкилот раҳбарларидан олишга қарор қилдик.

## Талаб қилиш керак!

ЎзССР Алоқа министрлигининг Нашрларни тарқатиш ва почта алоқаси бошқармаси бошлиғи Абдувосиқ Раҳимович Тўлаганов билан суҳбат.

— Абдувосиқ Раҳимович, хабарингиз бор, кейинги икки-уч йил давомида «Еш куч» журнали ёшлар орасида катта обрў қозонди. Ўқувчиларимиз сони янада ошяпти. Бунда сиз раҳбарлик қилаётган алоқа ходимларининг хизматлари катта. Аммо баъзи мухлисларимиз журналга обуна бўлганлари ҳолда жойлардаги алоқа бўлими ходимлари айби билан «Еш куч»ни ўз вақтида ёки умуман ололмаётганликлари ҳақида шикоят қилишмоқда. Жумладан, Фаргона область Ленин номи колхозда истиқомат қилаётган Саломат Узоқова, Самарқанд область, Советобод район, Сепки қишлоғида яшовчи Пардабой Эргашев ва бошқа ўнлаб журналхонларимиз шу мавзуда мактуб йўллашган. Почта ходимлари ишидан норозилик кучаяётганлигини қандай изоҳлаш мумкин?

А. Тўлаганов: — Почта ходимларининг ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлаётганликлари хусусидаги хатлар биргина «Еш куч» журнаliga эмас, деярли барча газета-журнал редакцияларига келиб тушаётганидан хабардорман. Шикоятлар кўпайганлиги, аввало, қувончли ҳодиса. Мени тўғри тушунишингизни истайман, демоқчиманки, бугунги ошкоралик замонида барча матбуот органлари жамиятимиз ҳаётида кечаётган қайта қуришни кенг ёритиб бормоқда. Ўз-ўзидан маълумки, журнал ўқиши бўлганидан сўнг обуначилар сони ҳам кескин ортмоқда. Етти яшардан етмиш ёшга қадар, барча янги хабарларни ўз вақтида ўқишни истайди, газеталарни сабрсизлик билан кутади.

Иккинчидан, «Еш куч» журнали ва «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Еш ленинчи» газеталарининг тиражи кескин ошди. Демак, алоқа ходимларининг иши ҳам, ундаги турли англашилмовчиликлар ҳам кучайди. Учинчидан, матбуот нашрларининг ўқувчиларига ўз вақтида кечикиб боришига гоҳ газета-журналнинг нисбатан кеч босмадан чиқиши, гоҳ транспорт воситалари қатновидаги номутаносибликлар сабаб бўляпти.

— Кейинги уч-тўрт йил давомида бошқа корхоналар сингари сиз етакчилик қилаётган бошқармада ҳам ўзгаришлар юз берган бўлса керак...

А. Т. — Биз ўз ишимизни қайта қуришни аввало бошқармадан амалга ошира бошладик. Маъмурий буйруқбозликка чек қўйилди. Министрлик ходимлари 40 фоизга қисқартирилди. Эндиликда бошқарув аппаратида ўн тўққиз ходим хизмат қиляпти. Ўз вазифасига муносабатда мустақиллик, ижодийлик зарур экан. Шуни диққат марказида тутиб оддий почталёонлардан ҳам мустақил иш юритишни талаб этияпмиз. Чунки ортиқча буйруқбозлик кадрлар кўнимсизлигини келтириб чиқаради.

Ф.СП-1

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету 75242  
журнал (индекс издания)

«Еш куч» (наименование издания) Количество комплектов:

на 1990 год по месяцам:

|   |   |   |   |   |   |   |   |   |    |    |    |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|----|----|----|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| х | х | х | х | х | х | х | х | х | х  | х  | х  |

Куда | | | | | | | | | | | |

(почтовый индекс) (адрес)

Кому | | | | | | | | | | | |

(фамилия инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

п. в. место ли-тер на газету 75242  
журнал (индекс издания)

«Еш куч» (наименование издания)

Стои-подписки 4 руб. 20 коп. Количество  
мость пере- — руб.      коп. комплек-  
адресовки тов

на 1990 год по месяцам:

|   |   |   |   |   |   |   |   |   |    |    |    |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|----|----|----|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| х | х | х | х | х | х | х | х | х | х  | х  | х  |

Куда | | | | | | | | | | | |

(почтовый индекс) (адрес)

Кому | | | | | | | | | | | |

(фамилия инициалы)

Ишнинг сифатли бажарилиши эса, менимча, аввало иқтисодга боғлиқ. Била-сиз, почтальонларнинг вазифаси машаққатли, Айниқса, қишлоқ жойлардаги алоқа бўлимлари ходимларининг яшаш шароитлари кўнгилдагидек эмас. Ойлик маошлари ҳам оз. Бошқармамиз хўжалик ҳисобига ўтганидан сўнг почтальонларнинг маошини 80—90 сўмдан 110 сўмга оширишга эришдик. Албатта, бу маош билан оила боқиш қийин. Яна имконият туғилгундек бўлса оддий ишчиларимизга ёрдам беришга ҳаракат қиламиз.

— Абдусолиқ Раҳимович, газета-журналларни эгаларига тезроқ етказиб беришнинг янги самарали усуллари топилганича йўқми? Бу борада қандай изланишлар ўтказилмоқда?

А. Т.: — Нашрларни ўз вақтида етказиб бериш фақатгина бизга боғлиқ эмаслигини юқорида айтиб ўтдим. Баъзи қийинчиликларга қарамай ҳозирги пайтда кунлик нашрнинг 45—50 фоизи белгиланган пайтда пойтахтдан олиш районларга юборилапти. Республикадаги жами 4000 алоқа бўлими шунча газета-журнални обуначиларга ўз вақтида етказиб бермоқда. Бу борада ўзига хос изланишлар олиб боряпмиз, яхши натижаларга эришяпмиз. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Андижон шаҳрида қурилаётган Фарғона водийси учун марказлашган босма-хона алоқа ходимлари ҳаётида катта воқеа бўлади. Бу билан водийдаги юз мингдан ортиқ жуналхонларингизни хурсанд қилишингиз мумкин. Режалаштирилганидек, 1990 йилда ишга тушириладиган мазкур босмахона марказий нашрларни биринчи кундаёқ ўқувчиларга етказиб бериш имкониятини яратади. Айни пайтда нашрларни ташиш учун ҳар йили транспорт воситаларига сарфланадиган 15—20 миллион сўм маблағ тежаллади. Худди шундай босмахона кейинги беш йилликда Нукус шаҳрида ҳам қуриб битказилади.

— Абдусолиқ Раҳимович, асосий муаммога — шикоятлар мавзусига қайтсак. Масалан, сиз оддий обуначи бўлсангиз, сизга алоқа бўлими ходимлари севимли журналингизни олиб келишмади. Сиз қандай йўл тутардингиз? Журнал редакциясига ёки Алоқа министрлигига хат юборсангиз саноксиз шикоятлар орасида навбат кутиб бир-икки ой қолиб кетиши мумкин...

А. Т.: — Мен шундай ҳолга тушсам, аввало, ўзим яшайдиган жойдаги алоқа бўлимига мурожаат этардим. Самараси бўлмаса, район алоқа бўлими раҳбарларига шикоят қилардим. Яна натижа чиқмаса, ноилоҳ, алоқа бўлимини судга берардим. Ахир далил — обуна қвитанцияси бор-ку! Ҳозир ҳар ким ўз ҳақ-ҳуқуқини англайдиган, лоқайдликдан устивор бўладиган давр. Умуман, иш судга бориб тақалмаслиги учун жойлардаги алоқа бўлими ходимлари ўз вазифасига совуққон муносабат-далиги сезилса, умумий мажлисларда ҳар бир киши ўз фикрини очиқ айтиши, танқидий мулоҳазалари билан ўртоқлашиши лозимдир. Биз ҳам ўз вазифасига масъулиятсиз қарайдиган ходимларимизга чора кўрамиз!

— Абдусолиқ Раҳимович, охири савол. Обуна бўлишига вақтидан кечиккан самарқандлик А. Турсунов маслаҳат сўраб хат йўллабди. «Агар йилнинг бошидан обуна бўлишига кечиксам, қачондан журнал олишга ёзилишим мумкин?»

А. Т.: — Исталган кундан. Масалан, у ҳозир сентябрь ойининг дастлабки кунларида обуна ҳақини тезроқ тўлаб, кейинги октябрь ойидан журнал олишга ҳақли!

— Суҳбат учун раҳмат. Эзгу ишларингизда сиз орқали барча алоқа ходимларига сабот тилаймиз.

А. Т.: — Раҳмат. «Еш куч»нинг нуфузи ва обуначилари ҳам янада ортаверсин.

Диққат! Диққат! Севимли журналингиз «Еш куч»га 1 октябрга қадар обуна бўлишни унутманг!

### ПРОВЕРЬТЕ ПРАВИЛЬНОСТЬ ОФОРМЛЕНИЯ АБОНЕМЕНТА!

На абонементе должен быть проставлен оттиск кассовой машины.

При оформлении подписки (переадресовки) без кассовой машины на абонементе проставляется оттиск календарного штемпеля отделения связи. В этом случае абонемент выдается подписчику с квитанцией об оплате стоимости подписки (переадресовки).

Для оформления подписки на газету или журнал, а также для переадресовки издания бланк абонемента с доставочной карточкой заполняется подписчиком чернилами, разборчиво, без сокращений, в соответствии с условиями, изложенными в каталогах Союзпечати.

Заполнение месячных клеток при переадресовании издания, а также клетки «ПВ — МЕСТО» производится работниками приятной связи и Союзпечати.



**ЕШ КУЧ**  
**МОЛОДАЯ СМЕНА**

Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли журнал

УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ  
1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 8 (38) август, 1989.

Узбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия» нашриёти.

**Бош муҳаррир**  
**Худойберди ТУХТАБОЕВ**

**Таҳрир ҳайъати**  
**Шоҳруҳ АКБАРОВ**  
(масъул котиб)  
**Шухрат АЛЛАМУРOTOV**  
**Сергей БРИНСКИХ**  
**Владимир ВОЛОТКО**  
(бош муҳаррир ўринбосари)  
**Евгений ГРЕВЦОВ**  
**Хуршид ДУСТМУҲАММАД**  
**Мирза КЕНЖАБОЕВ**  
**Эркин МАЛИКОВ**  
**Латиф МАҲМУДОВ**  
**Вадим НОВОПРУДСКИЙ**  
**Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ**  
**Абдуғафур РАСУЛОВ**  
**Александр ФАЙНБЕРГ**  
**Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ**  
**Файзулла ҚИЛИЧЕВ**

**Бадий муҳаррир:**  
**Султон СУЛАЙМОНОВ**  
**Тех муҳаррир:**  
**Улуғбек ЯКВАЛХУЖАЕВ**

«Еш куч» (Молодая смена) — ежемесячный, общественно-политический и литературный художественный иллюстрированный журнал

На узбекском языке  
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — ЧПС.  
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

**Телефонлар:**  
бош муҳаррир ўринбосари — 78-94-67,  
масъул котиб — 78-57-84,  
масъул котиб ўринбосари: рассом — 78-94-73.  
**Бўлимлар:**  
мактаб ва комсомол ҳаёти — 78-85-64,  
Ижтимоий-сиёсий, адабиёт ва санъат — 78-48-85,  
хатлар — 78-85-64.

Редакция ҳажми 2 босма тобоқдан зиёд асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма тобоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Еш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Еш куч» — «Молодая смена» 8 август, 1989.

С «Еш гвардия» нашриёти.

Босмахонага туширилди 17.06—89. Босишга рухсат этилди. 13.07.89. Р—02767. Офсет усулда чоп этилди. Китоб-журнал учун офсет қоғози. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Шартли босма листи 5,6. Шартли бўёқ нусхаси 16,8. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 310600 нусха. Буюртма 1107. Баҳоси 35 тийин.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан босмаханаси.

Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.



Лирик хонанда Мансур Тошматовни ким танимайди дейсиз! Бутуниттифоқ конкурсларининг голиби, республикада хизмат кўрсатган артист. Лекин у яккагон хонанда сифатида машхур эди. Яқинда Мансур Тошматов дўстлари: Камол Қозоқов, Нуриддин Камолов, Шомил Курамшинлар билан «Файз» ансамблини ташкил этишди.

«Файз» ижросидаги қўшиқлар ижрочиларнинг қалбини ром этмоқда.

Суратда: «Файз» ансамбли аъзолари.



Иброҳим ҒАФУРОВ Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, адабиётшунос олим, таржимон. Иброҳим аканинг «Ғузаликнинг олмос қирралари», «Унутилган боғ» (Усмон Носир ижоди ҳақида), «Она юрт куйчиси» (Миртемир ижоди ҳақида), «Жозибас», «Ёнар сўз», «Уртоқ шоир» (Шайхзода ижоди ҳақида), «Юрак — аланга», «Лириканинг юраги», «Прозанинг шоири», [Саид Аҳмад ижоди ҳақида], «Шеърят изланиш демакдир», «Уттиз йил изҳори» номли китоблари chop этилган.

«Сурур» (Н. Ҳикмат), «Чол ва денгиз», «Алвидо, қурол» (Э. Хемингуэй), «Азизим» (Мопассан), «Жиноят ва жазо», «Телба» «Қиморбоз» (Ф. Достоевский), «Қиёмат» («Кунда») (Ч. Айтматов), «Ёнғин» (В. Распутин), «Панчатантра» номли асарларни тажрима қилган.

